

ISHONCH  
VA NAYOT



Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни саклаш вазирлиги

# ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ АЁЛЛАР БИЛАН ИШЛАЙДИГАН “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” УЧУН ҚҰЛЛАНМА



## **Хурматли дўстлар!**

Сиз қўлингизда ОИВ билан яшовчи аёллар билан ишлайдиган “тengдош маслаҳатчи” учун қўлланмани ушлаб турибсиз. Унда тенгдоош маслаҳатчининг, айниқса, бу фаолиятга эндинига киришаётган мутахассиснинг кундалик фаолиятида керак бўладиган фойдали маълумотлар жамланган.

Қўлланма Республика ОИТСга қарши курашиш Маркази, Республика ихтисослашган Акушерлик ва гинекология бўйича амалий тиббиёт маркази, UNDP, UNICEF, Халқаро ОИТСга қарши курашиш фонди ва Евроосиё аёллар ОИТС тармоқлари ҳамкорлигида тузилган ва нашр этилган бўлиб, «ОИВ-инфекция билан яшовчи аёлларнинг репродуктив саломатлиги соҳасида маслаҳат бериш кўникмалари ва билимларини ошириш» қўлланмасига қўшимча ҳисобланади

Қўлланма яратилишида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Johns Hopkins Bloomberg School of Public Health, UNAIDS, ОИВ билан яшовчи шахслар билан фаолият юритувчи турли лойиҳалар ва ташабbusлар томонидан чоп этилган материаллардан фойдаланилди. Айрим масалалар “Оналар саломатлигини муҳофаза қилиш” бўйича фаолият юритувчи жаҳоннинг етакчи профессионал ташкилотлари (ACOG) тавсиялари асосида яратилган.

Қўлланмада ОИВ билан яшовчи аёллар билан ишлашда тенгдоош маслаҳатчига берилиши мумкин бўлган энг муҳим ва долзарб саволлар, шу жумладан тенгдоош маслаҳатчи фаолиятининг асосий тамонлари, ОИВ инфекция бўйича умумий саволлар, ЖИЙЮК ва уларни олдини олиш усуслари ҳақида кенг равишда мавзулар ёритилган. Қўлланманинг катта бир бўлими контрацепция усусларига бағишиланган, унда ушбу усусларни ОИВ билан яшовчи аёлларда қўлланилиши мумкинлиги ҳақида маълумот берилган. Қўлланмани ишлаб чиқишида мутахассислар дискордант жуфтликларнинг репродуктив танловига, ОИВ инфекцияси билан яшовчи аёлларда ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги давр кечиши ҳақидаги бўлимларга алоҳида эътибор қаратганлар, ушбу бўлимларда ҳомиладорларда ОИВ инфекцияси билан боғлиқ пайдо бўладиган инфекцияларнинг кечиши ҳақидаги масалалар ёритилган ва тегишли жавоблар тақдим этилган.

Эътиборлиси шундаки, ушбу қўлланма тенгдоош маслаҳатчilar, яъни, асосан тиббий маълумотга эга бўлмаган шахслар учун мўлжалланган. Шу сабабли, тенгдоош маслаҳатчи томонидан бериладиган тиббиётга оид тавсиялар шифокор маслаҳатини ўрнини тўлақинлича боса олмаслигини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, тенгдоош маслаҳатчи ОИВ билан яшовчи аёлларга қўмак бериш ва қўллаб-қувватлашда мультидисциплинар (турли хил дисциплинанинг билим ва кўникмаларидан фойдаланувчи) жамоа (МДЖ) учун жуда катта аҳамиятга эга. Кўп йиллик жаҳон тажрибаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, тенгдоош маслаҳатчининг иштироки ОИВ инфекциясини олдини олишга қаратилган дастурларнинг самарали амалга ошишининг асосий сабаблардан биридир. “Тенгдош маслаҳатчи”ларнинг фидокорона меҳнати ОИВ билан яшаётган аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ёрдам беришнинг турли йўналишларида бебаҳодир.

Ишонамизки, ушбу қўлланма кундалик фаолиятда фойдали ва қулай воситага айланиб, ОИВ инфекцияси билан яшовчи аёлларга, уларнинг фарзандлари ва оиласларига даволанишда йўл кўрсатади, руҳий қўллаб қувватлаш манбаи бўла олади.

## **МУНДАРИЖА**

ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ .....	4
ТЕҢГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАЯНЧ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	5
ОИВ ВА ОИТС: ЭТИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК КҮРИНИШ, КАСАЛЛИК БОСҚИЧЛАРИ, ОРГАНИЗМ ИММУН ЖАВОБИННИНГ ЎЗГАРИШИ .....	23
МАСЛАҲАТ БЕРИШ, ДАВОЛАШ, ТЕРАПИЯГА СОДИҚЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	34
РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ.....	60
ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ОНАДАН БОЛАГА ЮҚИШИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.....	67
ПАЛЛИАТИВ ЁРДАМ .....	71
ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚУВЧИ КАСАЛЛИКЛАР. АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ПРОФИЛАКТИКА УСУЛЛАРИ.....	73
БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР.....	78
ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХСЛАР УЧУН РЕПРОДУКТИВ ТАНЛОВ ВАРИАНТЛАРИ .....	83
ИЖТИМОИЙ-ХУҚУҚИЙ БҮЛİM.....	85
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	92

## ҚИСҚАРТМАЛАР РҮЙХАТИ

**РКТ** – ретровирусга қарши терапия

**РС** – репродуктив саломатлик

**АФП** – альфа фетопротеини

**ТБХ** – тананинг Базал ҳарорати

**КТАЯК** – кичик тос аъзоларининг яллиғланиш касалликлари

**ОИВ** – одамнинг иммунитет танқислиги вируси

**БИС** – бачадон ичи воситаси

**ОГВ** – оддий герпес вируси

**ОПВ** – одам папилломаси вируси

**ЕС** – эстриол

**СЦ** – суюқлик цитологияси

**ЖЙЮК** – жинсий йўл билан юқувчи касалликлар

**ПҚИК** – прогестин қаторидаги инъекцион контрацептивлар

**ЦИСИК** – инглиз.ICSI – Intra Cytoplasmic Sperm Injection дан, Цитоплазма ичига спермани инъекция орқали киритиш, спермани интрацитоплазматик инъекция қилиш

**ТВИ** – тана вазни индекси.

**ЖЙБЮИ** – жинсий йўл билан юқувчи инфекциялар

**КОК** – Комбинацияланган орал контрацептивлар. Шунингдек, ОКТ ёки ОК

**ЛГ** – Лютеинизация қилувчи гормон

**ЛНГ-БИВ** – Таркибида Левоноргестрел сақловчи бачадон ичи воситаси -

**10-ҲКТ** – 10 Ҳалқаро касалликлар таснифи

**УТЭМОПА** – узоқ таъсир этувчи медроксипрогестерон ацетати

**КБ** – бачадон бўйининг конуссимон биопсияси

**НЭЭ** – норэтистерон энантати

**ОИОБЮ** – ОИВ инфекцияни онадан болага юқиши

**ОБЮП** – онадан болага юқиш профилактикаси

**ПТТ** – прогестирон таркибли ҳомиладор бўлишдан сақлайдиган таблеткалар, улар “мини-пили” ва орал прогестинли контрацептив сифатида танилган.

**ОИТС** – орттирилган иммунтанқислик синдроми

**ШКТ** - шошилинч контрацепция учун таблеткалар

**УТТ** – ультратовуш текшируви

**ФСГ** - фолликулаларни стимуляция қилувчи гормон

**ХГ** – хорион гонадотропин

**ОХГ** – одамнинг хорион гонадотропини

**ЭКУ** – экстракорпорал уруғлантириш

**ЛЕЕР** – бачадон бўйининг тугунли электроэксцизияси

**RW** – Вассерман реакцияси ёки сифилис (захм) касаллигининг экспресс-диагностикаси – сифилис касаллигини ташхислаш усули

**TORCH** – мажмуа инфекциялар бу – бола учун ўта хавфли бўлган ҳомила ичи инфекциялари, улар ҳомиланинг нобуд бўлишига ёки ривожланишида нуқсонлари пайдо бўлишига ва аъзолари шикастланишига олиб келиши мумкин

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИ”ЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАЯНЧ ТАМОЙИЛЛАРИ

УШБУ БЎЛИМДА КЕЛТИРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРДАН, ҚУЙИДАГИЛАРНИ БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

- ◊ “Тенгдош маслаҳатчи”нинг фаолиятига тегишли асосий масалалар ва тушунчалар тўғрисида
- ◊ “Тенгдош маслаҳатчи”нинг профессионал ҳислатлари тўғрисида
- ◊ “Тенгдош маслаҳатчи” эга бўлиши керак бўлган профессионал фаолиятнинг асосий воситалари тўғрисида
- ◊ “Тенгдош маслаҳатчи” беришнинг тамойиллари тўғрисида
- ◊ “Тенгдош маслаҳатчи”лар фаолиятидаги чекловлар тўғрисида
- ◊ Самарали фаолият усуллари ва касбдан чарчаб қолишнинг олдини олишдаги профилактика тўғрисида
- ◊ Мультидисциплинаржамоа фаолияти доирасида “тенгдош маслаҳатчи”нинг бошқа мутахассислар билан ўзаро муносабатлари тўғрисида
- ◊ Мижозлар билан алоқани ўрнатиш ва сақлаш усуллари тўғрисида
- ◊ Ташибисни қабул қилиш қадамлари ва ҳар қадамда мижозлар билан ишлаш услублари тўғрисида

### “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИ” ЎЗ ФАОЛИЯТИ ДОИРАСИДА ҚАЙСИ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРНИ БИЛИШИ ЛОЗИМ?

Ўз амалиётида “тенгдош маслаҳатчи” турли хил атамалар ва таърифларга дуч келиши мумкин. Аммо иш билан боғлиқ асосий таърифлар қуидагиларни ўз ичига олади:

**Тенгдош маслаҳатчи (ТМ)** – бу ОИВ инфекция билан яшаш бўйича шахсий тажрибага ва ОИВ инфекцияси бўйича маслаҳат бериш борасида зарур тайёргарликка эга бўлган шахс.

**ОИВ мавзусида тенг маслаҳат** – бу мижозга “тенгдош маслаҳатчи” томонидан тақдим қилинадиган хизмат бўлиб, ушбу хизматга ўз ташхисини англаб етиш ва қабул қилишга кўмак бериш, эмоционал қўллаб-қувватлаш ва ОИВ билан боғлиқ ҳаёт борасидаги масалалар бўйича маълумот бериш киради.

**Маслаҳатчи** – аниқ йўналиш бўйича малакали мутахассис бўлиб, мижозларга ва бошқа мутахассисларга маълум бир соҳада маслаҳат берга оладиган шахс ҳисобланади.

**Фаол** – дискриминация ёки стигматизацияяга учраган бир гурӯҳ шахсларни ёки ўхшаш томонлари билан бир жамиятга бирлашганларни қўллаб-қувватловчи шахс.

**Мижоз** – ОИВ мусбат мақомига эга бўлган шахс ёки ОИВ инфекция билан яшаётган шахснинг яқинлари. Ушбу мурожаат, деярли ҳар қандай турдаги хизмат кўрсатувчи руҳшунослар, маслаҳатчилар орасида қабул қилинган.

**Бемор** – бу тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган, тиббий назоратда бўлган ёки тиббий ёрдам олаётган шахсdir. Ушбу атама шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ўртасида ишлатилади.

ОИВ инфекцияси ташхиси қўйилган шахсларнинг фаол тарздаги кундалик ҳаётлари натижасида, ОИВ инфекциясида ёрдам бериш тизимига “тengdoш маслаҳатчи” тушунчаси кириб келди. ОИВ билан яшовчи шахслар қийинчиликларни енгib ўтиш тажрибаларини бошқа одамлар билан, масалан, яқинлари, қариндошлари ва бошқа bemорлар билан бўлишишга тайёр бўладилар. Ахборот бериш ва мураббийлик вазифаларини ўз зиммасига олган tengdoш маслаҳатчи, ёрдам бериш тизимига мижозни тез, самарали жалб қилиш ва уни ушбу тизимда олиб қолиш имконини яратади.

## НИМА САБАБДАН “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” БЕМОР ВА УЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИНИ МИЖОЗ ДЕБ АТАЙДИЛАР?

Тайёрлаш ва ишлаш услубиётида асосан касбий лексика кўлланилади. Маслаҳатчи ва bemорлар орасидаги оптималь ва нозик масофани аниқлаш учун руҳшуносларнинг сўз бирикмаларидан фойдаланиш мақсадида bemорларни ва уларнинг қариндошларини мижоз деб чақириш қабул қилинган.

## КИМ “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИ” БЎЛА ОЛИШИ МУМКИН?

ОИВ мақомига эга бўлганлиги ва мотивациялик ҳар қандай шахс ўқиб, “тенгдош маслаҳатчи” га айланиши мумкин. Қолаверса ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахсларнинг яқинлари ёки (ОБЯШ) жамиятининг фаоллари ҳам бўлиши мумкин.

Алоқага киришишнинг самарадорлигига, маслаҳатчига бўлган ишонч ва шу қаторда tengdoш маслаҳатчининг мижоз билан ўхшаш хусусиятларининг борлиги таъсир қиласи. Бу жинс, ёш, ҳаёт тарзи, ижтимоий-иктисодий мақом, ҳаётий тажрибалардаги ўхшашибликлар бўлиши мумкин. Масалан, ҳомиладор ёш аёллар ўзининг ёшига яқин бўлган ва ОИВ мақомини ҳомиладорлик бўйича ҳисобга олинган пайтда билган аёлларга кўпроқ ишонч билдириши мумкин.

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” ҚАНДАЙ ХИСЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК?

- Шахсий ижобий ташабbus / комплаенс/ (шифокор тавсияларига риоя қилиш);
- Юқори даражадаги мотивация ва шахсий ҳисса;
- Шахсий таъсирчанликни назоратга олишни билиш;
- Ўзлаштириш ва маълумотни тушунарли равишда етказиб бериш қобилияти;
- Хушмуомалалик;
- Ривожланиш истаги;
- Фойдали ишга қизиқувчанлик;
- Рационал алъетруизм/бошқаларга ёрдам бериш истаги (ўзининг ва бошқаларнинг манфаатлари ўртасида мувозонат сақлашнинг мухимлигини тушуниш);
- Мижоз олдида ўз мақомини очишга тайёр бўлиш;
- Толерантлик ва сабр-тоқат;
- Маслаҳат бериш учун етарли вақт ажратиш.

## НИМА САБАБДАН “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛИК” – БУ “ОСОН ЭРИШИЛУВЧИ” ХИЗМАТ?

- Осон эришилувчи хизмат/сервис бир қатор тамойиллардан фойдаланиш орқали тузилади;
- Мижознинг манфаатларига устувор риоя қилиш тамойили;
- Ихтиёрийлик тамойили. Хизматдан фойдаланиш учун мижознинг хоҳиши бўлиши керак;
- Қабул қилиш тамойили. Мижоз барча муаммолари, одатлари, турмуш тарзи ва бошқа омиллар билан қандай бўлса, шундай қабул қилинади;
- Ҳаммага бирдай ва бепуллилик тамойили.
- Осон эришилувчи сервисидан фойдаланиш имконияти ҳеч қандай асоссиз ва истисносиз барчага тақдим қилиниши лозим.

## “ТЕНДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” МАСЛАҲАТ БЕРИШНИНГ ҚАЙСИ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИ КЕРАК?

Барча муамоллар доирасидаги асосий билимлардан ташқари, маслаҳатчи маслаҳат беришнинг қуидаги асосий воситаларига эга бўлиши лозим:

- Фаол эшитиш техникаси;
- Маслаҳатни савол бериш орқали бошқариш.

## “ТЕНГДОШМАСЛАҲАТЧИЛАР”НИНГА СЕНАЛИДАТАЛЬИМТАДБИРЛАРИНИНГ ҚАЙСИ БИРИ МАВЖУД?

“Тенг-тengига” маслаҳатда асосий таълим тадбирлари ўз ичига қуидагиларни олади:

Маслаҳат бериш. Муаммони ҳал қилиш ёки қўллаб-қувватлаш, тушуниш, тўғри, онгли ва мустақил қарор қабул қилишга ёрдам берувчи бенефициар ва маслаҳатчи ўртасида “махфий мулокот”.

Ўзаро ёрдам гурухи (гуруҳ маслаҳати). Гуруҳ аъзолари ўртасида муайян қоидалардан фойдаланган ҳолда самарали мулокот қилиш учун шароит яратади.

Ўзаро ёрдам гурухи иштирокчиларга ўзларини яхшироқ ва чуқурроқ тушуниш, ўз нуқтаи назарларини, ҳиссий ва хулқ-атвор стереотипларини, муаммоларга нисбатан муносабатларини тушуниш имконини беради. Ҳар бир инсоннинг шахсий салоҳиятини ошириш учун бир кишининг тажрибасидан фойдаланишга имкон беради. Инсон қўллаб-қувватланади, ҳимоя қилинганини ҳис қиласди. У дунёга, атрофдагиларга ва ўз-ўзига бошқача кўз билан қарашни бошлайди. Шахсий ривожланишни жараёни бошланади.

Бемор мактаби – бу ОИВ инфекцияси билан яшовчи шахслар ва уларнинг яқинлари томонидан ихтисослаштирилган тиббий, психологик ва ижтимоий хизматлар мажмуасини кўрсатиш ва олишда қўмак бериш билан ифодаланадиган тизимли фаолият. Ушбу фаолият мижозларни тиббий-ижтимоий кузатиб бориш ва тегишли тармоқли хизматларнинг саъй-ҳаракатлар иниекцияси билан яшовчи шахслар ва уларнин даволанишга бўлган масъулиятларини ривожлантириш асосида олиб борилади.

Тренинг. Билим, кўникма, маҳорат ва ижтимоий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган фаол таълим усули. Бу шахслараро муносабат ҳамда профессионал мулокотни ривожлантирувчи интерактив таълим шаклидир. Тренингни ўтказиш маҳсус тайёргарликни ва кўп ҳолларда тегишли таълимни талаб қиласди.

Ҳордик (маданий-оммавий ва спорт тадбирлари). Муносабатларни куришда, муаммолардан (ахборот викториналари) хабардор қилишда ва соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантиришда, бўш вақтни соғлом ўтказиш мумкин.

## “ТЕНГГА-ТЕНГ МАСЛАҲАТ”НИНГ БИРОР БИР ТАМОЙИЛЛАРИ МАВЖУДМИ?

Тенгга-тенг маслаҳатнинг асосий тамойиллари tengdoш маслаҳатчи ўзи аллақачон енгиб ўтган тиббий-ижтимоий муаммоларни ва қийинчиликларни ҳал қилишда мижоз учун “ўтказувчи” вазифасида бўлишидир. Бундан ташқари, тенг маслаҳатчи фаолиятининг бир неча тамойиллари мавжуд:

**Ихтиёрийлик.** “Тенгдош маслаҳатчи” мижозга ўз хизматларини таклиф қилиши мумкин ёки мижоз маслаҳатчига мустақил равишда мурожаат қилиши мумкин, аммо барча ўзаро муносабатлар фақат ихтиёрий бўлиши керак.

**Махфийлик** – мижоз ва маслаҳатчи ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми. Мижозга унинг ҳаёти ва соғлиғининг тафсилотлари фақат ёрдам бериш жараёнига жалб қилинган ишончли вакилларнинг тор доирасига маълум бўлиши ўзини тинч ҳис қилиш имконини беради. Мижоз ҳақида маълумот маслаҳат доирасидан ташқарига чиқарилмайди.

**Мижознинг эҳтиёжларини аниқлаш.** Шубҳасиз, мижоз фақат ўз муаммоларининг мураккаблиги ва ўз эҳтиёжлари ҳақида билиши, гапириши мумкин, тенгдош маслаҳатчи эса уларни эшлиб, ечимларини топиш ва ушбу муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўз фикрини билдириши керак.

**Ҳамкорлик.** Биргалиқда ҳаракат режасини тузиш ва унинг ҳақиқий ҳаётий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда мақсадларни мижоз билан келишиш қулай ёрдам бериш йўли ҳисобланади.

**Касбий ваколатларнинг чегаралари.** Муҳим тамойил. “Тенгдош маслаҳатчи” қўйилган ташхисни қабул қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин, аммо дори-дармонлар ва препаратларни тайинлаш шифокорнинг ваколатидадир. Бу принцип бошданоқ мижозга тушунирилиши керак, чунки мижозда нотўғри фикрлар пайдо бўлишини бартараф этади.

**Ресурс ҳолатини шакллантириш** – “тенгдош маслаҳатчи” билан ҳамкорликнинг яхши натижаси. Биргалиқда ишлаш жараёнинда мижоз ўз қобилияtlарига ва янги кўнималарга ишонч ҳосил қиласди.

**Даллилар тамойили.** Маслаҳат бериш доирасида тиббиётга мувофиқ далилларга асосланган маълумотлар қўлланилади.

**Шахсий тажриба мисол бўла олади, аммо у ягона танлов эмас.** Маслаҳатчининг шахсий тажрибаси ҳар доим ҳам мижозга ёрдам бера олмайди, чунки мижознинг сўрови маслаҳатчида бўлмаган тажрибага ёки муаммони ҳал қилиш усулига мос келмаслиги мумкин. ОбЯШ билан мулоқот қилиш, у билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш мижозни қўллаб-кувватлашга бебаҳо ҳисса қўшиш имконидир.

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ МАВЖУДМИ?

Касбий мажбуриятларни амалга оширишда “тенгдош маслаҳатчи” ўзининг ваколатлар чегарасини аниқ билиши керак ва ўзига ўта эътиборли бўлиши керак. “тенгдош маслаҳатчи”, шуни англаши керакки, унинг ёрдам бериш имкони чексиз эмас. Шунинг учун мижоҳ бошқа кўмакчидан фойдаланганда, у шахслар билан таниш бўлиши жуда муҳим: яъни кўмаклашувчи мижозни қабул қилиш вақти, унинг манзили ва иш вақт ҳақида маълумот сифатли ёрдам беришнинг асосий шартлари ҳисобланади.

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР”НИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ҚАНДАЙ?

- ОИВ инфекциясига тестгача ва тестдан кейинги маслаҳатни ўтказиш. Шундан келиб чиқсан ҳолда, билиш керакки “тенгдош маслаҳатчи” томонидан ўтказилган тестгача ва тестдан кейинги маслаҳат мижозни, меъерий ҳужжатларнинг қоидалари ва талабларига мувофиқ ОИТСга қарши кураш хизматлари даволаш профилактика муассасаларида ўтказиладиган тестгача ва тестдан кейинги маслаҳатдан озод қилмайди (эпидемиологик текширув ва диспансер назоратида).
- Тестнинг ижобий натижаси аниқланган тақдирда мижоз билан бирга бўлиш.

- “Тенгдош маслаҳатчи” тиббий мутахассислар кириши қийин бўлган асосий гурухларда ишлаши мумкин.
- Нафақат ОИВ мусбат мижозга, балки унинг яқинларига ахборот берувчи ёки қўллаб-қувватловчи сифатида маслаҳат бериш.
- Мижозни фаолтинглаш, ОИВ инфекциясининг асосий жиҳатлари ёки мижознинг талабига биноан бошқа масалалар ҳақида маълумот бериш, ҳиссий қўллаб-қувватлаш, мижоз ва маслаҳатчи ўртасида ишончли муносабатларни ўрнатиш учун асос бўлиб хизмат қиласди.
- Мижознинг муаммоларини бартараф этиш учун ёрдам бериш режасини тузиш. Биргаликда ишлаш режасини тузишда, ўша вақтдаги мижоз учун энг муҳим устуворликларни белгилашни унумаслик керак.
- Агар мижознинг имкониятлари чекланган бўлса, мижознинг ҳуқуқларини бузмасдан, унинг розилигини олиб, мижозга ҳомийликни амалга ошириши зарур.
- Узоқ вақт давомида тиббий муассасага бормаган беморлар билан ишлаш. Сабабларни аниқлаш ва уларнинг ёрдам олишлари учун мавжуд тўсикларни бартараф этиши керак.
- Тармоқлараро ва идоралараро ёндашув асосида қурилган тиббий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

Одатда, тенгдош маслаҳатчининг мижози ОИВ билан яшаётган шахслардир. Кўпинча, мижозлар иш билан таъминланишга, бошқа ижтимоий ва эҳтимол психологик ёрдамга муҳтоҷ бўлади. Давлат муассасалари билан ҳамкорлик қилиш тажрибаси кам бўлган мижозларда ёрдам олиш алгоритмини, унинг йўналишини, ҳуқуқларини ва ҳаракатлар кетма-кетлигини тушуниши қийин бўлади ва бу ҳолат тез-тез учрайдиган ҳолат ҳисобланади. “Тенгдош маслаҳатчи” маслаҳат бериши ва мижознинг йўналишини белгилаб бериши ҳамда агар керак бўлса, ўзи мижозни турли муассасаларга олиб бориши мумкин.

Мутахассислар томонидан мижозга ёрдам беришда шифокорлар ва бошқа манфаатдор шахслар билан жамоавий ишлар “тенгдош маслаҳатчи” иштирокида амалга оширилиши мумкин ва “тенгдош маслаҳатчи” мувофиқлаштирувчи ролни бажариши мумкин. Бугунги кунда беморлар билан ишлаш бўйича мультидисiplинар ёндашув ғояси кенг қабул қилинган бўлиб, у нафақат ОИВ инфекцияси, балки бошқа ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар соҳасида ҳам фаол ривожланмоқда ҳамда қўлланилмоқда.

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” ФАОЛИЯТИДАГИ ЧЕКЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ АЙТСА БЎЛАДИ?

- Тенгдош маслаҳатчи учун энг “тақиқланган усул” – мижозга шифокор томонидан тайинланган дори-дармон тавсиялари ва даволаш усуллари тўғрисида маслаҳат бериш ҳисобланади. Дориларни қўллаш бўйича тавсияларни бериш учун масъулият “бемор- шифокор” жуфтлигига тўғри келади, тенгдош маслаҳатчи эса терапияни қабул қилиш зарурлигини тушунтиради, дори-дармонларни қабул қилишнинг қулагай дастурини тузишга ёрдам беради ва агар керак бўлса, тиббий муассасага боришдагина ҳамроҳ бўлади.
- Мижоз билан ўзаро муносабатларда “тенгдош маслаҳатчи” ўзига қулоқ солиши керак. Баъзан мижоз ўз тажрибаларини ва оғир ҳолатларини баҳам кўрганда, маслаҳат берувчига бу кучли таъсир кўрсатиши ва қалбини шикастлаши мумкин.
- Мижознинг чалкаш муаммоларини ҳал қилиш учун бир нечта хизмат ходимлари иштирокини талаб қиласиган мураккаб ҳолатларда ҳамкасларга мурожаат қилиш. Ҳаддан ташқари юк фақат битта “тенгдош маслаҳатчи” учун оғирлик қилиши мумкин.
- Кўпинча “тенгдош маслаҳатчи” мижоз ишонадиган яқин шахсга айланади. Баъзи мижозлар муносабатларни дўстона тоифага айлантирадилар ва кечқурун ёки дам олиш кунида ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Бироқ, “тенгдош маслаҳатчи”, ҳар қандай мутахассис каби, дам олиш учун вақт бўлиши керак.

- “тengdoш маслаҳатчи” ўз соҳасида профессионал даражада тиббий ва ижтимоий масалаларни мукаммал даражада бошқариши мумкин. Бирок, чегара доимо билиши шарт, яъни мурожаат (масалан, муайян муаммони қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида) тазийик ва босимга айланганда, ушбу ҳолат мижоз ва маслаҳатчини нокулай аҳволга солиб қўяди.
- Профессионал масофанинг етишмаслиги, қарз бериш ҳолатлари, биргаликда дам олиш каблар маслаҳатчи ва мижоз ўртасидаги муносабатлар учун фойдали бўлмайди. “Тengdoш маслаҳатчи” ўзининг профессионал вазифаларини ёдда тутиши ва мижозлар билан мулоқот қилишда уларни тўғри амалга оширишга ҳаракат қилиши керак..

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” ДАВОЛАШ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТНИ ҚАНДАЙ ТАРЗДА ТАҚДИМ ҚИЛИШИ КЕРАК?

Шифокордан фарқли ўлароқ, “тенгдош маслаҳатчи” даволанишни белгиламайди ва уни муҳокама қилмайди.

“Тенгдош маслаҳатчи” касаллик ва даволаш усуллари ҳақида умумий маълумотни тақдим этиши мумкин, аммо маълум бир бемор учун муайян даволаш режаси, у учун танлаган дори-дармонлари ва шифокор томонидан белгиланган тартиб-тамойиллар ҳақида гапирмаслик керак. Агар мижоз ўз даволанишига шубҳа қилса, “тенгдош маслаҳатчи” тўғри қарор қабул қилишга ёрдам беради ва бошқа манбалардан маълумотларни олиш ва солиширишни тавсия қиласди. Лекин ҳеч қандай ҳолатда “тенгдош маслаҳатчи” ўз хуносасини чиқаришга ва бошқа шифокорни таклиф қилишга уринмайди. Бошқа шифокор/ мутахассисда даволаниш тўғрисида қарорни қабул қилиш фақат мижознинг/беморнинг/аёлнинг ўзигина ҳақлидир.

## “ТЕНГДОШ МАСЛАҲАТЧИЛАР” РУҲШУНОС ВА ИЖТИМОИЙ ИШЧИДАН ҚАЙСИ ТАМОНЛАРИ БИЛАН ФАРҚ ҚИЛАДИ?

“Тенгдош маслаҳатчи”, гарчи маслаҳат беришда муносабатларни ўрнатиш психология фанига асосланган бўлса-да, ҳатто тренинг ўтган бўлишига қарамай, дипломи бор руҳшуносга айланмайди.

Шунга қарамай, “тенгдош маслаҳатчи” мижозни руҳан қўллаб-кувватлайдиган, касаллик ҳақида долзарб маълумотларни бўлишадиган, даволаниш вақтида, ташхис қўйилгандан кейинги ҳаётининг кундалик жиҳатларида ва даволанишни турли йўналишлар билан таъминлайдиган шахс бўлиб қолади.

“Тенгдош маслаҳатчи” ижтимоий ишчи эмас. Унинг вазифаси мижоз ва унинг оиласи учун дори-дармон ёки маҳсулот сотиб олишни ўз ичига олмайди. Маслаҳатчи ва мижоз ўртасидаги муносабатлар эмоционал қўллаш ва ахборот бериш ёрдами билан чегараланади.

“Тенгдош маслаҳатчи” ўз даволанишининг ижобий тажрибалари билан бўлишиши, ҳамдардлик ва тушунишни ифода этиши мумкин, аммо профессионал-мутахассиснинг ўрнини боса олмайди.

## МИЖОЗГА ХАЙРИХОҲЛИК БИЛАН МУНОСАБАТ ҚИЛИШ НИМА УЧУН МУҲИМ?

“Тенгдош маслаҳатчи” лар бошқа аёлларни тушунгандарни, уларга ҳамдардлик билдиргандарни, уларнинг аҳволини тушунишлари, муҳим ва фойдали маълумотларни улар билан бўлишишини истагандарни учун бошқа аёлларга ёрдам беришни хоҳлашади.

Шуни тушуниш керакки, ҳамма мижозлар ҳам сизга яқин ёки ёқимли бўлавермайди. Мижоз билан ТК бутунлай бошқа ҳаётий қадриятларга, принципларга ва кўрсатмаларга эга бўлиши мумкин.

Тенг-тengига маслаҳат-сифатли, профессионал хизмат эканлигини унутиш керак эмас. Шунинг учун, зарурият туғилгандага мижозни борлигича қабул қилишга, унинг аҳволини ёки кечинмаларини қадрсизлантирумасликка, у билан бир хил тилда гапиришга ҳаракат қилиш, сабр-тоқат билан тинглаш ва керакли маълумотлар билан бўлишишга интилиш керак.

Шуни унутмангки, маслаҳат олиш даврида мижоз ҳиссий жиҳатдан заиф ҳолатда бўлади. У ўз дарди ва қўркуви, у учун энг сирли бўлган нарсаси ҳақида гапириш учун келаркан, эҳтимол унинг бу ҳақда ҳеч кимга гапирмаган бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш, унга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш, очик кўнгиллик ва сабр-тоқатли бўлиш ТК профессионаллигининг бир қисмидир.

## МАСЛАҲАТЧИ УЧУН СУПЕРВИЗИЯ НИМА?

Супервизия-тажрибали ҳамкаслар ва руҳшунослар томонидан тенг маслаҳатчига ёрдам бериш, ўзига ҳос мураббийлик.

Супервайзерлар ёрдамида тенгдош маслаҳатчи мижозлар билан ишлашнинг шахсий услубларини, кўнилмаларини, усулларини таҳлил қила олиш мумкин, ишда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиши, ўз ҳиссиётларини бошқара олиши ҳамда ўзининг кучли томонларини ва мумкин бўлган “ўсиш нуқталарини” аниқлаш имкониятига эга бўлиши мумкин.

Ҳамкаслар билан муносабатларда супервизия бир-бирининг позициясини аниқлаб олиш, бир-бирлари билан музокара қилишини ўрганиш, маслаҳатчи томонидан, масалан, мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг тўсиклари, ҳамкаслар ўртасидаги қийин ва баъзан зиддиятли вазиятларни ҳал қилишда ёрдам бериш имконини беради.

Супервизия ҳиссий ёниб кетишнинг олдини олишни ажралмас қисми ҳисобланади. Супервизия тенг маслаҳатчини тайёрлаш ва ишлашининг мажбурий ва ажралмас қисмидир.

Мажбурий супервизия йилига камида икки марта ўтказилади.

## МИЖОЗГА НИСБАТАН ШАХСИЙ ҲИС-ТҮЙҒУЛАР ВА ФИКРЛАРДАН ҚАНДАЙ УЗОҚЛАШИШНИ ЎРГАНИШ МУМКИН?

Бирор шахс ҳақидаги таассуротлардан узоқлашиш қобилияти, бу профессионал маҳоратдир.

Мижознинг ташқи қиёфасига ёки ҳатти-ҳаракатларига эмас, балки уни эшишишга ва унинг муаммосига эътибор беришга ҳаракат қилиш керак (албатта, агар ҳатти-ҳаракатлар маслаҳатчининг ҳиссий ва ҳатто жисмоний хавфсизлигига таҳдид солмаса).

Шуни эсда тутиш керакки, маслаҳатчининг асосий вазифаси ёрдам сўраган ҳар бир шасхга ёрдам беришдир.

Мижозга нисбатан ҳис-туйғулардан ва фикрлардан қандай узоқлашишни ўрганиш керак? Агар мижозга нисбатан салбий идрокдан чалғишининг иложи бўлмаса, бу сизда ички тўсик ёки қийинчилик мавжудлиги ҳақида хабар бериши мумкин. Бундай ҳолатда супервизорга мурожаат қилиб, маслаҳат олиш керак.

Баъзан мижоз билан сухбат уни қиёфасида ўз аксини кўришга, унинг кечинмаларини ўзига олишга ундаши мумкин, бундай ҳолатларларда зудлик билан супервизор-руҳшуносдан ёрдам сўраш керак. Бундай ҳолатларни эътиборсиз қолдирмаслик керак, улар нафақат касбий толиқиши, балки соғлиқ учун ҳам зарарли ҳисобланади.

## НИМА САБАБДАН МАҲФИЙЛИК МУҲИМ?

Махфийлик (лотин тилидан – *confidentia* – ишонч) – ошкор этмаслик, бирор маълумот тарқалиб кетмаслиги олдини олиш зарурияти.

Махфий ахборот-оммавий тарқатилмайдиган, “ишончли, ошкор этилмайдиган, махфий” ахборот. Ушбу тушунча сир тушунчасига тенгдир.

Махфийликни сақлаш тенгдош маслаҳатчи фаолиятининг энг муҳим тамойилидир, шундай экан, мижознинг сирини сақлаб қолишига тайёр бўлиш керак (махфийлик деганда барча шахсий мълумотлар тушунилади). Фақат махфийликнина мижознинг ишончини ва хавфсизлигини таъминлайди. Шахсий мълумотларнинг тарқалиши нафақат ноаҳлоқий, балки ноқонуний ҳамdir.

Шу билан бирга, ҳамкаслар ва супервизор билан маслаҳатлашган вақтда юзага келган сўров ёки вазиятни беморнинг шахсига боғламасдан муҳокама қилиш мумкин: ҳолатни супервизияга олиб чиқишида, таъриф берганда маълум бир шахсга ишора қиласидан ҳеч нарса айтилмайди. “Янги ғийбатлар” билан бўлишишдан кўра, ишингизнинг сифатини яхшилаш учун қандай ёрдам бериш кераклигини сўрашингиз мумкин. При этом с коллегами и супервизором можно обсуждать запрос или ситуацию, сложившуюся во время консультации, не привязывая ее к личности пациентки: когда мы выносим случай на супервизию, то в описании не упоминаем ничего, что могло бы указать на конкретного человека. Можно спрашивать, как лучше помочь в том или ином случае, чтобы повысить качество своей работы, а не поделиться «горячими сплетнями».

## ЎЗ ҲАЁТИМДАН МИСОЛЛАР КЕЛТИРА ОЛАМАНМИ?

Мижозга нимани ва қандай қилиб айтаётганимизнинг масъулиятини тушуниш жуда муҳимdir.

Бизнинг ҳаётилиз ва даволаниш тажрибамиздан мисоллар мижознинг салбий реакциясини келтириб чиқармаслиги, айниқса, ташхисингиз ёки даволанишингиз унидан фарқ қилса, уни тўғри даволанаётганига шубҳа туғдирмаслиги муҳимdir.

Ҳикояларни тажрибангиздан келиб чиқиб сўзлаб берар экансиз, ҳар бир бемор даволанишда ўз схемасига мувофиқ даволаниши ва бу схема шифокор томонидан белгиланиши ҳақида таъкидлаб ўтишингиз керак. Ўз нотиббий тажрибангиздан мисол келтирсангиз, сизга мос келган руҳий ёки ҳаётий мослашув варианatlари мижозга тўғри келмаслигини ёдда тутинг. Бундай ҳолатда “Менга ашула айтиш ёқди, бироқ бу мен. Сизни нима қизиктиришини муҳокама қилиб кўришимиз мумкин” деб айтиб ўтишингиз керак.

## АГАР МИЖОЗНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ШУ ЖУМЛАДАН ЮРИДИК ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАН ДЕБ ҲИСОБЛАСАМ, НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК?

Эҳтимол, мижознинг ҳикоясига кўра, унинг ҳуқуқлари бузилган деб ўйлашингиз мумкин, аммо у буни тахмин қилмаётган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда, сиз ўта одоб билан ҳаракат қилишингиз ва қатъий қарор қабул қиласигингиз, ҳужжатларни мустақил равишда ўрганишингиз ва/ёки тиббий адвокат/тиббиёт мутахассислар билан маслаҳатлашишингиз ёки беморнинг ўзи учун бундай маслаҳат олишни таклиф қилишингиз керак.

## АГАР МИЖОЗ ШИФОКОР ЁКИ ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР БИЛАН АЛОҚАНИ УЗСА, НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК?

Мижозларнинг ҳаётий амалиётида кўпинча алоқаларни йўқотиш ҳисси ёки ҳатто шифокор ёки ижтимоий хизматлар билан зиддият бўлиши мумкин. Бундай қарорлар қанчалик оқилона эканини тушунишга ҳаракат қилинг.

Мижозга нима бундай қарорга келганини, ундан шифокор ёки ижтимоий хизматчилар ўртасида содир бўлган зиддият тўғрисида батафсил айтиб беришини таклиф қилиш керак. Эҳтимол, сўзлаб бериш давомида, мижоз шаштидан тушади ва бу муаммони ўзи “қўйиб юборади”. Ёки гапириб бераётиб ўзининг стрессли ҳолатда бўлгани а шу сабабли бундай муносабатда бўлганини тушунади. Мижозга шифокор билан конструктив ҳамкорликни йўлга қўйишга ёрдам беринг, уни кейинги маслаҳатга тайёрланг, саволлар рўйхатини тузинг, «ишончли» мулоқотни машқ қилинг.

Агар сүзлаб бергач ҳам ҳис-түйғулар кескинлиги йўқолмаса, маслаҳатга беришдан тийилиш яхшироқ.

Яни, сабр қилишни маслаҳат беришнингложи бўлмаса-да, мижозни ҳафа қилган шахсга адоват қилишни қўллаш ҳам ўринли эмас. Унга кейинги ҳаракатлар учун варианларни, шунингдек, уларнинг оқибатларини муҳокама қилишни таклиф қилиш керак.

Мижознинг ўзи кейинги ҳаракатлари ҳақида мустақил қарор қабул қилсан, аммо бунинг оқибатида вужудга келадиган у ёки бу сценарийларни тушуниши ва англаб етиши лозим.

## АГАР МИЖОЗ НОТЎФРИ ИШ ҚИЛАЁТГАНДЕК ТУЮЛСА, НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК?

Агар мижоз соғлиғи нуқтаи назаридан нотўфри иш қилса (масалан, тиббий ёрдам ва даволанишдан бош тортса), унда қийин ва оғир вазиятда бўлган одам билан алоқани йўқотмаслик учун эҳтиёткорлик ва хушмуомалаликни саклаш керак.

Ҳеч қандай ҳолатда унинг қарорини (“бу ерда сиз хато қиляпсиз”, “бу бир аҳмоқлик-ку” ва бошқалар) баҳолаш мумкин эмас. Ҳар қандай қийин вазиятда, энг муҳими мижозга унинг ҳар қандай қарорини қабул қилинишимизни ва уни муҳокама қилмаслигимизни билдириш мухим, қолаверса, у билан ҳар қандай ҳолатда гаплашишга, муҳокама қилишга тайёр эканлигимизни билдиришимиз керак.

Барча ҳолатларда ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш керак ва нима сабабдан бу қарорни қабул қилишини сўраш (бизнинг мисолимизда – тиббий ёрдамдан воз кечиш) керак. Шунингдек, у ўз қарорини, кўрқувларини ва шубҳаларини даволовчи шифокори билан муҳокама қилганми ёки ўзи мустақил қарор қабул қилганми, буни аниқлаш зарур. Агар шифокор мижоз билан гаплашишдан бош тортган бўлса, унда унга ўзи ишонган шифокорининг фикрини тавсия қилиш мумкин. Ишончли шифокори бўлмаса, кўрқувдан қутулиш учун руҳшунос ёки психотерапевт билан мулоқот қилишни таклиф қилинг.

## СУҲБАТНИ ҚАНДАЙ БОШЛАШ КЕРАК?

“Тенгдош маслаҳатчи”нинг хонасида мижоз учун қулай муҳит ва атмосфера яратиш жуда муҳимдир. Бу жуда оддий усуllар билан амалга оширилиши мумкин.

Биринчидан, барча эътибор унга қаратилганлигини ва унинг аҳволи сиз учун жуда муҳим эканлигини аниқ кўрсатиб беринг. Унга қандай мурожаат қилиш қулай эканлигини аниқланг. У “тенгдош маслаҳатчи” ҳақида қанчалик билишини сўранг ва агар билмаса, унга бу ҳақда маълумот беринг. Ўз малакангизни ва унга маълумот беришга тайёр бўлган мавзуларни тушунтиргинг. Айни пайтда у учун айнан нималар фойдали бўлишини сўранг. Агарда у чалкашиб кетганини ва маълумотни идрок эта олмаслигини ҳис қилсангиз, ким ва нима учун уни сизга ўйналтирганини ва унга қандай ёрдам бериш мумкинлигини сўранг. Унга ҳикоясини айтиб бериш имконини беринг, диққат билан тингланг ва унинг аҳволига ҳамдард бўлинг.

## КАСАЛЛИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИ НИМА?

Ўз ҳаётий ҳолати ҳақида жиддий ва оғир янгиликларни эшитган инсоннинг руҳий ҳолатини кузатиб (бу яқин кишисининг ташхиси, касаллиги ёки ўлими ва ҳаётни кескин ўзгартирадиган бошқа ҳолатлар бўлиши мумкин), психологлар бу жараёнда инсонлар босиб ўтувчи маълум бир йўлни, босқичлар ва шартларнинг ўзгаришини аниқладилар.

Бу йўл қисман шартли. Унинг ҳар қандай босқичи бир неча соат, бир неча ой ёки бир неча йил давом этиши, босқичлар кетма-кетлиги ўзгариши мумкин, бундан ташқари, одамлар ушбу босқичлар қайта босиб ўтишлари мумкин. Шунга қарамай, бу босқичларни тушуниш, инсоннинг ҳозирги руҳий ҳолатини аниқлаш ва қабул қилиш учун муҳимдир.

## КАСАЛЛИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ БИРИНЧИ БОСҚИЧИ НИМА?

### **Шок ҳолати (рад этиши)**

“Бу бўлиши мумкин эмас”, “Бу мен билан эмас”, “Бу хато”, “Фақат мен эмас”, “Нима учун мен?”, бу даҳшатли янгиликларни эшитган заҳоти, инсон томонидан берилган биринчи одатий реакция.

Агар рад этиш чўзилса, у психосоматик шаклларга, уйқучанликка, кучнинг пасайишига, бефарқликка айланиши мумкин. Бундан ташқари, умидсизлик, ёлғизлик ҳисси, карахтликка (кулоқлардаги шовқин, ҳеч нарса тушунмаслик) олиб келиши мумкин.

Рад этиш ҳиссизликка олиб келиши мумкин, ҳимоя реакцияси ишлаб кетади ва кўз ёшлари ёки ҳисстуйғулари бўлмайди, инсон мутлақо хотиржам бўлиб қолади. Бундай ҳолатларда атрофдагилар «ўзини тутиб турди, йиғламади» дея, уни руҳан кучли деб ўйлашади.

Кўпинча одамлар бу даврда ўз ҳаётларини кинода бўлгани каби ташқи томондан томоша қилганларини эслайдилар. Кўпчилик уларнинг касаллиги ҳақида гапиришларини истамайди: “Бу ҳақда мен билан гаплашманг, муҳокама қилиш шартмас!” деган фикрни беради.

Ҳар бир инсонга касаллик ҳақидаги фикрга мослашиб учун бир оз вақт бериш керак, аммо бу ҳолатни рад этилмаслиги жуда муҳимдир, бундай ҳолатда инсон ташхисни эшитиб чиқиб, даволанишга қайтмаслиги ва ҳатто ташхис ҳақида ҳеч кимга айтмаслиги, ўзини бу хато эканлигига ишонтириши мумкин.

## РАД ЭТИШ БОСҚИЧИДА МИЖОЗ БИЛАН ҚАНДАЙ СУҲБАТЛАШИШ ЛОЗИМ?

- Истехзосиз ва ҳурмат билан унинг рад этиш ҳуқуқини тан олин.
- Хушмуомала бўлинг ва қўллаб-қувватлашингизни ифода этинг. Агар у бу мулоқотга киришса, беморнинг ҳисстуйғулари ҳақида гаплашинг.
- Маслаҳат берманг.
- Ахборотни таклиф қилинг, лекин уларни қабул қилинишини талаб қилманг. Режалари ва истакларини сўранг.
- Очик бўлинг ва буни унга билдиринг (“Сиз доимо менга мурожаат қилишингиз мумкин”).
- Фойдали нашрларни беринг (қисқача: қўллаб-қувватлаш гуруҳининг манзили, ишонч, тенгдош маслаҳатчи, руҳшунос телефонлари).
- Ўз тажрибангизни эсланг. Унга яқин келажакда режалар тузишни таклиф қилинг: қандай таҳлилар белгиланади, қандай тадқиқотлар, қайси шифокорларга бориш керак ва қачон.

Мижозлар учун булар вазиятни янада реал қабул қилишга ва келажакни кўришга, ҳиссий ва руҳий жиҳатдан ўзини бошқаришга имкон беради.

## КАСАЛЛИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ БУ НИМА?

### **Ғазаб**

Ғазаб (ва айбдорлик ҳисси) психологик ҳимоя воситасидир. Инсон ич-ичидан касаллик билан курашишдан кўрқади ва бундан ташвишланади.

Ғазаб ҳолатида, инсон ўзини вазиятнинг курбони деб ҳис қилиб, ундан чиқиб кетишга ҳаракат қиласида ва ҳамма нарсани ўз ўрнига қайтариб қўя олмаслиги учун ғазабланади.

Ғазаб мижозни айбдорларни қидиришга мажбур қиласида, бу ҳолатда у бошқаларни – шифокорлар, табиат, коинотнинг тузилиши, қўшнининг кўзи текканини айблаши, ва ёки ўзини сабабчи деб билиши мумкин. Ўзини айблаш ҳисси уни ичидан ёндиради – чекиш, носоғлом турмуш тарзи, ёмон ҳаёллар ва эмциялар ОИВ инфекциясини юқтириб олишига сабаб бўлган деб ўзини ишонтиради.

Айбдорлик ҳисси ташқаридан эмас, балки ўзига қаратилган ғазабдир.

Одатда ғазаб – фаол ва бақувват ҳолат, у қасос олиш ёки бирор нимага ҳаракат қилиш истагига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатда, ҳис-түйғулар курашга ҳисса қўшади ва ўзига ҳамма нарса мумкин эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиласди, бепул текширувлардан ўтишни талаб қилиши ёки турил квоталар сўраб туриб олиши мумкин. Аммо, бундай уринишлар ва ҳаракатлар давом этишга тўсқинлик қиласди, яъни касаллик учун айбдорларни қидиришда бир нуқтани ичидаги узоқ вақт давомида ҳаракат қилиб даволаниш ва бошқа асосий мақсадлар четда қолиб кетиши мумкин.

## ҒАЗАБЛАНГАН ҲОЛАТДАГИ МИЖОЗ БИЛАН ҚАНДАЙ ГАПЛАШИШ МУМКИН?

- Ичидагини тўкиб солиш, ҳис-түйғуларини ифода этишга имконият яртиб беринг.
- Унга руҳшуносга мурожаат қилишни маслаҳат беринг, арт терапияси курсига ёки қўллаб-кувватлаш гуруҳига ёзилишни таклиф қилинг, ғазабни жиловлаш учун машқлар борлигини айтинг.
- Бу ҳолатда, мижоз кескин ва ҳатто қўпол бўлиши мумкин. Буни кўнглингизга олманг, нима учун у жуда хафа бўлганини, ёмон кайфияти сабабини сўранг, бу ҳақда гапиринг.
- Ушбу босқичда мижозга ёрдам бериш учун профессионал руҳшуносларларнинг маҳсус усуслари борлиги ҳақида хабар беринг, психолог билан боғланиши учун керакли маълумотларни беринг. Бу касаллик билан муносабатларни ўрнатиш ва у билан конструктив мулоқот қилишга ёрдам беради.
- Ғазабни тўғри йўналишда ҳаракат қилишига тўсқинлик қилганда, мижозга яқин келажақдаги ҳаракат режасини тузиш ва шу билан катта ва мураккаб вазифани кичик ва аниқ бўлакларга бўлиб, босқичма-босқич ҳал қилишни таклиф қилиш мумкин.

## КАСАЛЛИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ УЧИНЧИ БОСҚИЧИ НИМА?

### ***“Савдолашиши”***

Қайсибур вақтга келиб, мижоз ҳақиқатдан ҳам барчасини тўғрилаб, жойига тушириш мумкин деб ўйлашни бошлайди. Мисол учун: “агар ҳозир чекишни ташласам, ташхис нотўғри бўлиб чиқади” ёки “агар уйсизларга ёрдам беришни бошласам, дарҳол шифо топаман”. Баъзан бу ҳолларда беморлар динга мурожаат қилишни бошлайдилар ва улар учун мўъжиза содир бўлишини, илоҳий кучлардан мадад сўрашни бошлайдилар. Аслида, илоҳиятдан жавоб излаш ҳеч қандай зарар етказмайди. Аксинча, масъулиятли ва эҳтиёткорлик билан ибодат қилиш қийин ҳаётий вазиятни бартараф этишда яна бир ёрдам устуни бўлиб ҳизмат қилиши мумкин. Бирок, бу босқичдаги мижозга «ҳар бир нарсани ҳал қила оладиган» ва «ҳамма муаммони еча оладиган» фирибгар ва турли гуруҳлар ваҳдаларига ишониб қолиш ва уларнинг қўлига тушиш хавфи мавжуд. Шунинг учун, бу босқичда мижоз билан алоқани сақлаб қолиш, уни руҳий изланишда қўллаб-кувватлаш, шунингдек, шубҳали уюшмаларда иштирок этишдан эҳтиёт бўлишини огоҳлантириш мухимdir.

## “САВДОЛАШИШ” ҲОЛАТИДА МИЖОЗ БИЛАН ҚАНДАЙ ГАПЛАШИШ МУМКИН?

- Ҳеч қандай ҳолатда масхара қилманг, унинг ҳаракатларига истехゾ билан қараманг.
- Савдолашув босқичи яна “умидсизликнинг унсиз ноласи” деб ҳам аталади. «Қўллари билан ҳақиқатни ушлаб қўришига» ёрдам беринг – биз бу ерда ва ҳозир эканлигимизга ишонтиринг.
- Ҳиссий қўллаб-кувватланг, ўзаро ёрдам гуруҳлари ҳақида гапиринг, руҳшунос билан боғланишни таклиф қилинг.

- Беморни ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгар эканини англашига ҳаракат қилинг: кундалик ҳаётни, даволанишнинг кейинги қадамларни режалаштириши таклиф қилинг. Шундай қилиб, унинг келажакни янада аниқ ва олдиндан кўра олишига ёрдам берасиз.
- Даволашга муносабатни ижобий, ҳиссий рағбатлантириш орқали мустаҳкамлаш мухим.
- Мижознинг қайси ва кимнинг фикрини тинглашга тайёр бўлишини тушунишга ҳаракат қилинг. Бу инсон билан ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилинг.

## КАСАЛЛИКНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ТЎРТИНЧИ БОСҚИЧИ НИМА?

### *Депрессия*

Деярли барча bemorлар у ёки бу депрессия ҳолатини бошидан кечирадилар.

Эски ҳаётига нисбатан, янги ҳақиқат унда қўрқув ва рад этиш ҳиссини уйғотади. Бу босқич мухим аҳамиятга эга, чунки янгиликни қабул қилиб, эски ўзлиги билан хайрлашиш керак.

«Ташхисдаги ҳаёт» ни биз аввалги соғлом ҳаёт билан таққослаймиз. Аммо касалликнинг ортидан тикланишини кўриш учун даволаниш вақтида ҳаёт давом этаётганини англаб этиш керак, даволанишни тўхтатиш мумкин эмас.

Депрессия шу билан хавфлики, бу босқич барча учун текис ўтмайди. Кимдадур у клиник депрессияга айланиши мумкин, яъни, бор кучини йўқотиб, яшаш учун қурашишга ҳалақит қилиб, даволанишга тўсқинлик қилади.

Кимнидир қайғу-алам, кейинги ҳаётнинг маъносизлиги, қурашиш истаги йўқлиги ва ўз жонига қасд қилиш фикри ва бошқашу каби ҳолатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун депрессия ҳолатидаги кўплаб bemorлар профессионал психологик ёки психотерапевтик ёрдамга муҳтоҷдирлар.

## ДЕПРЕССИЯ ҲОЛАТИДА МИЖОЗ БИЛАН ҚАНДАЙ СУҲБАТЛАШИШ МУМКИН?

- Руҳан кўллаб-қувватланг, ўзаро ёрдам гурухлари ҳақида гапиринг, руҳшунос рақамларини беринг.
- Беморда ўзи ва аҳволи учун жавобгар эканлигига масъулият уйғотишга ҳаракат қилинг: кундалик ҳаётида ва даволанишда кейинги қадамларни режалаштириши таклиф қилинг. Шундай қилиб, сиз келажакни янада аниқ ва олдиндан кўра олишига ёрдам берасиз. Ушбу режалаштириш оддий, аниқ ва тушунарли бўлиши мухимдир. Айниқса оддий турмуш тарзини режалаштириш жуда фойдали.
- Даволанишга тарадорликни ижобий, ҳиссий рағбатлантириш орқали мустаҳкамлаш мухим.
- Баъзи bemorлар психотерапевт ёрдамига муҳтоҷ ва антидепрессантларни қабул қилишлари мумкинлигини ёдда тутинг. Шунинг учун, агар уларнинг иштироки зарур деб ҳисобласангиз, мутахассислардан ёрдам сўрашни таклиф қилишингиз мумкин.

## КАСАЛЛИКНИНГ БЕШИНЧИ БОСҚИЧИ ҚАНДАЙ?

### *Қабул қилиш*

Қийин кечинмалардан сўнг, мантиқий тўғри босқич бу касалликни қабул қилинишидир. У бир вақтнинг ўзида ҳар қандай босқичга ўзгариши мумкин, аммо кейин яна қайтади.

Касалликнинг қабул қилиниши даволанишга, келажакни режалаштиришга, мақсадларни, қадриятларни ва турмуш тарзини қайта кўриб чиқишига кучли туртки беради. Ушбу босқич қарор қабул қилишда бошқаларидан фарқ қиласди ва энг мухими, bemor учун ташхис ҳаётнинг бир қисмига айланади, бироқ ташхис ҳаётнинг маъносига айланаб қолмайди.

Ушбу босқичда мижоз, аввалги босқичларда ТМ томонидан тақдим этилган барча кўникумалардан фойдаланиб, нафақат яқин келажакни режалаштирибгина қолмай, балки узоқ муддатли ҳаёт режаларини ҳам тузиши мумкин.

## АГАР МИЖОЗ ЙИФЛАЁТГАН БЎЛСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ҳиссиятлар аслида организмда намоён бўлиши табиий, бу хатти-ҳаракатларнинг муҳим нуқталарида юзага келади. Агар мижоз хафа бўлса ва йиғлаётган бўлса, унга ҳамдардлик билдиринг, у бироз хотиржам бўлгунча кутиб туринг.

Бундай ҳолатлар тез-тез содир бўлади, улар учун олдиндан тайёрланинг: столда қоғоз салфетка, сув ва тоза стакан бўлиши керак. Бундай вазиятда сув ичиш таклифи нафақат хушмуомалик, балки ютиниш учун физиологик реакция, яъни нафасни ушлаб туришда одамга ўпкаларни тўхтатишига имкон беради, бу эса аста-секин нафас олишнинг нормал ритми тикланишига олиб келади.

Мижознинг ҳис-туйғуларини тушуниш ва иштирок этиш билан даволаш муҳим, бу муҳим элементларсиз у билан алоқа ўрнатиш мумкин бўлмайди.

## АГАР МИЖОЗ ФИРИБГАРЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Кўпчилик, айниқса, «савдолашиб» босқичида, ноодатий тиббиётга мурожаат қилиш ҳақида ўйлади.

Мижоз билан алоқани йўқотмаслик учун, ҳеч қандай кескин аниқ баҳо берманг, буларнинг барчаси бемаънилик ва фойдасиз деб айтманг. Бу уни ўзини олиб қочиши, ишончининг бузилиши ва ниятларини сиздан яширишига олиб келиши мумкин.

Унга сизнинг бу ҳақда тушунчангиз йўқ эканлигини ва ноодатий тиббиёт бўйича саволларга жавоб беришга қодир эмаслигингизни, тасдиқланган ва исботини топган ноодатий даволаш усувлари афсуски мавжуд эмаслини айтинг. Лекин буни асталик ва эҳтиёткорлик билан айтинг.

Унга бир вақтнинг ўзида барча имкониятлардан фойдаланишни таклиф қилинг ва минглаб одамларга ёрдам берадиган анъанавий даволанишдан воз кечмаслигини тушунтиринг. Ахир, ҳамма усувларни қўллаш мумкин – ноодатий ва анъанавий усувларда бир вақтнинг ўзида даволаниш мумкин. Ушбу усувларнинг мувофиқлиги ҳақида шифокор билан маслаҳатлашиб муҳимлигини таъкидлаб ўтинг.

## АГАР МИЖОЗ ДАВОЛАНИШДАН ВОЗ КЕЧСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Бу ерда ҳам кескин ва қатъий бўлиш мумкин эмас. Буни хато деб айтиш ва баҳо бериш мумкин эмас. Даволанишни рад этиш сабаблари турлича бўлиши мумкин ва улар турли хил ҳал қилинади.

Нима учун у даволанишни истамаслигини билишга ҳаракат қилинг. Эҳтимол, у дориларнинг ножӯя таъсиридан қўрқаётгандир ёки, даволаниш ёрдам беришига ишонмайди. Бу эҳтиёткорлик билан муҳокама қилинишни талаб этувчи ташвишли ва қўрқувли сабаблардир.

Агар мижозингизни ишонтириш имкони бўлмаса, унга руҳшуносдан ёрдам сўрашни таклиф қилишингиз мумкин.

## АГАР МИЖОЗ СИЗ ТАКЛИФ ҚИЛГАН БИРОРТА ҲАМ СЦЕНАРИЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Сиз маълумот берасиз ва ҳаракат вариантларини таклиф қиласиз, аммо мижоз унга ҳеч нарса мос келмаслигини айтади, шунинг учун уларни қабул қилмайди ва аслида сиз унга ёрдам беролмаганингизни билдиради.

Ундан унинг фикрига кўра, нималар унга мос келиши мумкинлигини сўранг. Эҳтимол, мижоз аллақачон у билан муҳокама қилишингиз мумкин бўлган қарорни қабул қилган бўлиши мумкин.

Эҳтимол, мижоз жуда катта муаммо учун биргина ечимни топишга ҳаракат қилаётгандир. Эҳтимол, унга яқин келажак учун қисқа муддатли ҳаракат режасини тузиш, шу билан бирга, катта муаммоми жуда кичик бўлакларга айлантириб ечиб бориш осонроқ бўлади.

Бу келажакни янада аниқ кўра олишимизга ва вазиятни назорат қилишимиз учун имконият беради.

## ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ СЎРАШНИ ҚАНДАЙ ТАКЛИФ ҚИЛИШ КЕРАК?

Тенгдош маслаҳатчируҳшунос ўрнини босолмайди ва бу табиий ҳолат. ТМ ёрдам бериши, ҳиссий ва руҳий қўллаб-қувватлаши мумкин, лекин профессионал психологик ёрдам беролмайди.

Мижозга бундай имкониятни таклиф қилиш учун, шунга ўхшаш вазиятда руҳшуноснинг маслаҳати кўпчиликка ёрдам берганини айтинг. Агар мижоз психологларга ишонмаслигини билдириб бу таклифни рад этса, унга қўллаб-қувватлаш гуруҳига ташриф буюришини таклиф қилинг. Бу унинг учун ҳеч қандай хавф туғдирмаслигини, аксинча, унга ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлаб ўтинг.

Ҳар доим мижозни имкон қадар кўпроқ психологик ёрдам олиш учун рағбатлантиринг: турли ёндашувларни синаб кўргач, мижоз ўзига уни қўллаб-қувватлайдиган усулни танлаб олаади.

## АГАР МИЖОЗНИНГ ШИФОКОР БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ ЁМОН БЎЛСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Ўзаро муносабатлар яхши бўлмаганлиги сабабли ҳамдардлик билдиринг, чунки бу жуда муҳим.

Мижоздан уни айнан нима қониқтирмаётганлигини сўранг, вазиятга нисбатан бетарафликни сақланг. Шифокорни ёнини олманг, мижознинг хавотирланишига беписандлик билан қараманг, шунингдек, шифокорни ҳам камстиманг. Мижоздан муносабатларда яна бошқа келишмовчиликлар бор йўқлигини сўранг. Масалан берилган тавсиялар тушунарлими? Ёки бошқа мутахассисдан маслаҳат олиш керакми?

Кўпинча, мижозлар: «Ҳа, у билан келишолмасам-да, лекин берган тавсиялари тушунарли, даволанишимда яхши томонга ўзгаришлар бор», деб айтишади ва кейин улар шифокор уччалик ҳам ёмон эмас, балки яхши деган холосага келишади. «Эшикни очиқ» ҳолатда қолдиринг ва мижоз шифокори ҳақидаги муаммолари билан на бўлишмоқчи бўлса, сиз ёрдам беришга тайёр эканлигизни билдиринг.

## АГАР МИЖОЗ ИККИНЧИ ШИФОКОР ФИКРИНИ ОЛИШНИ ХОҲЛАСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Мижозга иккинчи шифокор фикрини олиш ҳуқуқи борлигини таъкидланг.

Иккинчи ёки учинчи шифокор фикрини олишни чўзмасликни тавсия этинг.

Мижозга унинг фикрлари тўғри эканини тушунтиринг, бир нечта шифокорларнинг фикрларини олиш, мижознинг ўз соғлиги ҳақида қайғуришини билдиришини айтинг. Аммо, агар тиббий фикрларни тўплаш узоқ давом этиб, рад этиш босқичига борса, мижозга руҳшунос билан гаплашишни таклиф қилинг. Баъзан чексиз миқдордаги фикрларни тўплашга уринишлар ҳақиқатдан узоқлашишга ҳамда ташхисни бекор қиласидиган инсонни топишга уринишдир.

## АГАР ДАВОЛОВЧИ ШИФОКОР ИККИНЧИ ШИФОКОР ФИКРИГА САЛБИЙ МУНОСАБАТДА БҮЛСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Мижоздан шифокорнинг бу хабарга бўлган муносабати салбий эканини қандай тушунганини сўранг. Эҳтимол, бу ҳолатда, аслида, шифокор нейтрал муносабатда бўлган бўлиши мумкин. Фақат мижознинг сўзларини шубҳа остига кўйиб, “балки сизга шундай туюлгандир” каби гапларни айтманг.

Қарор қабул қилиш мижознинг ҳам масъулиятига киради, шунинг учун, албатта, у иккинчи шифокор фикрини билиш ҳуқуқига эга.

Бу иккинчи фикр кимнинг фикри эканлигини аниқланг. Балки бу фикр анъанавий тиббиётга таалуқли бўлмаслиги мумикн. Ноодатий тиббиётга мурожаат этилмоқчилигини сезсангиз мижозга мутахассислиги бўйича дипломга эга, анъанавий тиббиёт тамойилларига риоя қилган мутахассиснинг фикрини тавсия қилиш зарур. Мижоз билан икиинчи маслаҳатни қаердан олиш мумкинлигини муҳокама қилинг.

## АГАР МИЖОЗ, ШИФОКОР У БИЛАН ҚЎПОЛ МУНОСАБАТДА ДЕБ ҲИСОБЛАСА, НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Мижознинг кечинмаларига ҳамдардлигингизни билдиринг, хушмуомала бўлинг, аммо сабр қилишга ундуманг.

Вазиятни таърифлаб беришни сўранг, фаол тинглаш техникасидан фойдаланинг, мижозни тингланг. Эсингида бўлсин, тиббий ходимлар билан муносабатларда кўпчилик ўзини жуда заиф ҳис қиласди, лекин ҳар доим ҳам бу масала шифокорнинг қўполлиги сабабли бўлмаслиги мумкин.

Кўпинча беморнинг руҳий ҳолатида туфайли у ўзи учун муҳим бўлган саволларни шифокорга беришга ва муҳим маълумотлар олишга қийналади, бу ҳолат, албатта, ҳафалик ва ҳафсаласи пир бўлишига олиб келади. Шунинг учун сиз унга шифокор учун саволлар рўйхатини тузишда ёрдам беришингиз мумкин. Бундан ташқари, унга яқинлари билан биргаликда (қўшни, қариндош, дўсти ёки тенгдош маслаҳатчи) шифокор билан учрашишга боришина таклиф қилишингиз мумкин.

Агар мижоз билан гаплашганингиздан кейин ҳам у даволовчи шифокорини ўзgartириш фикридан қайтмаса, унга шифокорни ва ҳатто тиббий муассасани ҳам ўзgartириш ҳуқуқига эга эканлигини айтинг. Кўпинча, инсон учун унинг танловлари ва турли истиқболлари борлигини кўриш ва тушуниш жуда муҳимдир.

## АГАР МИЖОЗ ШИФОКОРДАН ҚЎРҚСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Мижознинг қўрқиши сабабини аниқланг, қолаверса, қўрқмаслик ҳақида маслаҳатлар берманг. Бундай маслаҳатлар ҳали ҳеч кимга ёрдам бермаган.

Кўркувлар ҳақида гапиргандা, мижоз билан биргаликда қўйидагиларни тушунишга ҳаракат қилинг: кўркув шифокорнинг хатти-ҳаракатига асосланганми ёки унинг ички кечинмаларида. Бошқача қилиб айтганда, шифокор мижозни кўрқитадиган қанақа ҳаракат қилган. Шифокордан қўрқмаслиги учун ёрдам бермоқчи эканлигингизни айтинг. Агар шунга ўхшаш тажрибангиз бўлса, уни баҳам кўринг.

Эҳтимол, мижозни қўллаб-қувватлаш учун, унинг яқинларидан бири ёки тенгдош маслаҳатчи шифокорга боришига кузатиб, қайтишда кутиб олиши мумкинлигини таклиф қилишингиз мумкин. Шундай қилиб, куч ва жасорат берадиган шахсий қўллаб-қувватлаш гуруҳи шаклланади ва мижозингиз енгил тортади.

## АГАР МИЖОЗ ШИФОКОРГА ИШОНМАСА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Унинг ишончсизлиги ёки шубҳаларига нима сабаб бўлганини муҳокама қилинг. Кўпинча бу шифокор ва мижоз ўртасидаги қурилган муносабатларнинг заифлиги, ахборотнинг йўқлиги ёки тушунарсизлиги бўлиши мумкин.

Вазиятни аниқлаштириш ва шифокорнинг ишончини шакллантириш учун мижозингиз шифокорга мурожаат қилишни истаган саволларини ёзишини таклиф қилинг. Ва яна мижознинг ўз ташхиси ҳақида нима деб ўйлаётганини аниқланг, эҳтимол у ҳали ташхисни қабул қилмаган бўлиши мумкин.

Шубҳаларни бартараф этиш учун иккинчи шифокор фикрини олиш муҳимдир. Унга бундай маслаҳат олиш хукуқига эга эканлигини айтинг.

## МИЖОЗ ҚАРИНДОШЛАРИНИНГ МАСЛАҲАТЛАРИНИ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?

Бундай оғир вазиятда, ташхис ҳақида гаплашиб, бир-бiri билан мулоқот қилиш инсонлар учун қийин. Шунинг учун, мижознинг қариндошлари уни хафа қилмаслик ва қўллаб-қувватлашлари учун, сиздан у билан қандай қилиб гаплашишни сўрашлари мумкин.

Уларга очиқ бўлишни таклиф қилинг, ҳис-туйғуларини, қўрқувини муҳокама қилинг, чунки барчада даҳшатли, қўрқинчли фикрлар бир хил бўлади.

Беморнинг қандай даволанишини яхшироқ тушуниш мақсадида уларга bemor билан биргаликда шифокорга боришни таклиф қилинг. Аммо, бунга bemornинг ўзи қарши бўлмаслиги лозим.

Оилага даволаниш режалларини биргаликда тузишни таклиф қилинг. Уйдаги ишлар, болаларга ғамхўрлик қилиш ва ҳоказоларни биргаликда баравар олиб боришни ўйлаб кўришларини айтинг.

Шундай ҳолатлар бўладики, яқинлар ва қариндошларнинг ҳис-туйғулари, ғазаби ва қўрқуви bemorга йўналтирилади. Агар қариндошлар қабулда бундай нарсаларни айтсалар, уларнинг ҳис-туйғуларини тушунаётганингизни айтинг, аммо айбловлар энди фойдасиз эканини ва улар ҳеч кимгафойда келтирмаслигини, охир-оқибат инсонларни бир-биридан узоқлаштиришини тушунтиринг.

Қариндошларнинг қўллаб-қувватлаши, ҳаётий вазиятни идрок этиши ОИВ инфекцияси каби ташхис билан ҳаётни давом эттиришда муҳим рол ўйнайди.

## МИЖОЗНИ УНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИ БИЛАН МУҲОКАМА ҚИЛИШ АХЛОҚИЙМИ?

Албатта, bemorni ўзини муҳокама қилиш керак эмас. Оила тушган вазиятгина гаплашилади ва муҳокама қилинади. Уларга фактат касаллик ва даволаниш усууллари ҳақида айтиб бериш мумкин.

Психологик ҳолат ҳақида гапирганда, bemornинг шахсиятига тегманг, уларга умуммий тарзда барча bemorлар бошдан кечирувчи касалликни қабул қилиш босқичлари ҳақида гапиринг. Тенгдош маслаҳатчи ўзи ҳам бу босқичлардан ўтаётганини ва бу ҳолатларни ўтиши учун вақт кераклигини таъкидланг. Ҳар бир bemor турли ҳил вақт оралиғида ва турли тарзда бу босқичлардан ўтишини айтинг: кимдир курашишга тайёр бўлса, бошқаси аччиқланиши мумкин. Бир-бирлари билан конструктив ўзаро муносабатларга эътибор бериш муҳимдир.

## МЕН ЎЗ ТАШАББУСИМ БИЛАН МИЖОЗНИНГ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА УНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИГА БАРЧА МАВЖУД МАЪЛУМОТЛАРНИ БЕРИШИМ МУМКИНМИ?

ЙЎҚ. Мижоз оиладан кўра кўпроқ маслаҳатлашиш пайтида ўзини эркин ҳис қилиши мумкин. Унинг ҳолати ҳақида яқинлари ва қариндошларига гапирганда, сиз у билан алоқани йўқотиб, мижоз учун қийин ва ҳатто хавфли вазиятни яратишингиз мумкин.

Агар иложи бўлса, қариндошлар билан суҳбатлашишдан олдин, мижоздан сизнинг улар билан гаплашишингизга тайёрлигини аниқланг. Унинг қариндошлари билан суҳбат қурганингизда, қандай саволларга жавоб беришиниз, яқинларини қанчалик хабардор қилишингизни ҳохлашини сўранг. Мижознинг ўзини хавотирсиз ҳис қилиши ва уни муҳофаза қилиш жуда муҳимдир.

## ЁНИБ КЕТИШ АТАМАСИ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Ёниб кетиш, чарчаш, мотивация ва масъулиятни йўқотиши – бу атама америкалик психиатр X. Дж. Фрейденберг томонидан 1974 йилда киритилган (инглиз тилида – burnout – ёниб бўлиш, ёниб тугаш).

Фаоллик, кўнгиллилик, ижтимоий фаолият, биздан кўп куч ва энергия талаб қиласи ва бошқаларга ёрдам бериш орқали ёниб кетмаслик учун кучингизни ҳисоблаш муҳимдир.

Кўпинча тенгдош маслаҳатчи, кўнгиллилар, фаоллар, шунингдек, жамоат ташкилотлари ходимлари чарчайди, жисмоний ва маънавий чарчоқни бошдан кечиришиди. Бу ҳолатда улар бошқаларга сифатли ва етарли ёрдам бера олмайдилар, ўз ҳаётларининг сифати ҳам камайиб боради. Шунинг учун ўзингизни ёниш ҳолатига олиб келмаслик жуда муҳимдир.

Ёниш ҳолатида:

- ўзимизга бўлган баҳо тушиб боради;
- ишимизни салбий қабул қиласиз;
- мижозларимизни тушуниш ва ҳамдард бўлишни тўхтатамиз.

## АГАР МЕН ЎЗИМДА ЁНИБ КЕТИШ БЕЛГИЛАРИНИ КЎРСАМ НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК?

Агар сиз ёниб кетаётганингизни сезсангиз, ўзизни тиклашга ҳаракат қилишингиз керак. Чарчоқ одатда ҳиссий ва жисмоний ҳолатга тааллуқлидир, шунинг учун рух ва танангизга ғамхўрлик қилишингиз керак.

- Етарли даражада ухланг, спорт билан шуғулланинг, овқатланишни унутманг, тоза ҳавода юриш учун вақт ажратинг.
- Шахсий вақтингизни инкор қилманг, дўстларингиз билан кўришинг, оилангиз билан мuloқot қилинг, театр ва кинога боринг, иш фаолиятини ишда/иш вақтида қолдиришга ўрганинг ва атрофдаги ҳамма нарса ёмонлигидан умидсизликка тушманг.
- Ўз эҳтиёжларини тинглаш ва уларни жиддий қабул қилиш, шахсий ва профессионал устуворликларни белгилашга ҳаракат қилиш жуда муҳимдир.
- Ёниб кетиш ҳолатига нима сабаб бўлганини аниқловчи ва уни энг яхши тарзда енгишга ёрдам берадиган маслаҳатчи билан маслаҳатлашинг.

## **АГАР МЕН (ТМ) ЁРДАМ БЕРИШНИ ИСТАСАМ, ЛЕКИН МИЖОЗЛАР ҲАҚИДА ЖУДА ТАШВИШЛАНАЁТГАНИМНИ ҲИС ҚИЛАЁТГАНИМНИ СЕЗСАМ, НИМА ҚИЛИШИМ КЕРАК?**

Қийин вазиятда мижозга нисбатан ғамхүр бўлиш ва ташвиш қилиш ТМ учун мижозига нисбатан нормал ва тўғри ҳолатдир.

Бефарқ ва шафқатсиз одам бошқа одамларга ёрдам берадиган тенгдош маслаҳатчи бўлолмайди. Шу билан бирга, ўзингиз ва мижозларингиз ўртасида ички профессионал масофани кузатишга ҳаракат қилиш муҳимдир.

Ҳар бир мижознинг тақдирида ҳар кимнинг ўз борлигини тушуниш муҳимдир – шифокор уни даволайди, оила қўллаб-қувватлайди, ижтимоий ишчи ҳаётни ташкил этишга ёрдам беради ва тенгдош маслаҳатчи тинглашга, фойдали маълумотларни тақдим этишга ва муайян муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бу рол унинг тақдирида муҳимдир. Бироқ, бу ролдан кўпроқ ва ортиқроғини ТМ ўзига юклаб оломайди ва олиши керак ҳам эмас.

### ***Тенгдош маслаҳатчи сифатида ишлаш бутун ҳаётимни қамраб олаяпти!***

Ёрдам бериш истаги, ёрдам бера олганда бўладиган эйфория ҳисси, ёрдамга муҳтоҷ бўлган ҳар бир кишига масъулият ва жавобгарлик ҳисси кўпинча шахсий ҳаётимизнинг чегараларини унтиб қўйишимизга, ва ўзимизни бутунлай кўнгиллилик қилишга бағишлишимизга олиб келади.

Лекин бу охири берк йўл. Ишдан чарчаш, ёниб кетиш рўй беради ва биз нафақат мижозлар ва уларнинг муаммоларига қизиқишини ўйқотамиз, балки улардан нафратланишни ва бу ҳис-туйғулар учун ўзимиздан ҳам нафратланишни бошлаймиз.

Кўнгиллилик қилаётганда ўзингизни қурбон қилишни бас қилинг, яқинларингиз билан мулокот қилинг, иш ва дам олиш чегарасини бузманг. Вақтни етарлича тақсимлашимиз керак, кунига неча соат ёки ҳафтада неча кун бошқаларга ёрдам беришга тайёрлигимизни аниқлашимиз ва бу вақтдан ташқарига чиқмаслигимиз керак. Шунда кўп йиллар давомида хоҳлаган ишингизда ўзингизни сақлаб қоласиз.

### ***Мижозлар миннатдор бўлмайди, бундан хафа бўламан***

Умуман олганда, мижозлардан миннатдорчиликни кутиш керак эмас. Агарда бошқаларга ёрдам бериш “мукофатланади” деб ўйласангиз, бу нотўғри қарор ва тенгдош маслаҳатчи бўлишда нотўғри қадамдир.

Қийин вазиятда одамлар чарчаган, кўпинча ҳиссий жиҳатдан бекарор бўлиб, улар тенгдош маслаҳатчи миннатдорчилик изҳор қилмайди ва унинг меҳнатини тўғри баҳолай олмайди.

Агар хафа бўлиш ҳисси маслаҳат беришни бошлангандан кейин бироз вақт ўтгач секинлиқда пайдо бўлса, бу “ёниш” нинг бошланаётганлиги ҳақида хабар бўлиши мумкин. Унда сиз супервизор билан маслаҳатлашиб, ҳис-туйғуларингизни у билан муҳокама қилишингиз керак.

### ***Тенгдош маслаҳатчи сифатида ишлашимдан ихлосим қайтди***

Бундай ҳолат содир бўлса ва одамлар билан ишлаш сизнинг касбингиз эмаслигини тушунсангиз, уялманг. Агарда сизнинг ҳаётингиздаги ушбу босқичда маслаҳат беришдан қийналаётганингизни ва ёки хоҳламаслигингизи атишингиз мумкин ва ҳеч кимни бу билан нокўлай ҳолатга қўйдим деб ўйламанг.

Маслаҳат сўранг ва ҳис-туйғуларингиз ҳақида очиқ гапиринг. Супервизор сизнинг касбингиз ҳақида аниқ қарор қабул қилишга ёрдам беради.

## **ОИВ ВА ОИТС: ЭТИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК КҮРИНИШ, КАСАЛЛИК БОСҚИЧЛАРИ, ОРГАНИЗМНИНГ ИММУН ЖАВОБИ ЎЗГАРИШИ**

**УШБУ БЎЛИМДА ҚУЙИДАГИЛАР ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

- ◆ ОИВ ва ОИТС нима экани тўғрисида
- ◆ Вируснинг нимадан иборатлиги ва қандай кўпайиши, қандай ўлиши тўғрисида
- ◆ ОИВ инфекция юқиш йўллари ва уни аниқлаш усуслари тўғрисида
- ◆ ОИВ инфекция ривожланиши, унинг клиник таснифи тўғрисида •Касалликнинг клиник кўринишлари, шу жумладан оппортунистик инфекциялар тўғрисида тушунчалар
- ◆ Иммун тизимининг асосий тушунчалари ва унинг ОИВ инфекциясига бўлган жавоблари тўғрисида
- ◆ ОИВ билан яшовчи шахсларни текшириш усуслари тўғрисида

### **ОИВ БУ НИМА?**

ОИВ – бу одамнинг иммунитет танқислиги вируси.

### **ВИРУС НИМАДАН ИБОРАТ ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КЎПАЯДИ?**

ОИВ фақат инсон организмида яшовчи вируслар сарасига киради.

ОИВ кўпайиш учун инсон иммунитет тизимининг ҳужайраларидан фойдаланиб, унда – иммунитет танқислиги касаллигини келтириб чиқаради.

ОИВ вируси ташқи ва ички қобиқдан ҳамда генетик материал (РНК спираллари) ва кўпайиш (репликация) жараёнида иштирок этадиган махсус ферментлардан иборат.

### **ВИРУС ҚАЕРДА ЯШАЙДИ ВА ҚАНДАЙ ЎЛАДИ?**

Иммунитет танқислиги вируси инсон танасининг турли ҳужайраларига кириши мумкин, аммо баъзи ҳужайраларда у фақат мавжуд бўлади, бошқаларидан эса кўпайиш учун фойдаланади. Вируснинг ўзи ҳаракатланмайди, аммо қон ва лимфа орқали инсон организмининг турли қисмларига ўтади. ОИВ кўпайиш учун иммун тизимимиз – СД4 ҳужайраларидан фойдаланади.

ОИВ ташқи мухитда барқарор эмас. Шикастланмаган инсон териси юзасида ОИВ тезда тананинг ҳимоя ферментларит таъсири остида йўқ бўлади. ОИВ жисмоний ва кимёвий таъсиrlарга сезгир. 57оС ҳароратда қиздирилганда 30 минут давомида, қайнатилганда 1-2 дақиқа давомида ўлади; дезинфекцияловчи моддалар таъсирида (70% этил спирти, ацетон, эфир, 3% пероксид эритмаси, 0.5-1% хлорамин) 10 дақиқа ичida ўлади. ОИВ инсон танасидан ташқарида яшамайди. Ушбу вирус ўзини яхши ҳис этадиган ягона жой инсон танасининг суюқлигидир.

## ОИВ ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ ҚАЙСИ СУЮҚЛИКЛАРИДА БҮЛИШИ МУМКИН?

Вирус тананинг барча суюқликларида бүлиши мумкин, аммо суюқликларда касаллик чақириш учун етарли миқдорда ОИВ вируси қўйидаги суюқликларда мавжуд:

- қон ва унинг компонентлари
- маний ва унинг олди суюқлигида
- қин шираси
- она сути

## БОШҚАГА ИНСОНГА ОИВ ИНФЕКЦИЯ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЮҚИШИ МУМКИН?

Инфекция юқиши учун учта шарт керак :

1. вирус юқиши учун етарли миқдорда вирус мавжуд бўлган манба;
2. вирус бошқа шахсга юқиши йўлининг мавждулиги;
3. инсон организмида «кириш эшиги» деб аталадиган, зааралланган тери ва шиллиқ пардалар (шилинган, тирналган, микрошикастлар ва бошқалар) орқали ОИВ кириши йўли мавжудлиги.

Заарланиш йўллари:

- Жинсий йўл орқали –ҳимояланмаган жинсий мулоқат орқали;
- Қон орқали: умумий шприцлар ва игналарни ишлатганда, гиёхванд моддаларни тайёрлашда идишлардан фойдаланилганда;
- Онадан болага-ҳомиладорлик, туғруқ ва / ёки лактация даврида.

ОИВ инфекциясининг юқиш хавфи турли вазиятларда кенг тарқалган. Баъзи ўзаро таъсирлар (масалан, қон қўйиш ёки жинсий муносабатларнинг айрим турлари) ва хатти-ҳаракатлар (масалан, гиёхванд моддаларни истеъмол қилишда стерил бўлмаган игналарни қўллаш) ОИВ тарқалишида юқори хавфни яратади. Бошқалар учун эса юқиш биологик жиатдан мумкин бўлса-да, юқиш хавфи жуда паст. Шу билан бирга, нисбатан кичик хавфлар ҳам вақт ўтиши билан ривожланиши ва инфекциялашнинг катта хавфига олиб келиши мумкинлигини тушуниш мухимдир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар ОИВ юқтириш хавфи кам бўлса-ю, бу ҳолат кўп марта такрорланса, инфекциянинг юқиш эҳтимоли анча юқори бўлади. Буни жадвалда батафсил кўрса бўлади. 2021 й 30 августдаги 206-сонли буйруқقا биноан.

Вазият тури (аҳлоқ/ ўзаро таъсир)	10 минг вазиятга хавф
<b>Қон орқали юқиши йўли</b>	
Қон қўйилиши	9250
Гиёхванд моддаларни қабул қилганда ностерил игналардан фойдаланиш	80
Ишлатилган игна билан терини тешиб юбориш	30
<b>Жинсий йўл орқали юқиши</b>	
Аёллар учун	1-15
Эркаклар учун	5
<b>Бошқа**</b>	
Тишлаб олиш (ҳашарот ёки ҳайвонлар томонидан эмас балки инсон томонидан)	Хисобга олинмайди
Йўталиб тупурганда	Хисобга олинмайди
Танага организмнинг суюқликлари тушса (шу жумладан маний ёки сўлақ)	Хисобга олинмайди

\*\* ОИВ инфекциясини юқтириш хавфини ошириши мүмкін бўлган бошқа омиллар орасида жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, ОИВ инфекциясининг ўткир ва кеч босқичи ҳамда юқори вирус юкламаси мавжуд.

\*Хавфи камайтирадиган омиллар орасига индивидуал ҳимояловчи резина маҳсулотлари, эркаклар суннати, антиретровирус терапияси ва жинсий алоқани олдини олиш киради. Ушбу омилларнинг ҳеч бири жадвалда келтирилган баҳолашларда ҳисобга олинмайди.

\* Манбалар (ўзагришлар билан): Patel P, Borkowf CB, Brooks JT. Et al. Estimating per-act HIV transmission risk: a systematic review. AIDS. 2014. doi: 10.1097/QAD.0000000000000298.

Pretty LA, Anderson GS, Sweet DJ. Human bites and the risk of human immunodeficiency вирус transmission. Am J Forensic Med Pathol 1999;20(3):232-239.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АНИҚЛАСА БЎЛАДИ?

ОИВни фақат маҳсус қон таҳлили ёки сўлак текшируви орқали аниқлаш мүмкін. Афсуски, таҳлил вирусни ўзини эмас, балки унга қарши антитаналарни аниқлади. Антитаналар вируснинг танага киришига жавобан ҳосил бўлган маҳсус оқсиллардир. Фақат антитаналар жуда кўп бўлгангина Тест уларни «кўриши» мүмкін, аммо бу вақт талаб қиласи: камида бир ой. Шунинг учун, инфекция тушгандан кейинги кун вирусни аниқлаш мүмкін эмас. Шу туфайли, амалда «ойна даври», «яширин давр», «серологик ойна» каби тушунчаларга дуч келинади, чунки шахс ОИВ билан касалланган бўлса ҳам, тадқиқот таҳлиллари салбий натижани кўрсатиши мүмкін.

## ОИТС БУ НИМА ?

Ортирилган иммунтанқислик синдроми.

## БУ ҲОЛАТ НИМА САБАБДАН БУНДАЙ АТАЛАДИ? БУ ҚИСҚАРТМА НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

**Синдром** – чунки bemорларда турли хил аломатлар (соғлиқнинг бузилиши белгилари) ва оппортунистик касалликлар пайдо бўлади. Синдром – муайян касалликка хос бўлган белгиларнинг жамланмаси.

**Ортирилган** – чунки бу ҳолат юқиш ҳолатидан келиб чиқади, яъни генетик жиҳатдан мерос қилиб олинмайди.

**Иммунодефицит** – бу тананинг ҳар қандай инфекцияга қарши туриши ва органларининг бузилишини тиклаш қобилиятининг йўқолиши. Бундан ташқари, иммунитет танқислиги пайдо бўлганда тананинг янгилаш жараёни секинлашади ёки умуман тўхтайди.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИННИГ БОСҚИЧЛАРИНИ ҚАНДАЙ?

«ОИВ инфекцияси» юқумли касаллигини шартли равишда учта даврга бўлиш мүмкін:

### 1. Юқтириб олиш ва инфекцион жараён бошланиши (касаллик ривожланиш жараёни)

- а) «Инкубация босқичи» – уч ҳафтадан 3-6 ойгача давом этади. Ушбу босқичнинг дастлабки 4 ҳафтасида ОИВ инфекцияси ҳали аниқланмайди, чунки антитаналар етарли миқдорда шаклланмаган.
- б) «Бирламчи намоён бўлиш босқичи» қонда антитаналар пайдо бўлган пайтдан бошлаб бир йил давом этади. Ушбу босқичда соғлиқдаги ўзгаришлар икки ҳафтагача давом этадиган грипп/гриппсимон каби касалликлар (томоқ оғриғи, шамоллаш) билан намоён бўлади.

2. Асоратсиз кечиш йўли ва кичик аломатлар даври уч йилдан йигирма йилгача ёки ундан кўпроқ давом этади. Инсон одатда ўзини соғлом ҳис қиласи. Бу йиллар давомида иммунитетнинг секин пасайиши кузатилди

3. ОИТС – одатда бир неча ойдан 2-3 йилгача давом этадиган ОИВ инфекциясининг охирги босқичи. Касалликнинг бу босқичида, инсон организмига ва турли органларига метаболик касалликлар таъсир қилиб, у оппортунистик инфекцияларидан азият чекади. Кўпинча озиб кетади. Агар ушбу шахс РВҚТ қабул қиласа, бу касаллик ривожланади ва ўсиб боради. РВҚТни қабул қилиш нафақат ҳаёт тарзини яхшилади, балки ОИТС босқичи ривожланишининг олдини олади.

## БУ БОСҚИЧЛАРНИ КАСАЛЛИКНИНГ КЛИНИК ТАСНИФИ ДЕБ АТАСА БЎЛАДИМИ?

Йўқ. Тавсиф умумий танишиш, тушуниш ва идрокни енгиллаштириш учун берилган.

### КАСАЛЛИКНИНГ КЛИНИК ТАСНИФИ ҚАНДАЙ?

Мамлакатимизда қабул қилинган клиник тасниф 4 босқични ўз ичига олади:

**1-Клиник босқич.** Симптомсиз кечиши, иммунтанқислик ҳолатида ривожланувчи ОИВ инфекциясининг клиник кўринишлари ёки оппортунистик касалликлар намоён бўлмайди. Организмнинг ОИВга жавоби антитаначалар ҳосил бўлиши билан намоён бўлади.

*Ривожланиб борувчи тарқалган лимфоаденопатия.* Касалликнинг ягона клиник кўриниши бўлиб, лимфа тугуларининг катталашуви хисобланади, баъзан у ҳам кузатилмаслиги мумкин. Лаборатор ўзгаришлардан анемия, тромбоцитопения (асосан болаларда), жумладан гемостазнинг ўзгариши билан боғлиқ клиник кўринишлар кузатилиши мумкин. Биринчи клиник даврнинг давомийлиги ўртача 6-7 йил. Бу даврда CD4 лимфоцитлар даржаси аста секинлик билан бир йилда ўртача 50-70 ҳужайра /мкл тезлигига пасайиб боради.

**2-Клиник босқич.** Иммунтанқисликнинг аста секинлик билан ривожланиб бориши шу босқичга хос, бу даврга ОИВ инфекциясининг таснифида кўрсатилган клиник кўринишлар киради.

**3-Клиник босқич.** ОИВ вирусининг репликацияси давом этади, CD4 ҳужайраларининг камайиб бориши ва ўлими билан кечади. Бу иммунтанқислик ҳолатида таснифда келтирилган оғир ва қайталаниб турувчи оппортунистик инфекциялар ва/ёки бошқа нозологик касалликларнинг ривожланишига олиб келади.

**4-Клиник босқич.** Бу оғир, ҳаёт учун хавфли оппортунистик ва/ёки онкологик касалликларнинг ривожланиши ва уларнинг тез тарқалиши, марказий асаб тизимининг заарланиши билан кечади.

### ОИТС ЎЗИНИ ҚАНДАЙ НАМОЁН ҚИЛАДИ?

Кўпгина касалликлардан фарқли ўлароқ, ОИТС турли йўллар билан намоён бўлади. ОИТС иммун тизимининг заарланиш натижасидир. Иммун тизимининг кам ишлаши турли оппортунистик инфекциялар ёки ўсимталар ривожланишига олиб келади.

ОИТС ташхисини қўйишдан олдин, шифокорлар бир қатор аломатларни ўрганиб, бир қанча текширувлар ўтказадилар. Ягона «ОИТС тести»йўқ.

### БАРЧА ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХСЛАРДА ОИТС РИВОЖЛANIШI ТЎҒРИМИ?

Йўқ, бу ҳақиқат эмас. Ретровирусга қарши терапияни /РВҚТ/ қабул қилишнинг ўз вақтида бошланиши ОИВ билан яшовчи шахсга узоқ вақт яшаши ва иложи бўлса, иш фаолиятини амалга ошириш ҳамда ОИТС ривожланишининг олдини олиш имконини беради.

## **ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ СЕКИНЛАШТИРИШ МУМКИН?**

Бунинг учун организмни зарарли таъсиrlардан ва ортиқча юкламалардан ҳимоя қилишингиз керак. ОИВ инфекциясининг ривожланиш тезлигига таъсир қилувчи кўплаб омиллар мавжуд:

1. Инсон соғлигининг асл ҳолати: инфекциядан олдин қанчалик саломатлиги яхши бўлса, организмнинг касалликка қарши туриши шунчалик узоқ бўлади.
2. Қон орқали юқадиган ва жинсий алоқа билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш ва уларни ўз вақтида даволаш, иммунитет тизимини қўшимча стрессдан сақлайди ва ОИТС хавфини камайтиради.
3. Умумий гигиена қоидаларига риоя қилиш тери ва шиллиқ пардаларга қўшимча зарар етишининг самарали олдини олиш имконини беради, (организмни инфекциялардан ҳимоя қилувчи табиий тўсиқлар) ва ҳазм қилиш учун муҳим бўлган соғлом тишларни сақлайди
4. Тамаки ва ортиқча спиртли ичимликларни истеъмол қилишдан воз кечиш метаболик касалликларнинг олдини олади ва кўплаб органларнинг ҳолатини яхшилайди
5. Гимнастика ва ортиқча стрессниталаб қилмайдиган жисмоний машқлар тўғри метаболизмни сақлаб қолишга ёрдам беради ва жисмоний чарchoқни олдини олиш ҳамда оппортунистик касалликларнинг ривожланишини олдини олишга ёрдам берадиган мушак массасини сақлаб қолади.
6. Оппортунистик касалликлар ва гепатитни даволашни ўз вақтида бошланиши бу касалликлардан танага етказилган зарарни ва касалликнинг ОИТС босқичига ўтиш хавфини камайтиради
7. РВҚТни ўз вақтида бошланиши, бугунги кунда мавжуд бўлган терапия усулларидан тўғри фойдаланиш, касалликнинг ривожланишини тўхтатиши ва сезиларли даражада йиллар давомида ОИВ билан яшовчи шахснинг яхши жисмоний ҳолатини сақлаб қолади.

## **ИНСОН ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИ ТЕЗЛАШИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ҲАРАКАТЛАРНИ БАЖАРИШИ МУМКИН:**

1. Гиёхванд моддаларни қабул қилиш метаболизмни ҳамда жигар фаолиятини бузади, бу эса ОИВ инфекциясини ривожлантириб, организм фаолиятини кескин издан чиқаради.
2. Нотўғри овқатланиш (оқсил, витаминалар ва минерал элементларнинг етишмаслиги) иммун тизимини тиклаш жараёнини секинлаштиради ва организмнинг ишини бузади.
3. Иш ва дам олиш тартибининг бузилиши, дам олиш ва ухлаш учун етарли вақт йўклиги, ортиқча жисмоний, интеллектуал ва ҳиссий стресс организм тикланишига йўл қўймайди.

## **ОППОРТУНИСТИК КАСАЛЛИКЛАР БУ НИМА?**

Оппортунистик касалликлар агар инсон иммунитет тизими заифлашган бўлса, ривожланиши мумкин бўлган касалликлардир.

Оппортунистик касалликларга пневмоцист пневмония, Капоша саркомаси, сил касаллиги ва бошқалар киради. Аксарият оппортунистик касалликларни даволаш ёки олдини олиш мумкин.

## **ИНСОННИНГ ИММУН ТИЗИМИ БУ НИМА?**

Иммун тизими организмнинг ташқи таъсиrlардан ҳимоя қилиш тизимиdir.

## ИММУН ТИЗИМ НИМА ВАЗИФАНИ БАЖАРАДИ?

Иммун тизими танамиздаги учта мұхим жараён учун масъулдир:

1. Танамиздаги турли органларнинг кексайған ҳужайраларини алмаштириш;
2. Организмга турли инфекциялар, вируслар, бактериялар, замбуруғлар юқишидан ҳимоя қилиш;
3. Танамизнинг инфекциялар ва бошқа салбий таъсирлар (радиация, захарланиш, механик шикастланиш ва бошқалар) билан бузилған қисмларини «таъмирлаш», яғни тери ва шиллик қаватлардаги жароҳатларни даволаш, вируслар, бактериялар ва замбуруғлар билан заараланған ҳужайраларни тиклаш ва бошқалар.

## ИММУН ТИЗИМИ НИМАДАН ТАРКИБ ТОПГАН?

Иммун тизими маҳсус ҳужайралар ва моддалардан иборат.

Иммун тизимининг асосий ҳужайраси лимфоцитлар ҳисобланади. Лимфоцитлар нафақат қонда мавжуд, балки лимфа суюқлигининг асосий ҳужайраларидир.

## ИММУН ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИШЛАЙДИ?

Иммун тизимининг барча жараёнлари ва улар билан бирга барча иммунитет тизимини ўз функциялари асосида түрттә катта блокка бўлиш мумкин:

- назорат функцияси (назорат блоки)
- организмга юқсан инфекция ёки шикастланишларни аниқлаш (белгилаш), шунингдек, уларга қарши таъсирн кўрсатиш услублари ва усуллари ҳақида маълумот сақлаш (идентификация ва аҳборотни сақлаш блоки)
- инфекцияни йўқ қилиш ёки зарарни «таъмирлаш» жараёнини фаоллаштириш (инфекцияни қидириш ва йўқ қилишни фаоллаштириш блоки)
- инфекцияни йўқ қилиш (қотиллар блоки)

**1-Блок.** Чегарачи ёки божхона қўриқчилари каби кузатув блокининг ҳужайралари танага ҳеч қандай зарарли, бегона нарсалар кирмаслигига ишонч ҳосил қиласди. Улар нима фойдали эканлигини биладилар. Шундай қилиб, фойдали тоифага тегишли бўлмаган нарса танага кирса, улар: 1) уни дарҳол йўқ қилишга ҳаракат қиласди; 2) агар улар буни қила олмасалар, бу ҳақида сигнал беради ва 2-блок ишга тушади.

**2-Блок.** Ўз навбатида инфекцияни ўрганишни бошлайди. У маълумотни ота-онадан ёки инсон ҳаёти жараёнида генетик хотира билан олинган инфекциялар билан таққослади. Агар инфекцияни танимаса, бу инфекция текширилади ва у ҳақида маълумот янги инфекция ҳақида маълумот сифатида хотирага киритилади. Бу инфекция ҳақида барча маълумотларни тўплаб 3-блокка ушбу маълумотларни узатади.

**3-Блок.** Иммун тизимининг энг мұхим блоки. Унинг ҳужайралари инфекция ҳақида маълумотга эга бўлиб, унинг асосида маҳсус қидириув оқсиллари – антитаналар ишлаб чиқаришни бошлайди. Антитаналар фақат танага кирган маълум бир инфекцияни топиш учун мослаштирилган, яғни улар жуда аниқ. Ҳар бир инфекцияга қарши курашиб учун бошқалардан фарқли маҳсус антитаналар ишлаб чиқарилади. Вирусни топиб, антитана унинг юзасига бириктирилади ва 4-блокнинг ҳужайраларига «бегона» топилганлигини хабар беради.

**4-Блок.** Антитаналарнинг сигналларига эътибор қаратиб, қотил блокининг ҳужайралари (улар қотил ҳужайралари деб аталади) инфекцияни топади ва уни йўқ қиласди. ОИВни кўпайиши учун зарур бўлган СД4 ҳужайралари 3-блока жойлашган.

Шунга кўра, танадаги инфекциялар қанчалик кўп бўлса, уларни белгилаш учун кўпроқ антитаналар керак бўлади; антитаналар қанча кўп бўлса, уларни ишлаб чиқариш учун СД4 ҳужайралари ишлаб чиқарилади. Лекин! Ушбу ҳужайралар қанчалик кўп бўлса, вирус учун кўпроқ мақсадлар пайдо бўлади. Шундай қилиб, вирус қонда бўлиб, керакли СД4 ҳужайрасига дуч келиши ва унга юқтириш учун кўпроқ имкониятга эга бўлади.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДА ИММУН ТИЗИМИГА НИМА БЎЛАДИ?

Инсон иммунитет танқислиги вируси танага киргандан сўнг, кўп ҳолларда ғайритабии нарсалар содир бўлмайди. 30-40% заарланганларда ўткир респиратор инфекциясига ўхшаш ҳолат пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳарорат, заифлик, бош оғрифи ва томоқнинг яллиғаниши билан тавсифланади. Баъзан диарея (ич кетиши) бўлиши мумкин. Бу ҳолат ўн икки соатдан, ўн уч кунгача давом этади, ундан кейин даволаниш бўлмаса ҳам ўтади. Аммо, айтилганидек, инфекциялар аксарият ҳолларда ҳеч қандай тарзда намоён бўлмайдилар.

Айни пайтда танада куйидаги жараёнлар содир бўлади:

- иммунитет тизими номаълум инфекцияга дуч келади ва дарҳол унга қарши кураша олмайди
- вирус фаол равишда кўпаяди ва организмдаги микдори тез ўсади
- одатда ОИВга қарши антитаналар заарлангандан сўнг 10-12 кун ичida фаол равишда ишлаб чиқарила бошлайди, бу эса кўплаб вирусларни йўқ қилишга олиб келади
- қонда «сузвучи» вируслар йўқ қилинади ва ҳужайраларга кира олмайди; натижада танадаги вируслар сони сезиларли даражада камаяди.

Ўткир респиратор инфекциясига ўхшаш аломатларнинг пайдо бўлиши ва кутилмаган ҳолда йўқолиши айнан юқоридаги жараёнларга боғлиқ. ОИВ билан заарлангандан сўнг, узоқ вақт давомида, икки йилдан 10-12 йилгача инсон ўзини бутунлай соғлом ҳис қилиши мумкин. Бу вақт мобайнида ОИВга чалинган шахс одатдагидек кўринади ва деярли меҳнатга лаёқатлигича қолади. Қонида ОИВ бўлган, аммо унинг муҳим белгилари пайдо бўлмаган давр «асоратсиз давр» деб номланади.

## ВИРУС ҚАЙСИ ҲУЖАЙРАЛАРГА КИРИБ БОРADI? НИМА САБАБДАН УНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ҚИЙИН?

Вирус нафақат репродукция учун зарур бўлган СД4 ҳужайраларига (иммун тизимининг ҳужайраларига) кириши мумкин. Бундан ташқари, шиллиқ пардалар, асаб ва мушак тўқималарининг ҳужайраларида тўпланади. СД4 ҳужайраси ўн соат яшайди. Шундан сўнг, инфекцияланганми ёки йўқми, ҳужайра ўлади ва янги билан алмаштирилади. Тананинг бошқа ҳужайралари анча узоқроқ – бир неча ой ёки йил яшайди. Аслида, вирус бу ҳужайраларни бошпана сифатида ишлатади. У узоқ вақт давомида улар ичida бўлиши мумкин, кейин қон оқимига кириб, кўпайишни бошлаш учун СД4 ҳужайраларини кидиришга киришади. Вирус бошпана ҳужайраси ичida бўлганда, уни йўқ қилиш мумкин эмас, чунки у чегарачи-ҳужайраларига кўринмайди ва антитаналар учун мавжуд эмас.

Бу вируснинг тананинг турли ҳужайраларида «ўтириш» қобилияти бўлиб, у организмни инфекцияларга қарши курашнинг стандарт усули ёрдамида, яъни вирусга қарши антитаналарни ишлаб чиқариш орқали уни бутунлай йўқ қилишни имконсиз қиласди.

## ИММУНТАНҚИСЛИК НИМАГА ПАЙДО БҮЛАДИ?

Вақт ўтиши билан танадаги вирус мікдори аста-секин ўсіб боради.

Вируснинг доимий мавжудлиги иммунитетни доимий зўриқишида ушлайди.

Вирус янги ва янги СД4 ҳужайраларига таъсир қиласи ва танадаги бошқа ҳужайраларнинг қобиқларини бузади. Вируслар қанчалик кўп бўлса, СД4 ҳужайралари қанчалик кўп таъсирланса, организм инфекцияга қарши курашиш учун шунча кўп куч сарфлайди.

Ҳар бир организмнинг ўз ресурслари бор ва улар афсуски чексиз эмас. Бироз вақт ўтгач, организмда ресурслар тугай бошлайди ва вирус тобора камроқ қаршиликларга учрайди. Ишлаб чиқарилган янги СД4 ҳужайралари сони камаяди ва улар билан ОИВга қарши курашадиган антитаналар сони ҳам камаяди. Натижада, қотил ҳужайралар вирусни йўқ қилишдаги имкониятлари камая бошлайди.

СД4 ҳужайралари барча инфекцияларга қарши курашиш учун зарур бўлганлиги сабабли, организмда касалликларга қарши туриш имконияти пасаяди. Иммунтанқислик ривожлана бошлайди – тананинг ҳар қандай инфекцияга қарши туриши ва заарланган аъзоларни қайта тиклаш қобилиятини йўқотади.

## ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХС /ОБЯШ/ АГАР ЎЗИНИ СОГЛОМ ДЕБ ҲИС ҚИЛСА, ҚАНДАЙ ТИББИЙ ТЕКШИРУВЛАРДАН ЎТИШИ ВА ҚАНДАЙ ТАҲЛИЛЛАРНИ ТОПШИРИШИ ЛОЗИМ?

ОБЯШ ўзини яхши қилса, саломатлиги жойида бўлса, яъни бирор нарса уни безовта қилмаса ҳам, у текширувдан ўтиши керак.

Даврий текширув қуйидагиларни ўз ичига олади:

- тўлиқ қон формуласини аниқлаш билан умумий қон таҳлили
- қоннинг биокимёвий таҳлили
- сийдикнинг умумий таҳлили
- ўпка рентгенограммаси ва сил касали учун намуналар
- заҳм, шу жумладан жинсий йўл орқали юқадиган касалликлар учун қон тестлари ва суртмалар
- вирус юкламасига тести (ОИВ РНК мікдори)
- иммунограмма (СД4+ Т лимфоцитлар таркиби)
- зарур бўлган ҳолларда, юқумли касалликлар шифокори, тор мутахассислар (тиш шифокори, жарроҳ, дерматолог-венеролог ва бошқалар кўриги).
- ОИТСга қарши кураш марказларининг диспансер бўлими шифокорини кузатуви/кўриги

Ушбу текширувлар мажмуаси ОИВ инфекциясининг ривожланишини кўриш, шунингдек, эрта босқичда бошқа касалликларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида даволашни бошлаш имконини беради. Ушбу текширувларни мунтазам равишда олиб бориш, РВҚТни ўз вақтида бошлашга ёрдам беради.

## ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОКОРИГА ТАШРИФДАН ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЮКОРИ ФОЙДА ОЛИШ МУМКИН?

Кўпинча, шифокорнинг хонасида bemor бошқариш қишин бўлган ҳаяжонга дуч келади ва бу унга ҳалақит беради. Аммо агар шифокор кўригига аввалдан тайёргарлик кўрилса, ҳаяжон сизга ҳалақит бермайди.

- Шифокорга беришни истаган барча саволларни ёзинг. Ушбу саволларни рўйхатдан фойдаланиб беринг.
- Агар сизда аввалги текширувлар ёки кўриклар натижалари бўлса, уларни ўзингиз билан олиб

боринг ва шифокорга кўрсатинг. Текширувлар натижаларидан нусха олинг, бир нусхасини ўзингизда қолдиринг.

- Соғлиқ ҳақидаги шикоятларни, аллергик реакцияларни ҳамда ҳар қандай ўзгаришларни кундаликка ёзиб олинг ва бу ҳолат содир бўлган саналарни белгиланг. Ушбу ёзувларни шифокорга кўрсатинг.
- Агарда дориларингиз керак бўлса, шифокорга ташриф буюрганингиздан сизда қанча таблетка борлигини текширинг. Дорихонадан бошқа дорилар сотиб олиш учун янги рецепслар сизга керакми, текширинг.
- Шифокор билан сўнгги учрашувдан буён олган барча дорилар, биологик фаол қўшимчалар, гомеопатик воситалар ва анъанавий тиббиёт воситалари рўйхатини тузинг. Сиз доимо қабул қиласиган дориларнинг рўйхатини ўзингиз билан бирга олиб юришингиз айни муддао.
- Агар сиз илгари эмланишни бошлаган бўлсангиз, уни тақорлашингиз ҳақида сўрашни унутманг.
- Ташибидан бир кун олдин маҳсус тайёргарликни талаб қиласиган ҳар қандай текширувлар режалаштирилганми билиб олинг (масалан, шакарни аниқлаш учун қон одатда оч қоринга топширилади)
- Агарда ҳаяжонингиз жуда кучли бўлса, яқинларингиздан бирига илтимос қилиб, у билан бирга шифокор олдига боринг.

Шифокор хонасига кирганингиздан сўнг:

4. Диққат билан тингланг. Агар бирор нарса аниқ бўлмаса, қайта сўрашдан қўрқманг.
5. У ерда қайд этилган саволларни унутмаслик учун рўйхатингизни дарҳол столга кўйинг.
6. Шифокорга сизга берган барча тавсияларини ёзиб беришини сўранг. Дарҳол қайта ўқинг ва ҳамма нарсани тушуниб олинг
7. Шифокорнинг саволларига тўғри ва батафсил жавоб беринг, шифокордан яшириш керак бўлган маълумот йўқ.
8. Агар сизга даволаниш кўрсатилган бўлса, рецепслар ёзилганлигини ва уларда фамилия, исм ва отасининг исми тўғри ёзилганини текширинг.

Ўзингизга ишонинг! Ҳар бир инсон соғлиғи учун шифокорга боришни ўрганиши лозим.

## АГАРДА РЕТРОВИРУСГА ҚАРШИ ТЕРАПИЯНИ ҚАБУЛ ҚИЛСАНГИЗ, ШИФОКОР ОЛДИГА ҚАНЧАЛИК ТЕЗ БОРИШИНГИЗ КЕРАК?

Агар даволанишни бошлаган бўлсангиз, шифокор олдига икки ҳафтадан сўнг, кейин яна икки ҳафтадан сўнг ва кейин ойига бир марта (агар шифокор бошқача таклиф қилмаса) ташриф буюришингиз керак. Бу даволаш пайтида юзага келадиган муаммоларни муҳокама қилиш, даволаш самарадорлигини назорат қилиш, терапиянинг ножӯя таъсири билан курашиш учун амалга оширилали. Бундан ташқари, сизнинг ташрифларингиз шифокорга мунтазам равишда таҳлилларни олишга имкон беради ва организмингизнинг даволанишга жавобини баҳолайди.

Шифокор дори-дармонларни қабул қилишда юзага келиши мумкин бўлган ножӯя таъсиrlар ҳақида гапириб, барча саволларга жавоб бериши керак. Агар шифокорга ташриф буюрганингиздан сўнг, бирор нарса тушунарсиз ва жавобсиз қолган бўлса, ОИТС ижтимоий ҳизматлар ташкилотига ёки ОИВ билан яшаётган шахслар учун ўзаро ёрдам гуруҳига мурожаат қилиш орқали маслаҳат олишингиз мумкин.

## АГАР РВҚТНИ ҚАБУЛ ҚИЛСАНГИЗ, ШИФОКОР ҚАНДАЙ ТАҲЛИЛАРНИ БҮЮРАДИ?

ССВнинг 2021 йил 30 августдаги 206-сонли буйруғига биноан ОИВ инфекцияли беморларнинг диспансер назорати бўйича миллий клиник протоколига асосан.

Терапиянинг бошланиши билан текширувни вақти-вақти билан тақрорлаш керак:

- қон ва сийдикни текшириш – йилига икки марта
- иммунитет ҳолати (СД4 хужайралари) – ҳар уч, олти ойда бир марта
- кўкрак рентгенографияси – йилига икки марта (ҳеч қандай шикоят бўлмаса)
- гинекологик текширув – йилига икки марта (ҳеч қандай шикоят бўлмаса)

Тадқиқотларнинг ҳажми ва тезлиги РВҚТни қабул қилган шахснинг ҳолатига ва мутахассиснинг тавсияларига қараб (катта ёки кичик даражада) ўзгариши мумкин.

## ВИРУС ЮКЛАМАСИ БУ НИМА?

Вирус юкламаси қон плазмасидаги вирус миқдори кўрсаткичидир. Вирус юкламаси таҳлили вируснинг РНК сонини аниқлади ва вирус инсон организмидаги қанчалик тез кўпайишини кўрсатади. Вирус юкламаси рақамларда ўлчанади: ОИВ РНК нинг 1 милилитрга нусхалари сони.

«Юклама» сўзи «юк» сўзидан келиб чиқади. Вирусларнинг «юки» қанчалик кўп бўлса, иммунитет тизими шунчалик қўйналади.

## ВИРУС ЮКЛАМАСИГА ТЕСТ НИМА УЧУН КЕРАК?

Вирус юкламаси шифокорга касалликнинг қандай ривожланиши ҳақида прогноз қилиш имконини беради.

Агар ОИВ инфекциясининг ривожланишини «ОИТС билан боғлиқ касалликлар» га борадиган поезд билан таққосласангиз, унда иммунитет ҳолати қолган масофани ва вирус юкламаси поезднинг ҳаракатланадиган тезлигини билдиради.

## ВИРУС ЮКЛАМАСИННИГ ЎСИШИ ҲАР ДОИМ ҲАМ СОҒЛИҚ ЁМОНЛАШУВИНИ КЎРСАТАДИМИ?

Вирус юкламасининг кўрсаткичлари кўтарилиши ёки тушиши мумкин, бу эса инсонга ташқи таъсир кўрсатмайди. Вирус юкламасини таҳлил қилиш натижаси бир неча ой давомида кўтарилиганда ёки вирус юкламаси уч баробардан зиёдроқ бўлса, ташвишланиш сабаби пайдо бўлади.

Аслида, сиз шифокорнинг кўрсатмаси ва назорати остида ўзингизни текшириб кўришингиз керак. Агар сизда инфекция бўлса, ёки яқинда эмланган бўлсангиз, вирус юкламаси вақтинча кўтарилиши мумкин. Агар таҳлиллар доим бир хил ОИТСга қарши кураш марказида амалга оширилса, вирус юкламасининг ўзгариши ҳақида маълумот янада ишончли бўлади.

## “АНИҚЛАНМАЙДИГАН” ВИРУС ЮКЛАМАСИ НИМА?

Вирус юкламасини аниқлаш учун барча тестлар пастки сезувчанлик чегарасига эга. Агар қондаги вируснинг нусхалари маълум бир рақамдан кам бўлса, тест уларни ҳисобламайди. Кўпгина тестлар аниқлов чегарасига эга – 20 нусха / мл.

Агар қонда ОИВ вируснинг нусхалари миллилитр учун 20 дан кам бўлса, унда улар аниқланмади деб айтилади. Аммо ОИВ даражаси уни аниқлаш учун жуда паст бўлса ҳам, бу қонда ОИВ вируси йўқлигини англатмайди.

Вирус юкламаси тести фақат қондаги вирус миқдорини аниқлайди ва бошқа суюқликларда, масалан, лимфа тугуларида ёки спермада/ қин суюқлигидаги вирус юкламаси сони бошқа бўлиши мумкин. Яъни қонда аниқланмаса-да, бошқа суюқликларда, масалан, спермада вирусларнинг юқори концентрацияси бўлиши мумкин. Баъзида организмнинг бошқа суюқликларида ҳам вирус юқ таҳлили ўтказилади.

## ВИРУС ЮКЛАМАСИГА ТАҲЛИЛНИНГ АМАЛИЙ ФОЙДАСИ НИМАДА?

Даволашнинг дастлабки бошланиши РВҚТнинг ножӯя таъсири хавфини ва ОИВ инфекцияси туфайли иммунитетнинг пасайиши оқибатида яллиғланиш ва касалликларнинг ривожланиши билан боғлиқ хавфларни сезиларли даражада камайтиради.

Шифокорларнинг фикрига кўра, вирус юкламасини айнан аниқланмаган даражагача камайтириш даволашнинг асосий мақсадидир. Шу сабабли шифокор тайинлаган даволашга ва қатъий дори режимига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Агар қонда юқори вирус юкламаси қайд этилса, сперма ёки қин суюқлигига ҳам вируснинг юқори миқдори бўлиши мумкин. Ҳар қандай суюқликдаги вирус юкламаси қанчалик юқори бўлса, ОИВ тарқалиш хавфи шунчалик юқори бўлади.

Қонда вирус юкламасини камайтирадиган РВҚТ одатда сперма ва қин суюқликдаги вирус даражасини пасайтиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра: «РВҚТ билан вирусли супрессияга эришган ОИВ мусбат шахслар ОИВни шериларига юқтириши хавфи камаяди. РВҚТнинг профилактик ва даволовчи хусусиятлари шутарэзда ОИВнинг даволаш ва олдини олиш дастурларида аниқ акс эттирилиши керак».

РВҚ препаратларни тўғри қабул қиласиз, РВҚТ бўйича тавсияларга риоя қилинг ва вирус юкламасини назорат қилинг, шунда сиз жуфтингизнинг саломатлиги ва соғлиғини сақлайсиз.

## АГАРДА ВИРУС ЮКЛАМАСИ АНИҚЛАНМАЙДИГАН ДАРАЖАДА БЎЛСА, ҲИМОЯ ВОСИТАСИДАН ФОЙДАЛАНМАСА БЎЛАДИМИ?

Қарор қабул қилишда, имзоланган огохлантириш ва рақасига мувофиқ, қасдан ёки билмасдан туриб инфекцияни юқтириш ахлоқий ва жиной жавобгарликка тортилишини ҳисобга олиш керак.

Ҳимоя воситаси турли хил инфекцияларни ва исталмаган ҳомиладорликни олдини олади, шунинг учун саломатликни ҳимоя қилишнинг муҳим усули бўлиб қолади. Агар сизда жинсий йўл билан юқадиган даволанмаган инфекциялар (айниқса, гонорея) бўлса, улар сперма ва қин суюқлигига вирус юкламасини ошириши мумкин, шунинг учун ҳимояланмаган алоқа орқали ОИВни юқтириш хавфи ортади.

РВҚТ вирусни онадан болага юқиш хавфини самарали равишда камайтиради. Агар ҳомиладор бўлсангиз, ёки ҳомиладорликни режалаштироқчи бўлсангиз, шифокорингиз билан дори-дармонлар схемасини танлашни муҳокама қилинг. Агар ҳомиладорлик пайтида сизда вирус юкламаси аниқланмайдиган даражада бўлса, у ҳолда болага ОИВ юқишининг олди олинади.

## МАСЛАХАТ БЕРИШ, ДАВОЛАШ, ТЕРАПИЯГА СОДИҚЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

УШБУ БҮЛІМДА ҚҰЙИДАГИЛАР ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

- ◊ РВҚТ түғрисида
- ◊ Терапия самарадорлиғи қай тарзда аникланиши түғрисида
- ◊ ОБЯШ даволашда құлланиладиган препараттарнинг номи ва асосий турлари түғрисида
- ◊ Комбинацияланған терапия нима учун кераклиги, шунингдек, РВҚ-препараттарга резистентлик түғрисида
- ◊ Ретровирусга қарши перпаратлар самарадорлиғи омиллари түғрисида
- ◊ Даволанишга содиқлик түғрисида
- ◊ Содиқликни сақлашга тұсқынлик құлувчи асосий омиллар түғрисида
- ◊ Экспресс-тест, уларни құллаш ва тенг маслаҳатчилар томонидан натижаларни изохлаш түғрисида
- ◊ ОИВ инфекциясига тест ва ихтиёрий маслаҳат түғрисида.
- ◊ Ихтиёрий маслаҳат мақсад өсірілгенде принциплари түғрисида
- ◊ Ихтиёрий маслаҳат услублари түғрисида
- ◊ Турли гурух мижозлари билан маслаҳат үтказиш хусусиятлари түғрисида

### ОИВ ИНФЕКЦИЯНИ БУТУНЛАЙ ДАВОЛАШ МУМКИНМИ?

Йүк, ҳозирғи вақтда ОИВ инфекциясini бутунлай даволаш мумкин эмес, лекин РВҚТни қабул қилиш вируснинг күпайишини тұхтатади, иммунитетни сақлаб қолади ва ОИВ юқиши әхтимолини сезиларли даражада камайтиради, қолаверса, ОИВ билан яшаётган одамларнинг ҳаёт сифатини сақлаб қолиш имконини беради.

### ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ ҚАЧОН ДАВОЛАШНИ БОШЛАШ КЕРАК? РВҚТ БУ НИМА?

- Сиз барча мұхым масалаларни шифокорингиз билан мұхокама қылдингиз.
- Сизге шифокорингиз РВҚТни тайинлади.
- **Сиз шуни аңглашингиз ва тушунишингиз керакки, яшаш учун сизге РВҚТ керак.**

2016 да Жаҳон соғынның сақлаш ташкилоти барча ОИВ билан, жумладан, болалар, үсминалар ва катталар, ҳомиладор ва әмбапикалық айналымда клиник қолати ёки СД4 ұжайралари миқдоридан қатынан, даволанишни босағанда да оның мұхокама қылды.

Даволашнинг бошланиши тез-тез шубҳа остида бўлади, шубҳаларни шифокор билан ва даволанишни бошлаган одам билан мұхокама қилинг. Бу ҳавотир ва шубҳаларни йўқотишига ёрдам беради.

### РВҚТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ БОШЛАШДАН АВВАЛ НИМАНИ ЁДДА ТУТИШ КЕРАК?

ОИВнинг доимий күпайиши иммунитет тизимига зарар етказади. Вируснинг күпайиш тезлиги турли даврларда ҳар хил одамда фарқ қилиши мумкин.

Қонда ОИВ миқдорининг кўпайиш фаоллиги, у билан боғлиқ СД4+ Т лимфоцитларини камайиш тезлигини кўрсатади ва СД4+ Т лимфоцитлар сони иммунитет тизимига зарар етказиш даражасини кўрсатади. ОИВ инфекциясининг хавфини баҳолаш ва РВҚТнинг бошланиш вақтини аниқлаш учун ОИВ РНК ва СД4+ Т лимфоцитлар сонини мунтазам равишда кузатиш керак.

«Тажовуз хавфи» – бу касалликнинг кейинги босқичга ўтиш эҳтимоли, соғлиқнинг ёмонлашуви, инфекция хавфининг даражасига боғлиқ.

Ҳар бир инсонда ОИВ инфекцияси турли йўллар билан ривожланганлиги сабабли, терапияни танлаш ёндашуви индивидуал бўлиши керак. Яъни, даволанишни бошлаш ва дори-дармонларни танлаш санаси ушбу шахснинг тестлари натижалари билан аниқланиши ва унинг ҳаёти ва характеристерини ҳисобга олиш керак.

Вирус ҳали организмга катта зарап етказа олмаганилиги сабабли, вирус юклamasи паст бўлса ва иммунитет ҳолати юқори бўлса, РВҚТнинг ижобий таъсири аниқ ва узоқ бўлади. Чунки вирус организмга ҳали катта зарап етказмаган бўлади.

Бошқа томондан, терапиянинг жуда эрта бошланиши, агар бемор масъулиятни ҳис этмаса, дори-дармонларни вақтида қабул қилишда камчиликларга йўл қўйса, вирусда қаршилик ривожланади, яъни, дорилар вирусга таъсир қилишни тўхтатади.

Терапияни бошлаш тўғрисидаги қарор шифокор томонидан тайинланади ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг тавсиялари ва клиник протоколлари бўйича беморнинг хоҳиши, тайёрлиги билан белгиланади.

Терапиянинг бошланиши ҳақида жиҳдий ўйлаб кўриш керак:

- иммунитет ҳолати доимий равишда камаяди;
- вирус юклamasи доимий равишда ошиб боради, бу вируснинг фаоллигини оширади;
- соғлиқ сифатини сақлаш ҳолати одатда ёмонлашади.

Агар терапияни қабул қиласангиз, вирус юклamasini мунтазам равишда текшириш ва иммунограмма қилиш керак. ОИВ инфекциясининг кейинги босқичларида (масалан, СД4+ <50/ мл каби паст иммунограмма мавжудлигига) тўғри танланган антиретровирус терапияси, ҳатто СД4+Т лимфоцитлар сонининг кўпайishi билан бирга бўлмаса ҳам, касаллик ва ўлим хавfini камайтириш орқали ижобий таъсир кўрсатади.

## ХОМИЛАДОРЛИК ПАЙТИДА РВҚТ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?

РВҚТни қабул қилиш ҳомиладор аёлларда ОИВ инфекциясининг ривожланишини ва болага ОИВ инфекцияси юқишини олдини олиш учун ягона усул ҳисобланади.

Бундай ҳолда, қўйидагиларни ҳисобга олиш керак:

1. Агар ҳомиладорлик пайтида ОИВ инфекцияси аниқланса, кўпчилик мутахассислар онанинг инфекциясини болага юқиш хавfini камайтириш учун вирус аниқлангандан сўнг ҳар қандай ҳомиладорлик даврида РВҚТни бошлашни тавсия қиласди.
2. Ҳомиладорликдан олдин РВҚТни қабул қилган аёллар терапияни давом эттиришлари керак. Кўпгина мутахассислар, биринчи триместрда ҳам, аёлни вирусни қайта тиклашга имкон бермаслик учун, аввалги каби бир хил схема бўйича препараторларни қабул қилишни давом эттиришни тавсия қиласди. Қандай бўлмасин, препараторларни муайян схема бўйича қабул қилишни давом эттириш фақат шифокор томонидан ҳал қилинади ва агар керак бўлса, қарор консилиум орқали қабул қилинади.

**Хулоса:** РВҚТни қабул қилиш болага вирусни юқиши хавфини сезиларли даражада камайтиради, шунинг учун ҳар қандай вирус юкламаси даражасида ОИВ инфекцияси билан яшовчи барча ҳомиладор аёллар боланинг соғлиғини ҳимоя қилиш учун РВҚТни қабул қилишлари керак.

## ТЕРАПИЯ САМАРАСИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Агар терапия самарали бўлса, вирус юкламаси камаяди ва иммунитет мақоми ошади. Бундан ташқари, соғлик яхшиланади.

«Бу ўзгаришларни қанча кутиш керак ва кўрсаткичлар қанчалик ўзгаради» деган саволларни шифокор билан муҳокама қилиш яхшироқдир.

Терапиянинг бошланишидан олдин самарадорлиги ҳақида сухбатлашиш, шунингдек, биринчи схема керакли таъсирни бермаса, препаратларни алмаштириш имкониятини муҳокама қилиш тавсия етилади.

## НИМА САБАБДАН ПАЙДО БЎЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН НОЖЎЯ ТАЪСИРЛАРНИ ШИФОКОР БИЛАН МУҲОКАМА ҚИЛИШ КЕРАК?

Чунки олдиндан маълумотга эга бўлса, барча имкониятларни кўриш мумкин. Ножўя таъсирлар дори воситасининг уни қабул қиливчи айrim инсонлар организмига ноxуш таъсирининг оқибатидир.

Белгиланган препаратларни қабул қилишда қандай ножўя таъсирлар содир бўлишини олдиндан шифокордан сўраш яхшидир. Бу қанчалик тез-тез содир бўлади? Қандай қилиб уларни камайтириш мумкин? Улар қанчалик хавфли ва дарҳол шифокорга хабар беришингиз керак бўлган ҳолатлар борми? Бу саволларга жавобларни олиш ташвишингизни камайтириши мумкин. Бироқ, қуйидаги фикрларни ёдда тутиш керак:

- ножўя таъсирсиз дори йўқ;
- ишлаб чиқарувчи препаратнинг ножўя таъсирлар рўйхатида препаратдан фойдаланиш тарихида бир мартагина содир бўлган ножўя таъсирни ҳам ўз ичига олиши шарт;
- кўп ҳолларда, одамларда препаратни яхши қабул қиласидар;
- яхшилиқдан кўра кўпроқ зарар етказадиган дорилар инсонларда қўлланилишига йўл кўйилмайди;
- биринчи бир ярим ой энг ёқимсиз ножўя таъсир намоён бўладиган вақтдир. Деярли ҳар доим бу оралиқдан кейин улар йўқолади;
- ножўя таъсирларни пайдо бўлишини ташвишланиб кутиш уларнинг юзага чиқиш эҳтимолини оширади;
- ОИТС марказлари томонидан тақдим этиладиган дорилар ЖССТ томонидан тавсия этилади.

Ҳозирги пайтда ОИВ инфекциясини бутунлай даволайдиган дори йўқ. ОБЯШ терапияни қабул қилса ҳам, вирус беморнинг ҳаёти давомида организмида қолади. Лекин фақат РВҚТни қабул қилишгина ОБЯШ саломатлигини сақлаб қолиш имконини беради.

## РВҚТ БУ НИМА?

РВҚТ бу вирусга қарши терапия. РВҚТ нинг ҳар қандай схемаси ОИВ инфекцияси кўпайишининг олдини олади, вирус миқдорини аниқланмаган даражага олиб чиқади ва кўп йиллар давомида бундай ҳолатни сақлаб қолади. Ҳозирги вақтда терапия вирусни кўпайтиришга имкон бермайдиган уч ёки тўрт хил РВҚ-препаратларни қўллашни ўз ичига олади.

## ИММУНТАНҚИСЛИГИ ВИРУСИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ КҮПАЯДИ?

Вирусни күпайиш жараёни репликация деб аталади. Күпайиш (репликация) учун вирус учта ферментта эга: тескари транскриптаза, интеграза ва протеаза.

Вирус репликацияси босқичлари:

1. Ҳужайра ичига киради, махсус оқсиллар ёрдамида вирус Т-лимфоцитлар юзасига ёпишади.
2. Тескари транскрипция – ДНК синтези-фермент тескари транскриптаза вируснинг генетик материалини бошқа протеин молекуласига (вирус ДНКси) айлантиради. Ушбу конвертация қилинганидан сўнг, лимфоцит ядроси бу молекулани генетик материал учун қабул қилиши мумкин.
3. Янги протеин молекуласи (вирус ДНКси) лимфоцитнинг ядросига етказилади.
4. Интеграза ферменти ҳужайранинг генетик материалига – «хўжайнинг»га, яъни лимфоцитнинг ДНКси янги протеин молекуласини киритади.
5. Вирус транскрипцияси-инфекцияланган ядро вируснинг генетик материалларидан нусха олишни бошлайди.
6. Вирусли оқсилларни синтез қилиш – трансляция ҳужайрадаги вируснинг генетик материалига асосланган – «мезбон» вирусли оқсилларни ишлаб чиқариши бошлайди
7. Вирусни йиғиш ва етилиш-генетик материал ва вирусли оқсиллардан ютуқ вирус ҳосил қилиш учун протеаза ферментининг керак бўлиши.

Вирус зарралари қон оқимиға кириб, янги ҳужайраларга заарар етказади. Препаратлар ОИВ ферментларининг ишини блоклайди, яъни вирусни күпайтиришга тўсқинлик қиласади. Натижада, вируснинг бўлиниши деярли тўхтайди.

РВҚТ қон плазмасига валимфа ичига янги вирусларни киришини тўхтатади, шунингучун қондаги вируслар сони сезиларли даражада камаяди. Ва вирус юкламасини аниқловчи тест уларни аниқломайди. Аммо бу тузалишни англатмайди, чунки иммунитет ва асаб тизимининг ҳужайраларида жойлашган вируслар ҳали ҳам мавжуд, аммо улар кўпаймайди.

Замонавий терапия ОБЯШда вирусни кўпайшини деярли тўхтатади, бу эса уларга кўп йиллар давомида яхши яшаш имконини беради.

Вируснинг кўпайиши РВҚТ билан тўхтатилганда, ОБЯШлар ўзини яна жуда соғлом ҳис қиласа бошлайди. Иммунитет ҳолати юқори даражага кўтарилади. Оппортунистик инфекцияларнинг ривожланиш эҳтимоли сезиларли даражада камаяди. Бунинг сабаби шундаки, вируслар камроқ бўлади, улар иммунитет тизимининг камроқ ҳужайраларини ўлдиради. Бу шуни англатадики, иммунитет тизими кўплаб касалликларга қарши курашиб учун етарли даражада тикланади.

## РВҚТ УЧУН ҚАНДАЙ ПРЕПАРАТЛАРДАН ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

РВҚТ учун бир неча препаратлар гурухи қўлланилади:

- Тескари транскриптаза ингибиторлари: нуклеозидларнинг аналоглари, но нуклеозид ва нуклеотид
- Протеаза ингибиторлари
- Интеграза ингибиторлари
- Кўшилиш ингибиторлари
- Рецепторлар ингибиторлари

«Ингибитор» сүзи бу жараённи олдини олади, тұхтатади, бирор нарса содир бўлишига йўл қўймайди. Мисол учун, антифриз музлаш ингибитори. Ҳозирги вақтда нуклеозид ва нуклеозид бўлмаган тескари транскриптаз ингибиторлари ва протеаз ингибиторлари кенг тарқалган.

Тескари транскриптаза ингибиторлари (НИОТ) нуклеозид аналоглари, вирус РНКни ДНКга айлантириш жараёнини тұхтатади. Препаратлар генетик материалнинг бир қисми ўрнига ДНК занжирига жойлаштирилган. Бу ерда ДНК занжири қурилиши тұхтайди ва вирус кўпаймайди.

НИОТ – биринчи ретровирус препаратлар, лекин улар даволашнинг деярли барча схемаларида мухимлигича қолади. Бироқ, улар қисқа вақт ичидә ва узоқ муддатли фойдаланишда кузатилган ножӯя таъсирларни ўз ичига олган бир қатор камчиликларга эга.

Бу препратларга қўйидагилар киради:

- Эмтрицитабин
- Тенофовир
- Ламивудин
- Зидовудин
- Абакавир
- Абакавир/ламивудин
- Зидовудин/ламивудин
- Эмтрицитабин/тенофовир

**Ламивудин/тенофовир.** Тескари транскриптазанинг нуклеотид ингибиторлар – учинчи, энг янги тескари транскриптаза ферментини тұсувчи дори гурухи. Бу ферментнинг таъсир этиш принципи бошқа ингибиторлар гурухларидан бирмунча фарқ қиласы. Бу бошқа тескари транскриптаза ингибиторларига чидамли одамларда вирусга таъсир қиласы. Бу гурухга тенофовир препарати киради (ТОР).

**Тескари транскриптазанинг нонуклеозид ингибиторлари (ННИОТ)** – улар тескари транскриптаза ферментини боғлайды, яъни ферментнинг ишини нуклеозидларга нисбатан бошқача тарзда блоклайды. Буларга қўйидаги дорилар киради:

- Невирапин
- Эфавиренз
- Этравирин

**Протеаза ингибиторлари (ПИ)** – вирус оқсилларидан яшовчан вирусларни «йиғиши» имконини берувчи, хужайра томонидан ишлаб чиқарилган, ферментни блокировка қиласынган ингибиторлар.

Протеаза ингибиторларига қўйидагилар киради:

- Лопинавир/ритонавир
- Дарунавир/ритонавир
- Дарунавир/комбицистат
- Атазанавир/ритонавир

**Интеграза ингибиторлари (ИИ)** – вирус оқсилларининг учдан бир қисмининг ишини бузадиган янги дорилар гуруҳи. Яъни вируснинг генетик материалини ҳужайраларга жойланишига йўл қўймайдилар:

- Ралтегравир
- Долутегравир

Интеграза ингибиторлари вируснинг чидамли (бошқа дориларга чидамли) штаммларига қарши ҳам самарали бўлди.

**Қўшилиш ингибиторлари (КИ)** – вируснинг ҳужайра мембраннынг бирикиши ва уларга киришига тўсқинлик қилувчи янги дори тури. Бирок, шунингдек, камчиликлари бор: инъекция усулида, қиймати жуда юқори. Бу гурух дори T-20 (энфувентид, фузон)ни ўз ичига олади.

**Рецептор ингибиторлари (ИР)** – ко-рецепторларга таъсир қилиб, ОИВнинг ҳужайрага киришига тўсқинлик қилувчи рецептор блокерлариdir. Бу Маравирок (МУС) препарати.

## НИМА САБАБДАН БИТТА ИНСОНГА БИР НЕЧТА ПРЕПАРАТЛАР БУЮРИЛАДИ?

Чунки бир нечта дорилар вируснинг кўпайишига тўсқинлик қиласи. Бир нечта дори мавжуд бўлганда, вирусни мослаштириш ва барқарорликни (қаршилик) ривожлантириш қийин. Ахир, даволанишнинг мақсади вирусни кўпайтиришни тўлиқ тўхтатишидир.

Бир дори билан даволаниш монотерапия деб аталади. Хозирги вақтда монотерапия фақат янги туғилган чақалоқларга вертикал юқиши олдини олиш учун ишлатилади.

Мамлакатимизда турли РВҚТ препаратлар етарли. Даволаш режими одатда вирусни кўпайтиришнинг турли босқичларига таъсир қилиш учун турли гуруҳлардан уч ёки ундан ортиқ дори-дармонлардан иборат. Ушбу дори-дармонларни доимий равишда қабул қилишлик, вақтини ўтказиб юбормаслик ва вақт оралиғини бузмаслик керак.

## РЕЗИСТЕНТЛИК НИМА ВА У ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ?

Резистентлик – бу вирус ёки бактерияларнинг дори таъсирига қарши туриш (қаршилик кўрсатиш) қобилиятидир.

Ўзаро резистентлик вирус ёки бактерияларнинг дори воситалари жамланмасининг таъсирига жавоб бермаслик қобилиятидир.

Бемор танасида вирусларнинг кўпайиши доимий равишда содир бўлади. Вируснинг тўлиқ пайдо бўлиши 1-2 кун давомида амалга оширилади, кунига 1 миллиардгача вирусли зарралар пайдо бўлиши мумкин.

Вирусни кўпайтириш нусха кўчириш бўлгани учун, янги вируслар вирус «ота-она»лар билан бир хил бўлиши керак. Аммо кўпайиш вақтида баъзида хатолар юзага келади, кейин вируснинг янги нусхалари вирус «ота-она»лар каби эмас бошқача бўлиб қолади, бу мутация деб аталади. Вирус кўпаймаса, мутациялар содир бўлмайди.

Агар мутация вируснинг ферментларида содир бўлса, уларнинг хусусиятлари ўзгаради ва натижада РВҚ препарати таъсир кўрсата олмай қолади. Бу ҳолат резистентлик дейилади.

РВҚ янги вирусларни ишлаб чиқаришни бутунлай тўхтата олмаса, резистентлик пайдо бўлади. Бу куйидаги ҳолатларда содир бўлади:

- киши дори-дармонларни қабул қилишда хато қиласи (масалан, бир дозани қабул қилишни ўтказиб юборади)
- вирусларнинг бир қисмин кўпайишга улгuriб қолади
- баъзи «янги» вируслар мутант бўлиб чиқади

- препаратнинг кейинги дозалари янги «нормал» вирусларни кўпайтиришга йўл қўймайди
- мутант вируслари кўпайишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди ва улар жуда кўпайиб кетади
- дори-дармонлар вирусларнинг кўпайишига тўсқинлик қила олмай қолади, чунки уларнинг аксарияти мутантлардир

Агар бемор РВҚТ препаратларни истеъмол қилиш режимига риоя қилса, вирусларнинг кўпайиши бутунлай тўхтайди ва қаршилик кўрсатадиган мутациялар бўлмайди.

## РВҚТ ҚАНДАЙ НАТИЖАЛАР БЕРАДИ?

РВҚТ ижобий ва сифатли натижалар беради:

- Қондаги вирус миқдори сезиларли даражада камаяди, шунинг учун вирус танага етказилган зарар ҳам камаяди. Терапия бошланганда касаллик ОИТС босқичига ўтса ҳам, 6-8 ойдан кейин одам сезиларли яхшиланишларни сезиши ва масалан, ишлашга қайтиши мумкин
- Қонда вируснинг концентрациясини камайтиришнинг яна бир ижобий натижаси – ОИВ инфекциясини юқиш хавфини сезиларли даражада камайтиришdir

## РВҚТНИНГ САМАРАДОРЛИГИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Терапиянинг самарадорлиги, биринчи навбатда, уни қабул қилган шахснинг масъулияти даражасига боғлиқ.

Масъулият:

- антиретровирус терапиясини қабул қилиш учун одамнинг онгли қарори,
- одамнинг қанчалик қийин бўлмасин дори-дармонларни қабул қилиш режимига риоя қилишга тайёрлиги,
- ножӯя таъсири бўлса ҳам, даволанишни давом эттиришга тайёрлиги,
- препаратни ҳатто бир марта ҳам ичмасдан ўтказиб юбормасликни тушуниш.

Яна бир самарадорлик дори воситаларининг комбинацияси қанчалик муваффақиятли танланганлигига боғлиқ. Аммо, агар ОБЯШ таблеткаларни қабул қилиш режимига риоя қилмаса, ҳатто энг яхши дорилар ҳам ёрдам бермайди.

## МАСЪУЛИЯТНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ НИМА?

Масъулиятнинг таркибий қисмлари:

- Барча белгиланган дори-дармонларнинг миқдорини тўғри қабул қилиш;
- Белгиланган вақтда барча дори-дармонларни қабул қилиш;
- Озиқ-овқат режимига мувофиқ дори-дармонларни қабул қилиш. Тегишли ассимиляцияни таъминлаш учун баъзи дори-дармонларни озиқ-овқат билан бир вақтда қабул қилиш керак. Бошқаларини оч қоринга, овқатдан олдин ёки кейин маълум бир вақтда қабул қилинади. Баъзи дори-дармонлар учун қандай овқат ейишингиз мухим, чунки қонингиздаги ёғ миқдори уларга таъсир қилиши мумкин;
- Бошқа дорилар ёки моддалар билан ўзаро алоқани ҳисобга олиш керак. Агар сиз бошқа турдаги дори-дармонларни қабул қилсангиз, шифокорингиз билан РВҚТ дори-дармонлар билан бошқа дориларнинг муносабати хақида маслаҳатлашингиз керак.

## ОИВНИ САМАРАЛИ ДАВОЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ НИМА?

Масъулият ОИВ инфекциясини даволашнинг самарадорлиги учун энг муҳим элемент ҳисобланади.

Даволанишга бўлган масъулиятнинг паст даражаси нафақат даволаш самарадорлигини камайтиришга, балки ОИВнинг барқарор шаклларида (резистентлик) ҳам олиб келиши мумкин.

ОИВни даволашдаги дори-дармонларга қаршилик қонда дори даражаси вируснинг кўпайишини тўхтатишига нисбатан жуда паст бўлганида ривожланади.

## ДАВОЛАНИШГА БЎЛГАН САДОҚАТ УЧУН ҚАНДАЙ ТЎСИҚЛАР МАВЖУД?

**Ижтимоий мұхит.** Оилада, дўстлар ва ҳатто ҳамкаслар билан барқарор муносабатлар даволанишга бўлган садоқатнинг муваффақиятига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқа томондан эса одамлар сизнинг ОИВ ҳолатингиз ҳақида хабардор бўлиб қолиши сизни безовта қилиши мумкин, шунинг учун сиз бошқалар олдида дори-дармонларни қабул қилишни хоҳламаслигиниз мумкин. Натижада нотўғри фикр ва стереотиплар сизга босим ўтказиши мумкин. Маслаҳат сифатида сиз ишонишингиз мумкин бўлган камида битта одамни топиш тавсия этилади. Бу шахс сизга терапияни бошлаш ҳақида қарор қабул қилишингизда ёрдам бериши мумкин, дорини ўз вақтида қабул қилишингизни эслатиши ва вақти келганда сизни эмоционал қўллаб-қувватлаб туриши мумкин.

**Пул ва яшаш билан боғлиқ муаммолар.** Пулнинг етишмаслиги сабабли тиббий тавсияларда кўрсатилган озиқ-овқатни харид қила олмаслигиниз мумкин. Худудингиздаги ОИВ бўйича ҳизмат ташкилотлари сизга мумкин бўлган моддий ёрдам ва имтиёзларни олишингизда ёрдам бериши мумкин. Агар сиз турар жой томонидан қийинчилкларга дуч келсангиз ва ёки бир ерни бир нечта одамлар билан бўлишиб яшашга мажбур бўлсангиз, ёки кўпинча турли жойларда яшасангиз, бу дори-дармон заҳираларининг хавфсизлигига ва уларни қабул қилишининг мунтазамлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

**Ҳаёт тарзи.** Агар ҳаёт ритми ва турмуш тарзи дориларни мунтазам равишда қабул қилишга шароит яратиб берса, уларни давомий қабул қилишингиз эҳтимоли ҳам баланд бўлади. Даволанишни бошлаш тўғрисидаги қарор сизнинг шахсий ҳолатларингизни, масалан, иш жадвали ёки дорининг ножӯя таъсири бошланганда сизга ҳалал бермасликларини ҳисобга олган ҳолда, индивидуал асосда амалга оширилиши керак. Агар сизнинг ҳаёт ритмингиз ва турмуш тарзингиз дори қабул қилиш режимига қаттий риоя этишига йўл бермаса, терапияни бошлашдан олдин даволовчи шифокорингиз билан энг мос ва самарави режимни топишни муҳокама қилишингиз тавсия этилади.

**Спиртли ичимликлар ёки гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш.** Гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликлар таъсири остида дорини ўз вақтида қабул қиласлик эҳтимоли ошади, даволанишга бўлган масъулиятни сақлаш бекарор турмуш тарзи кечирадиган одамлар учун мушкулдир.

**Депрессия ва руҳий саломатлик.** Депрессия каби руҳий саломатлик масалалари даволанишга бўлган садоқатта таъсир қилиши мумкин. Агар сиз депрессия билан яшасангиз ва даволанишга бўлган масъулиятни ҳис қиласангиз, ўзингизни яхши ҳис қилгунизга қадар даоланишни бошламай туринг.

РВҚ препаратларини қабул қиласдиган одамларда баъзан депрессия ёки тушкунлик ҳолатлари бўлади. Сизни бу ҳавотирга солмасин, шифокор сизни депрессияни камайтирадиган, соғлиғингизни яхшилайдиган ва дори-дармонларни қабул қилишни давом эттиришга имкон берадиган даволанишга ўзгартириб бериши мумкин. Тенгма-тeng тамоилии бўйича тенгдош маслаҳатчилар ва психологлар ҳам сизга зарур ёрдам бериши мумкин.

Дори-дармонларни қабул қилиш вақтини эслатиш учун энг оддий ва энг арzon усул-уйғотувчи соат, мобил телефон сигналлариридир.

## ДОРИНИ ИЧИШНИ УНУТИБ ҚҮЙСАНГИЗ НИМА БЎЛАДИ?

Албатта, вазифа барча дозаларни аниқ вақтда ва тегишли тарзда қабул қилишдир. Шунга қарамай, ҳар бир инсон баъзан дори-дармонларни қабул қилишни унудиши мумкин.

Агар баъзан дозани ичиши унутсангиз ва бу жуда кам учрайдиган ҳолат бўлса, балки бу даволаш самарадорлигига таъсир қилмаслиги мумкин. Амма агар бу ҳолат мунтазам равишда содир бўлса, масалан, ҳафтада икки марта, бу ОИВ вирусининг РВТ препаратларига резистентлик (дори таъсир қилмаслиги) ҳолатини юзага келтириши мумкин.

## ЭКСПРЕСС-ТЕСТ НИМА?

Экспресс-тест – bemornning қонида ёки сўлакда ОИВ антителалари мавжудлигини тезда (15-20 дақиқа ичида) аниқлаш усули. Экспресс-тестни маслаҳат жойида бевосита маслаҳатчи (тиббий ва бошқа ходимлар) бажариши мумкин. Агар Экспресс-тестнинг ижобий натижаси олинган бўлса, уни тасдиқлаш ва ОИВ ҳолатини якуний аниқлаш учун стандарт лаборатория усуллари ёрдамида талаб қилинади.

## МИЛК АТРОФИДАГИ ОИВГА ЭКСПРЕСС-ТЕСТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Экспресс-тест биологик материалда ОИВга хос антитаналар мавжудлигини аниқлайди. Экспресс-тестларнинг афзалликлари уларнинг қулайлиги, маҳсус лаборатория жиҳозларига эҳтиёж йўқлигидадир. Улар ОИВ-1 ва ОИВ-2 нинг инфекциясини аниқлаш имконини беради.

Экспресс-тестлар юқори сезувчанлик (97.2-100 %) ва ўзига хослиги (94.5-99.4%) илан ажralиб туради ҳамда ИФА скрининг учун ишлатиладиган юқори тест тизимлари даражасида ишлайди.

Экспресс-тестнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, тест натижасини олиш тезлиги 20 дақиқагина, ундан ташқари, лабаратория тестларидан фарқли уни олиш уун сезиларли даражада кам вақт талаб этилади, шунингдек, намуналарни аралаштириш билан боғлиқ техник хатолар ва таҳлилий хатолар юз бериш эҳтимолини бартараф этилади.

Катта гурухни текшириш учун битта мутахассис етарли. Ушбу процедура мутлақо оғриқсиз ва хавфсиз бўлиб, касаллик юқтириш эҳтимоли нога тенг.

## МИЛК АТРОФИДАГИ ОИВГА ЭКСПРЕСС-ТЕСТ ҚАЙСИ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Тест учта босқичда ўтказилади:

- 1-босқич – тест учун намуна олиш;
- 2-босқич – тестни ўтказиш;
- 3-босқич – натижаларни ўқиш.

Тест «текис қошиқча» мосламаси ёрдамида милк ва тишлар ўртасидан олинади ва ОИВга антитаналар мавжудлигига текширилади (1-расм).






Кейин «текис қошиқча» натижани аниқлаш учун маҳсус эритмага жойлаштирилади. Натижа 20 дақиқада, баъзан 40 дақиқа (2-расм).

ОИВга хос антитаналар, агар мавжуд бўлса, мембраннынг «Т» тест зонасида қўлланиладиган рекомбинат ОИВ 1 ва ОИВ 2 антигенлари билан иммун комплексини ҳосил қиласди, натижада рангли чизиқ ҳосил бўлади.

## МИЛК АТРОФИДАГИ ОИВГА ЭКСПРЕСС-ТЕСТ НАТИЖАЛАРИНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИЗОҲЛАШ МУМКИН?



Агар қурилманинг фақат «С» (ингл. Control – назорат қилиш) қисмида рангли чизиқ пайдо бўлса, демак, ОИВга қарши антитаналар топилмади, яъни ОИВнинг натижаси салбий (3-расм).



Агар С ва Т назорат пунктида иккита чизиқ мавжуд бўлса, демак, ОИВ тестининг натижаси ижобийдир. (4-расм), ҳатто чизиқлардан бири хира ифода этилган бўлса ҳам. Бундай ҳолда, кўшимча қайта тест қилиш керак.



Тест натижаси назорат чизиги ёки натижалар ойнасида ҳар иккала чизиқ бўлмаса, яъни «С» зонаси ёнидаги чизиқ йўқ (ҳатто «т» зонаси ёнидаги чизиқ бўлса ҳам) ёки чизиқлар бўлмаган лойка қизил фон бўлганда нотўғри деб ҳисобланади (5-расм). Бу ҳол эҳтимол, нотўғри кўрсатмаларга риоя қилинган ёки тест бузилган деган маънони англатади. Қайтадан таҳлил қилиш тавсия этилади.

Аниқ натижа олиш учун, тест олиш жараёни бошланишидан камида 15 дақиқа олдин мижоз озиқовқат ва турли ичимликлар истеъмол қилмаслиги тавсия қилинади. Оғиз парваришилаш маҳсулотларини ишлатганда, протседура 30 дақиқадан сўнггина амалга оширилиши тавсия этилади.

## АГАР СЎЛАК ОРҚАЛИ ОИВ ЮҚМАСА, ТЕСТ СЎЛАК ОРҚАЛИ ОИВНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАЙДИ?

Тест сўлақдаги ОИВга қарши антитаналарга жавоб беради. Антитаналар ОИВ инфекциясининг кириб келишига жавобан организмни ишлаб чиқарадиган маҳсус оқсиллардир.

## ОИВГА ТЕСТ НИМА?

ТЕСТ – стандарт Тест тизимлари ёки экспресс-тестлар ёрдамида ОИВ инфекциясининг белгилари (антитаналар ёки нуклеин кислотаси) учун лаборатория текширувидан ўтиш.

## МАСЛАҲАТ БЕРИШ (МАСЛАҲАТ)НИМА?

Маслаҳат (консультация) – бемор ва маслаҳатчи ўртасида маҳфий мулоқот бўлиб, bemorga ёрдам олиш ва хавфли хатти-ҳаракатларнинг пасайиши, ОИВ тестини ўтказиш ва тестдан ўтишнинг мумкин бўлган оқибатлари билан боғлиқ маълумотлардан хабардор қилишга ва масъулиятли қарорлар қабул қилишга ёрдам беради.

Маслаҳат босқичлари қандай?

Маслаҳат босқичлари қүйидагиларни ўз ичига олади: Пре-тест (ОИВ тестиның ўтказышдан олдин) ва пост-тест (ОИВ тестиң натижасини олганидан кейин).

## ОИВ УЧУН ИХТИЁРИЙ МАСЛАҲАТ ВА ТЕСТ НИМА?

ОИВ учун ихтиёрий маслаҳат ва тест – ОИВ тестиның ўтказыш ва ОИВ тестиның ўтказыш билан боғлиқ тиббий, психологияк, ижтимоий ва хуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш бўйича тадбирлар (хизматлар) мажмуи.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ ТАМОЙИЛЛАРИ БОРМИ?

Тестдан олдинги маслаҳат (ТОМ) тамойиллари-маслаҳат ва тест жараёни учун мажбурий минимал талаблар, жумладан:

**1. Ихтиёрийлик.** ОИВ тестиның ўтказыш тўғрисидаги қарорни бемор ҳеч қандай мажбурлашсиз қабул қиласди ва унга розилик беради.

Онгли розилик – оғзаки ва / ёки тест учун оғзаки розилик, мақсад ва тест тартиби, ОИВни юқиш йўллари, ОИВни олдини олиш чора-тадбирлари, шунингдек, ОИВ ҳолатини аниқлаш ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида тушунарли шаклда тестдан олдин маслаҳат олиш ва ундан кейин онгли қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган бемор томонидан берилади. Бемор тестдан ўтишни рад этиши ёки уни белгиланмаган муддатгача ўтмасдан қолдириш хуқуқига эга.

Кўнгиллилик принципи тестга (беморнинг илтимосига биноан) киргизиш ёки ихтиёрий равища чиқариб ташлаш (клиник, эпидемиологик ва ижтимоий кўрсатмалар бўйича тестда, Тест таклифи мутахассис шифокоридан келиб чиқсан ҳолда ва беморда қабул қилиш ёки рад этиш имконияти мавжуд) шаклида амалга оширилиши мумкин.

Тестдан олдинги маслаҳат (ТОМ) тамойиллари-маслаҳат ва тест жараёни учун мажбурий минимал талаблар, жумладан:

**1. Ихтиёрийлик.** ОИВ тестиның ўтказыш тўғрисидаги қарорни бемор ҳеч қандай мажбурлашсиз қабул қиласди ва унга розилик беради.

Онгли розилик – оғзаки ва / ёки тест учун оғзаки розилик, мақсад ва тест тартиби, ОИВни юқиш йўллари, ОИВни олдини олиш чора-тадбирлари, шунингдек, ОИВ ҳолатини аниқлаш ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида тушунарли шаклда тестдан олдин маслаҳат олиш ва ундан кейин онгли қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган бемор томонидан берилади. Бемор тестдан ўтишни рад этиши ёки уни белгиланмаган муддатгача ўтмасдан қолдириш хуқуқига эга.

Кўнгиллилик принципи тестга (беморнинг илтимосига биноан) киргизиш ёки ихтиёрий равища чиқариб ташлаш (клиник, эпидемиологик ва ижтимоий кўрсатмалар бўйича тестда, Тест таклифи мутахассис шифокоридан келиб чиқсан ҳолда ва беморда қабул қилиш ёки рад этиш имконияти мавжуд) шаклида амалга оширилиши мумкин.

**2. Махфийлик.** Тестдан олдинги маслаҳат хизматларини кўрсатиш вақтида маслаҳатчига маълум бўлган маълумот тиббий сирдир. Тиббий сирнинг ошкор қилиниши, шу жумладан, шахсада ОИВ инфекцияси борлиги тўғрисида маълумот бериш қонун хужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Беморнинг илтимосига ва розилиги билан учинчи шахслар (эр-хотин, шериклар, ота-оналар) маслаҳатлашувда иштирок этиши мумкин.

**3. Анонимлик.** Мижознинг илтимосига биноан маслаҳат ва тест аноним тарзда амалга оширилиши мумкин, яни унинг шахсини (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи, иш ёки ўқиш) кўрсатувчи маълумотларини сўрамаган ҳолда. Бундай ҳолда, тест натижаларини айтиш учун Тестдан олдинги маслаҳат ўтишда берилган коддан қўлланилади.

**4. Дискриминациянинг йўқлиги ва тестдан ўтишга қурби етиш.** Тест топшириш ва тиббий хизмат кўрсатишинг жисмоний (ҳар қандай фуқаро, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс, процессуал оғисга эга бўлган ҳар қандай соғлиқни сақлаш муассасасида) ва иқтисодий мавжудлиги (бепул амалга оширилади) таъминланади. Тестдан олдинги маслаҳатлардан фойдаланишни кенгайтириш учун соғлиқни сақлаш ходимлари ҳамда тенгдоош маслаҳатчилар тестдан олдинги маслаҳатни бошқа ташкилотларда ҳам экспресс-тестлар орқали ўтказишлари мумкин(масалан, аноним маслаҳат пунктлари базасида).

**5. Ахборотнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги.** Тақдим этилган маълумотлар маслаҳат мақсадига мос келиши, мижозга тушунарли бўлиши ва тестдан ўтиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун етарли маҳлумотни қўмраб олиши керак, агар керак бўлса, тиббий, психологик, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам хизматлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

**6. Ресурсларни сафарбар қилиш.** Тестдан олдинги хизматларни кўрсатувчи муассасалар репродуктив саломатлик, бошқа сурункали касалликларнинг (шу жумладан сил ва вирусли гепатитнинг) олдини олиш ва даволаш дастурлари, инъекцион гиёхвандликдаги зарарни камайтириш дастурлари, бошқа турдаги хавф гурухлари ва заиф контингентлар билан ишлаш бўйича дастурлар, шу жумладан кўнгиллилар ва тенгдоош маслаҳатчини жалб этган ҳолда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қиласи. Тестдан олдинги маслаҳат хизматларини кўрсатиш вақтида маслаҳатчига маълум бўлган маълумот тиббий сирдир. Тиббий сирнинг ошкор қилиниши, шу жумладан, шахсда ОИВ инфекцияси борлиги тўғрисида маълумот бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Беморнинг илтимосига ва розилиги билан учинчи шахслар (эр-хотин, шериклар, ота-оналар) маслаҳатлашувда иштирок этиши мумкин.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ МАҚСАДИ?

Тестдан олдинги маслаҳатнинг мақсади ОИВ инфекциясини аниқлашда хавфли хатти-ҳаракатни камайтириш, ОИВ ҳолатини аниқлаш ва натижа ижобий бўлган тақдирда, ўз вақтида ёрдам беришга қаратилган маслаҳат ёрдамини тақдим этишdir.

Тестдан олдинги маслаҳат ОИВ инфекциясини олдини олиш дастурлари ва ОИВ (ОБЯШ) билан яшаётган шахсларни даволаш ва қўллаб-қувватлаш дастурларининг муҳим таркибий қисмидir.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ҚАНДАЙ?

1. ОИВ инфекциясининг тарқалишини олдини олиш, ОИВ инфекциясини юқтириш йўллари ва мавжуд профилактика чоралари ҳақида маълумот бериш, инфекциянинг индивидуал хавфини баҳолаш ва bemorni камроқ хавфли хатти-ҳаракатларга ўтказишга ёрдам беради.
2. ОИВ ҳолатини аниқлаш, bemorni OIBga ихтиёрий равишда тест топширишга йўналтириш, тест жараёни билан танишириш ва тест натижаларидан хабардор қиласи.
3. Янги аниқланган ОИВ инфекцияси бўлган bemorlarни келгусида тиббий кўриқдан ўтказиш ва даволашга ўз вақтида йўналтириш, натижада уларнинг умр кўриш давомийлиги ва ҳаёт сифатини ошириб, аҳоли саломатлиги ва умуман демографик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатиш.
4. Руҳан қўллаб-қувватлаш.
5. ОИВ инфекцияси билан боғлиқ ижтимоий ва ҳуқуқий масалалар бўйича маълумот бериш.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Маслаҳат қуидаги тартибда амалга оширилади:

1. Саломлашиш ва махфийликни кафолатлаш.
2. Мижознинг эҳтиёжларини (муаммоларини) ва унинг дастлабки хабардорлик даражасини аниқлаштириш.
3. Мавзу ва ёрдам бериш манбалари ҳақида хабардор қилиш (ҳақиқий алтернативларни танлаш, ҳаракат режасини тузиш, хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришига турткি бериш), уни муҳокама қилиш ва bemorning саволларига жавоб бериш.
4. Маслаҳатни яқунлаш ва кейинги учрашув учун мотивацияни яратиш.

## МАСЛАҲАТ ҚАНЧА ДАВОМ ЭТИШИ КЕРАК?

Маслаҳатлашув давомийлиги турлича бўлиши мумкин, у ишончли муносабатларни ўрнатиш, bemorning дастлабки хабардорлиги даражаси ва унинг психологик муаммоларини ҳал қилиш тезлиги билан белгиланади.

Маслаҳат бир вақтнинг ўзида bemor томонидан муайян қарор қабул қилиш билан яқунланиши шарт эмас.

## МИЖОЗНИНГ ЭҲТИЁЖЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЁКИ МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ МУМКИН?

Bemorning эҳтиёжлари, одатда, тест жараёнинга бевосита алоқадор бўлмаган муҳим масалаларни муҳокама қилишни ўз ичига олади: муносабатларни (жинсий, оиласвий, ишдаги) сақлаб қолишга ҳаракат қилиш, касалликни сир тутиш ва кимларга ошкор қилишни ўйлаш (кимга айтиш ва қандай айтиш кераклиги), якааланиб қолиш ва камситилишдан кўрқиш туйғулари, ташхисни қабул қилмаслик, (тажовуз, айбордорлик ҳисси, ҳал қилишнинг осон йўлларини қидириш, депрессия), репродуктив саломатлик масалаларини ўйлаш (шерикни қандай ҳимоя қилиш, соғлом болага эга бўлиш имконияти), келасида ўз соғлиғининг ўзгаришидан кўрқиш, ўлим қўркуви.

Маслаҳатнинг ҳар бир босқичида bemor томонидан муҳокама қилинган масалаларни тушуниш ва уни психо-эмоционал қўллаб-қувватлаш зарур ва ҳк.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИ ҚАНДАЙ ВАКОЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК?

Маслаҳатчи ваколатлари: bemorning бошланғич ва чегараланган ахборотга эга эканини ҳисобга олиб, уни янги ахборотлар билан ҳаддан ташқари қийнаб қўймаслик, унга ўз ҳис-туйғулари ва эҳтиёжларини ифодалашини рағбатлантириш, шунингдек, «мен билмайман» деб айта олиш ва ёрдам беришда имкониятларнинг чегараланганини тушуниш, bemorning қарор қабул қилиши учун масъулиятни ўз зиммасига олишга ҳаракат қилмаслик, bemorning гапларини ва хулқини ўз ҳисобига қабул қилмаслик, шунингдек, унинг атрофида қўллаб-қувватлаш ресурсларини ўрнатиш. Bemorni муҳокама қилишдан, асоссиз тинчлантиришга уриниш ва оптимизм билан рухлантиришдан, хушомад қилиш ва ёлғондан фойдаланишдан, шунингдек, патерналистик (ўз маҳофазасига олиш) ҳаракатлардан (йўл-йўриқ кўрсатиш, қарор қабул қилишдан қочишга йўл бериб қўйиш, консультантга қарамликни ошириш) четда бўлиш муҳимдир.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ ОЛИШ НЕГА КЕРАК?

Тестдан Олдинги Маслаҳат:

- мижозга инфекциянинг шахсий хавфини баҳолашга ёрдам бериш;
- ОИВ инфекциясининг олдини олиш масалаларини ёритиб бериш ва мижозни хавфи камроқ хатти-ҳаракатларга ўтишга кўмаклашиш;
- мижозни тест жараёни ва мумкин бўлган тест натижалари (салбий, ижобий, ноаник) га тайёрлаш;
- мижозга тестдан ўтишнинг мумкин бўлган тиббий, ижтимоий-психологик ва ҳукукий оқибатларини тушунтириш;
- мижозга тестдан ўтиш тўғрисида онгли қарор қабул қилишига ёрдам бериш;
- психо-ҳиссий қўллаб-қувватлаш.

## ГУРУҲЛАР УЧУН ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ БЕРИШ МУМКИНМИ?

Тестдан олдинги маслаҳат алоҳида (индвидуал маслаҳат) ёки бир гурӯҳ шахслар учун (гурӯҳ бўйича маслаҳат) амалга оширилиши мумкин. Агар ОИВ ҳолатини аниқлаш тадқиқотнинг асосий мақсади бўлмаса (масалан, ҳомиладор аёлларни мунтазам равишда текширишда, ОИВ ҳолати тўғрисидаги гувоҳномани олиш учун текширишда, донорларни текширишда) гурӯҳ бўлиб маслаҳат олиш мумкин. Гурӯҳга киритилган bemorlarning сони 20 кишидан ошмаслиги керак. Гурӯҳ қилиб маслаҳат берилганда индвидуал инфекция хавфини баҳолаш, шунингдек, bemorlarning маҳсус эҳтиёjlари билан ишлаш ва тест оқибатларини индвидул баҳолаш мумкин эмас, шунинг учун гурӯҳ бўлиб маслаҳат олингандан сўнг, ҳар бир bemorga кейинги маслаҳат индвидуал тарзда олинишини таклиф этиш керак.

Кўнгиллилик мезони тест топшириш ва маслаҳат учун ҳам амал қиласди. Тестдан олдинги маслаҳатни олишдан воз кечиши ОИВ тестидан ўтиши учун таъсир кўрсатмаслиги керак. Тестдан олдинги маслаҳатни олишни рад этиш bemorрга керак бўлган бошқа хизматларни олишига тўскىнлик қилмаслиги керак.

## ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ СТАНДАРТ МАЗМУНИ НИМАДА?

*Кириши*

- Мижоз билан танишиш.
- Махфийлик тамойилини тушунтириш, аноним маслаҳат ва тестдан ўтиш имконияти ҳақида маълумот бериш.
- ТОМ босқичларини белгилаш (тестдан олдинги маслаҳат, тест, тестдан кейинги маслаҳат) ва ушбу маслаҳатнинг мақсади.
- Тест жараёнини ҳамда салбий, ижобий ва ноаник натижаларнинг қийматини тушунтириш.
- ОИВ инфекциясининг ИНДВИДУАЛ хавфини баҳолаш (шахсий маслаҳат билан)
- Мижознингнинг мурожаати сабабларини баҳолаш (унинг ташвиши сабаблари ва инфекция юқишининг хавфи).
- Репродуктив хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ хавфни баҳолаш, охирги хавфли хатти-ҳаракатларнинг ҳолатини таҳлил қилиш, №2 маҳсулотни ишлатиш учун мотивация мавжудлигини аниқлаш.
- Кўшимча хавф омилларини аниқлаш (психоактив моддалар ва спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, мукофот учун жинсий алоқалар амалиёти, сил касаллиги ёки жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар мавжудлиги).
- Жуфтининг инфекцияси хавфини баҳолаш, жуфти билан муносабатларнинг очиқлигини баҳолаш.

- Мижоз билан биргалиқда ОИВ инфекциясининг индивидуал хавфини мұхокама қилиш.
- ОИВ инфекциясига үз хавфини бақолаш учун беморни хабардор қилиш (гурұх маслағати ўтказилганда)
- ОИВни юқиш йүллари, ОИВ инфекциясини юқишида хүлк-авторнинг хавфи ва олдини олиш имкониятлари ҳақида маълумот бериш (беморларнинг үзига хослигини ҳисобга олган ҳолда яғни донорлар, ҳомиладор аёллар, маҳбуслар бўлганда).
- Ўзининг ва шериларининг (партнер) хавф омиллари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир кишига үз индивидуал хавфини бақолашни таклиф қилиш.
- Индивидуал маслағат олишни хоҳлайдиганларни таклиф қилиш.
- Бошқа турдаги ёрдам турлари: ОИВ инфекцияси ҳақида маълумот бериш ҳизмати, психо-ижтимоий ёрдам ва тиббий ёрдам олиш имкониятларининг манбалари ҳақида маълумот бериш.
- Инфекция хавфини камайтириш йүлларини мұхокама қилиш
- Хавфли хатти-харакатни камайтиришга қаратилған аввалги уринишларни кўриб чиқиш, bemorning хавфсиз хатти-харакатлар қоидаларига риоя қилишдаги муваффақиятларини ва мавжуд тўсиқларини мұхокама қилиш.
- Мижоз учун инфекция хавфини камайтириш имкониятларини аниклаш; ўзини хавф даражаси тўғрисидаги тасаввурини, унинг инфекциядан ҳимоя қилиш ва хавфли хатти-харакатни саклаб қолиш истагига мос келмагандаги пайтга эътиборни жалб қилиш ва мұхокама қилиш .
- Мижознинг дўстлари ва жуфти билан инфекция хавфини мұхокама қилишдаги қобилиятини аниклаш; рол ўйнаш ўйинлари (агар керак бўлса); №2 маҳсулотни тўғри ишлатиш, ҳамкорига №2 маҳсулотни ишлатиш ёки ОИВга тестдан ўтишни маслағат беришга тайёргарлик.
- Мижоз ОИВ билан касалланган бўлса, bemorga ёрдам берадиган шахсларни аниклаш.
- Кўшимча ёрдам зарурлигини аниклаш ва унга эга бўлиш имкониятларини белгилаш.
- Тестдан ўтиш тўғрисида қарор қабул қилишга кўмаклашиш.
- Тест натижасини билгач рўй берган хатти-харакатни тестдан аввалги тажриба ва хатти-харакатлардаги ўзгаришлар билан солишириш ва кўриб чиқиш.
- Тестдан ўтишдан олдин мижоз ҳис қилган туйғуларини мұхокама қилиш.
- Мижознинг тестни ижобий ва салбий натижасини қандай тушунишини аниклаш. Тестнинг ижобий натижасини оладиган бўлса, унинг тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий оқибатларини мұхокама қилиш: ижобий натижка олган тақдирда bemorning кейинги ҳаётини тасаввур қилиш, юзага келадиан қийинчилклар ва салбий оқибатларни бақолаш, ўзининг ОИВ ҳолатини билишнинг афзалликларини аниклаш.
- Мижознинг тестга тайёрлигини ва тест натижасини қабул қилишини бақолаш.
- Тестдан ўтишга таклиф қилиш.
- Саволларга жавоб бериш.
- Мижозни келгусидаги ҳамкорликни давом эттиришга ишонтириш ва кейинги ташрифнинг санасини белгилаш.

## ТЕСТНИНГ МАНФИЙ НАТИЖАСИ БИЛАН ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

Тестнинг салбий натижаси бўйича тестдан кейинги маслаҳатнинг мақсади беморга тест натижаларини етказиш, натижанинг аҳамиятини муҳокама қилиш ва беморни ОИВ инфекциясини юқишини олдини олиш учун кам хавфли хатти-ҳаракатларга ундашdir.

### **Тест манфий бўлганда тестдан кейинги маслаҳат нега ўтказилади?**

Тестнинг натижаси манфий бўлганда тестдан кейинги маслаҳат қилиш қўйдагиларга имкон яратади:

- bemorga test natiжasini oshkor etish, natiжaning aҳamияtinini muҳokama қiliш va maъlum muddatdan sўng qайta tekshiruvdan ўtiш kerakligini (serologik oйna davrini ҳisobga olgan ҳolda) tushuntiриш;
- kelajakaда OИBning manfий ҳolatini saқlab қoliш учун xavfli xatti-ҳaракatlardan uzokrok bўliш usullarini muҳokama қiliш;
- psicho-ҳissiy қўllab-қувватlash.

## ТЕСТНИНГ МАНФИЙ НАТИЖАСИ БИЛАН ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ СТАНДАРТ МАЗМУНИ НИМАДА?

### **Test natiжasи ҳaқida xabarдор этиш**

- Mijozga natiжaning tayёrligini etkaziш va aniq natiжani aйтиш.
- Manfий test natiжasini nimmani anglatiшини tushuntiриш, mijozning maъlumatni қabul қiliшини kutiш va mijoz uni тўғri tushunganligiga iшонч ҳosil қiliш.
- Mijozning test natiжasidan keйingi ҳolatini kuzatiш (natiжani oлиш bilan boғlik bemorning ҳis-tuyғularini biliб oлинг).
- Serologik oйnada mijozni topish imkoniyatini ҳisobga olgan ҳolda manfий natiжaning aҳamияtinini taхlil қiliш.
- Xavfli xulқ-atvorni ўзgartirmaslik, kelajakaда OИB bilan kasallaniшga olib keliшидан taшвишlaniшni bildiriш.
- Kelajakaда OИB salbий maқomini saқlab қoliш учун xavfli xatti-ҳaракatlarни ўзgartiriш imkoniyatlarini muҳokama қiliш
- Mijozning xulқ-atvorini va OИB infekцияsining юқishi mumkin bўлган xavf omillarini anikлаш;
- Mijozning xavfli xatti-ҳaракatlarini kamaitiriш istagi va imkoniyatlarini muҳokama қiliш.
- Xatti-ҳaракatlarдagi ўзgariшlarغا эришиш учун aniq bosқichma-bosқich режани iшlab чиқish; ҳар bir bosқichni amalga oширишda mumkin bўлган muammolarni anikлаш.
- Rol ўйнаш ўйinлari (agar kerak bўlsa); жуфтiga №2 (ҳимоя vositalari) maҳsulotni қандай iшlatishni taklif қiliшni muҳokama қiliш.
- Xulқ-atvorni ўзgartiriш режаси mijoz учун қulай эканligi va uni қabul қilganligiga iшонч ҳosil қiliш.

### **Қўшимча қўллаб-қувватлаш манбаларини яратиш**

- Ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартириш режасини, ишончли шахс (дўст / қариндош) билан муҳокама қилиш ва ушбу шахсларнинг доирасини аниқлаш муҳимлигини таъкидлаш.
- Тиббий ва психо-ижтимоий ёрдамнинг қўшимча ресурслари ҳақида маълумот бериш (масалан, инъекцион гиёхвандлик истеъмолидан зарарни камайтириш дастурлари, №2 ҳақида хабардорлик дастури).
- Жуфтига манфий тест натижаларини етказиш ва у билан муносабатларни кўриб чиқиш.
- ОИВ статусини жуфтига (ёки жуфтларига) етказишда беморнинг ҳолатини аниқлаш.
- Тестдан ўтиш тўғрисидаги таклифига жуфтининг муносабатини муҳокама қилиш.
- Ролга кириш ўйинлари (агар керак бўлса): жуфтига тест натижасини қандай етказиш ва уни тестдан олдинги маслаҳатни олишга қандай таклиф қилиш кераклиги тўғрисидаги ўйинлар.

### **Ниҳоясига етказиши**

- Агар хавф-хатарли хатти-ҳаракатлар мавжуд бўлса (ва «серологик ойнада» бўлиш мумкин бўлса), мижозни яна тестдан ўтишини таклиф қилиш.
- Ҳамкорлик ниҳоясига етганини мижозга билдириш ва яна ёрдам ҳамда қўллаб-қувватлаш керак бўлса, ҳамкорликни давом эттириш ва қайта ишлаш учун мурожаат қилиши мумкинлигини мижозга билдириш.

## **ТЕСТ МУСБАТ НАТИЖАСИ БИЛАН ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ МАҚСАДИ НИМА?**

- Тест мусбат натижага эга бўлганда, тестдан кейинги маслаҳатнинг мақсади беморга тест натижасини етказиш, натижанинг аҳамиятини муҳокама қилиш ва ташхисни қабул қилишда ёрдам бериш, беморга зарур бўлган тиббий, ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам олишга йўналтириш.
- Маслаҳатнинг бирламчи натижаси – тиббий ёрдам кўрсатиш учун бошланғич нуктани белгилаш; беморни ўз муаммоси билан ёлғиз қолмаслигига ишонтириш ва кейинги маслаҳатларга қатнашга ундашdir.

Тест мусбат натижали бўлганда тестдан кейинги маслаҳат қўйдагича олиб борилади:

- беморга олинган тест натижасини айтиш, натижанинг аҳамиятини муҳокама қилиш;
- беморни психо-эмоционал қўллаб-қувватлаш, ижобий фикрлашга рағбатлантириш ва ташхисни қабул қилишда ёрдам бериш;
- беморни ОИВ инфекцияси ҳақида хабардор қилиш, унга кейинги тиббий ёрдам режасини таклиф қилиш ва уни ҳамкорликни давом эттиришга ишонтириш;
- беморни ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам ва қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳақида хабардор қилиш;
- бошқа шахсларга (шу жумладан жуфт(лар)ига) инфекцияни юқишини олдини олиш мақсадида хавфсиз хатти-ҳаракатлар имкониятларини муҳокама қилиш;
- беморнинг яқин атрофидагилари ичидан психо-эмоционал қўллаб-қувватловчиларни излаш ва уларни баҳолаш, вазиятни ошкор қилиш масаласини муҳокама қилиш;
- bemorni kейinги ҳамkorlikka ҳам undash.
- ОИВ инфекцияси юқиши мумкин бўлган эҳтимол омилини аниқлаш, тестдан кейинги маслаҳатнинг вазифаси эмас, чунки у психо-эмоционал қўллаб-қувватлаш ва маслаҳатчи билан самаралироқ ҳамкорлик қилиш учун ишонч шакланишига тўскинлик қилиши мумкин; ушбу маълумотларни тўплаш, тестдан олдинги маслаҳат беришда амалга оширилиши керак.

Беморни бошқа шахсларни ОИВ билан касалланиш хавфигадучор қилиш тестдан кейинги маслаха॑тлар вазифасига кирмайды, чунки бу ҳолат bemорни психоэмоционал қўллаб-қувватлашга ҳалал бериши ва кейинги бўладиган маслаха॑тларга келишидаги мотивациясини тшириб юбориши мумкин. Аксинча бу ҳақда bemорни тестдан олдинги маслаха॑тда огохлантириш ва касалликни қасддан юқтирган ҳолда бу учун жиноий жавобгарликка тотилиши тўғрисида хабардор қилиш керак.

## ТЕСТ МУСБАТ НАТИЖАЛИ БЎЛГАНДА, ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАХАТНИНГ СТАНДАРТ МАЗМУНИ НИМА?

### *Тест натижаси ҳақида хабардор этиши*

- Мижозга натижанинг тайёrlигини етказиш ва аниқ натижани айтиш.
- Тестнинг мусбат натижаси танада ОИВ инфекцияси борлигини билдиришини, (аммо бу ОИТС касаллиги ёки бошқа соғлиқ муаммоларини кўрсатмасилини) тушунтириш.
- Беморнинг тест натижасига бўлган реакциясини қабул қилиш ва психологияк ёрдам кўрсатиш (натижани тушуниш учун вақт бериш, bemорнинг ҳиссий реакциясини қабул қилиш, bemорнинг ҳис-туйғуларини очиқ саволлар ёрдамида ўрганиш).
- Беморнинг мусбат натижани тушунгани ва натижани аҳамиятини тўғри талқин этаётганилигига ишонч ҳосил қилиш.

### *Мусбат натижажа билан боғлиқ муаммоларни тушуниш ва ружан қўллаб қувватлаш*

- Маслаҳатчини ушбу вазиятда иштирок этишини ҳохлашини, вазиятга мослашиши bemорга вақт кераклигини ҳамда вақт ўтиши билан bemор ОИВ билан яшаши ўрганишини унга тушунтириш.
- Беморни ҳозир қўллаб-қувватлайдиган шахс бор-йўқлигини аниқлаш.
- Беморга антиретровирус терапиясини олиш имконияти мавжудлигини маълум қилиш, бу эса ОИВ инфекциясининг прогрессив йўналишини сурункали ҳолатга ўтказиши, иммунитетни тиклаши, шу билан ҳаётни узайтириши ва ОИВ билан касалланган одамнинг ҳаёт сифатини оширишга имкон бериши ҳақида хабардор қилиш.
- Агар bemор сухбатни давом эттиришга тайёр бўлмаса, уни қайта маслаҳатлашиш ва унга тегишли ахборот материалларини тақдим этишингизни таклиф қилиш.
- Агар bemор маслаатни давом эттириш истагини билдиrsa (қўйида кенгроқ кўриб чиқинг), ОИВ билан ҳаёт кечиришни, шахсий ҳаёт, оилавий ва ижтимоий муносабатларнинг ўзига хослигини муҳокама қилиш.

### *Қўллаб-қувватлаш манбаларини белгилаш ва bemорни тегишили ташкилотларга юбориши.*

- ОИВ билан ҳаётга мослашиш жараёнида bemор қайси дўст ва қариндошларнинг қўллаб-қувватлашига таяниши мумкинлигини аниқлаш.
- Беморнинг тиббий ва психо-ижтимоий ёрдам олиш учун тайёrlигини баҳолаш.
- Беморнинг тиббий ёрдам олиш имкониятларини аниқлаш (репродуктив саломатлик ва оилани режалаштириш, сил касаллиги ва бошқа шароитлар ҳақида маслаҳат олиш учун ҳозирда қайси муассасаларга мурожаат қилиш керак); ҳомиладорлик ҳолатларида ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш ва ушбу тадбирларни аёллар маслаҳати ва юқумли касаллик бўйича мутахассис билан ташкил этиш имкониятларини белгилаш.

- Беморнинг касаллигининг сир тутилиши ҳақида истак билдирганда, фойдали хатти-ҳаракатни танлашга ёрдам берадиган вазиятларни мұхокама қилиш; тиббий ёрдам учун мурожаат қылғанда ОИВ ҳолатини очиш зарурлигини белгилаш ва бунинг мақсади нафақат тиббий ходимларни мавжуд бўлган инфекциядан ҳимоя қилиш, балки шифокорнинг bemor соғлиғи ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиши ва тўғри терапевтик қарорлар қабул қилишига эришиши тушунириш.
- Оила ва жамиятда хавфли хатти-ҳаракатларни камайтириш учун шахсий режани ишлаб чиқиш (жумладан, №2 маҳсулотни ишлатиш, тиш чўткаларини, соч ва маникюр аксессуарларини, шунингдек, ҳўқналар, инъекция, татуировка учун игналар каби тиббий асбоб-ускуналардан биргалиқда фойдаланмаслик); ОИВни кундалик ҳаётда юқиш хавфи йўқлигини тушунириш.
- ОИВ мусбат бўлганда унинг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида хабардор қилиш (ОИВ билан касалланган bemorни ва унинг оила аъзоларини ҳуқуқи ва эркинликларини сақланишини ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини кафолатлаш, bemornинг қон, тўқима ва органлар донори бўлиш имконияти йўқлиги, бошқаларни ОИВ билан касалланиш хавфига дучор қилиш учун жавобгарлик мавжудлиги).
- Қўшимча ёрдам ресурслари (масалан, ОИВ билан касалланган ўзаро ёрдам гурухлари, психологияк ёрдам хизматлари, ижтимоий хизматлар, инъекцион гиёхвандликдан зарарни камайтириш дастурлари) ҳақида маълумот бериш.
- ОИВ билан яшаш ҳақидаги аҳборот материалларни ва bemorga керакли ёрдамни олиши мумкин бўлган ташкилотларнинг алоқа контактларини тақдим этиш.
- Ушбу маслаҳат тугаганидан кейин bemor нима қилишини режалаштираётганини аниқлаш; агар керак бўлса, психологга мурожаат қилишини тавсия этиш.

**Жуфтига мусбат тест натижалари ҳақида хабар беришида ёрдам бериш ва у билан муносабатларни тўғрилашга кўмаклашиш.**

- Беморнинг ОИВ мусбат ҳолатини жуфтига (жуфтларига) таъсири ҳақида хабар бериши ҳақидаги ҳавотирларини аниқлаш.
- Инфекция юқиш хавфи бўлган ва бу хавф ҳақида хабардор бўлиши керак бўлган жуфтларни аниқлаш.
- ОИВ мусбат ҳолатини ошкор қилишда мумкин бўлган ёндашувларни мұхокама қилиш. Жуфтини тестдан олдинги маслаҳатга йўллаш ва унинг тест топшириш ҳақидаги вазиятга тахминий реакциясини мұхокама қилиш.
- Ролга кириш ўйинлари (агар керак бўлса): жуфтига тест натижасини қандай етказиш ва уни тестдан олдинги маслаҳатни олишини қандай таклиф қилиш кераклиги тўғрисидаги ўйинлар.

**Ниҳоясига етказиши**

- Беморнинг саволларига жавоб бериш.
- Бемор билан кейинги ҳамкорлик режасини белгилаш.

**ТЕСТНИНГ НАТИЖАСИ НОАНИҚ БЎЛГАНДА ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТ БЕРИШДАН МАҚСАД НИМА?**

Тестнинг натижаси ноаниқ (шубҳали) бўлганда тестдан кейинги маслаҳат беришдан мақсад bemorga тест натижасини етказиш, натижанинг маъносини мұхокама қилиш ва қайта текширувдан ўтиш кераклигидан хабардор қилиш.

Тестнинг ноаниқ натижаси билан тестдан кейинги маслаҳат қўйидагича ўтади:

- мижозни тест натижасидан хабардор қилиш, натижанинг аҳамиятини ва қайта текшириш зарурлигини муҳокама қилиш;
- келажакда ОИВ манфий ҳолатни сақлаб қолиш учун инфекция юқиши кам бўлган хавфли хатти-ҳаракатлар усулларини муҳокама қилиш;
- психо-ҳиссий қўллаб-қувватлаш;
- мижозни кейинги ҳамкорликка ундаш.

## ТЕСТНИНГ НОАНИҚ НАТИЖАСИ БИЛАН ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИ ЎТКАЗИШНИ СТАНДАРТ МАЗМУНИ НИМАДА?

### *Тест натижаси ҳақида хабардор этиши*

- Мижозга натижанинг тайёрлигини етказиш ва аниқ натижани айтиш.
- Тестнинг ноаниқ (шубҳали) натижаси мижозда ОИВ инфекцияси мавжуд ёки йўқлиги ҳақида маълумот бермайди ва қайта таҳлил ўтказишни талаб қиласди. Мижознинг тест натижасини қабул қилганинги (натижани олиш билан боғлиқ bemorning ҳис-туйғулари ва кечинмаларини билиб олинг) ва уни тўғри тушунганинги ишонч ҳосил қилиш.
- Тестнинг ноаниқ бўлишига бошқа касалликларн мавжудлиги бошқа инсон бошқа ҳолатдалиги (ҳомиладорлик, ревматик касалликлар, жигар ёки буйрак функцияси бузилиши, ўсимталар, эмлашдан кейинги ҳолат, қон куйиш ва бошқалар) ва ёки мижоз «серологик ойна» даврида эканлигини (ОИВ инфекцияси билан заарлангандан бошлаб, қонда антитаначаларнинг пайдо бўлиши учун 1-6 ой мухлат ўтиш даври) тушунтириш.
- Мижознинг анамнезида инфекция юқиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд бўлганда, мижозни ўткир ОИВ инфекцияси даврида кузатиладиган белгилар (гриппга ўхшаш ёки мононуклеозга ўхшаш синдромларнинг намоён бўлиши) билан таништириш ва улар пайдо бўлса, хабардор қилиш зарурлиги ҳақида тушунтириш.

### *Тестни қайта топширишини таклиф қилиш*

Ҳаётини ишончли тарзда режалаштиришда ОИВ мавжуд ёки йўқлигини билиш учун тестининг якуний натижаси зарурлигини тушунтириш.

### *Қайта Тестдан ўтишини таклиф этиши.*

- Агар bemor рад этса, босим ўтказилмаслик ёки қўрқитилмаслик керак, ammo тестни ҳар қандай вақтда қайта ўтказиш имкониятини англашиб.

### *Тұгатиши*

- Беморнинг саволларига жавоб бериш.
- Бемор билан кейинги ҳамкорлик режасини белгилаш.

## ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА МАСЛАҲАТ БЕРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?

### *Мақсадлы гурухнинг ўзига хослиги.*

Ҳомиладор аёлни ОИВ учун тестдан ўтказишнинг асосий мақсади, ҳомиладор аёлда ОИВ аниқланса, онадан болага ОИВ инфекцияси юқишини олдини олиш ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирларни амалга оширишdir.

Ҳомиладор аёлнинг тестдан ўтиши ихтиёрий асосда олиб борилсада, унга тестдан ўтишнинг ижобий ва салбий томонлари тушунтирилади. Тестдан ўтишдан бош тортса бу ҳолат хужжатлаштирилади, лекин тестдан олдинги маслаҳат ўтказилгандан кейин аёллар тестдан ўтишга розилик билдиради. Юқори даражада ўтказилган тестдан олдинги маслаҳат, тест топширишдан воз кечиш эҳтимолини бутунлай йўқقا чиқаради.

### **Қўшимча эҳтиёжлар.**

- Ҳомиладор аёлда ОИВ инфекциясининг шахсий хавф омилларини аниқлаш, ҳомиладорлик даврида ОИВ инфекциясини юқиш хавфи мавжуд ҳатти-ҳаракатларни муҳокама қилиш, ҳомиладорда ОИВ аниқланганда бошқа ёрдам турлари ҳақида маълумот бериш.
- Тестдан олдинги маслаҳатни гуруҳ бўлиб олсада (туғилишга психопрофилактик тайёргарлик курси доирасида) кейинчалик индивидуал маслаҳат олиши зарур.

## **ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ ТАРКИБИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?**

Аёлни ОИВ тести ҳомиладорлик даврида ўтказиладиган мунтазам текширувлар тўпламининг ажралмас қисми эканлигидан тўғри хабардор қилиш керак.

ОИВ инфекциясини аниқлашда ҳомиладор аёл ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича тадбирларни амалга ошириш орқали туғилмаган боланинг соғлиғини ҳимоя қилиши учун юқори самарали имкониятга эга эканлигини таъкидлаб, ОИВ статусини билишнинг афзаликларини тушунтириш (20-40% дан <2% гача юқиш хавфини камайтириш).

Ҳомиладорлик, туғиши ва эмизиш вақтида ОИВни онадан болага юқиши ҳолатларини ёритиб бериш. ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг мазмуни: ҳомиладор аёлнинг антиретровирус препаратларини (APB) қабул қилиш, туғиши йўлини танлаш, эмизмаслик, янги туғилган чақалоқга APBни бериш ҳақида маълумот бериш.

Ҳомиладор аёлда ОИВ инфекциясининг юқиши учун хавф омиллари мавжудлигини, ҳомиладорлик даврида хавфли ҳатти-ҳаракатларни камайтиришни (инъекцион гиёҳванд моддаларни қабул қилиш, ҳимояланмаган жинсий алоқалар) муҳокама қилиш.

Тестдан ўтишининг ижобий ва салбий оқибатларини муҳокама қилиш. Ҳомиладор аёлнинг тестдан ўтиш ҳақидаги хавотирларини аниқлаш. Ҳомиладор аёлнинг мусбат ОИВ статусини аниқлашда оиласда ва яқин атрофида қўллаб – қувватловчиларнинг борлигини аниқлаш.

ОИВга тест топширишнинг тартибини ва тест натижаларининг аҳамиятини (ижобий, салбий, ноаниқ) тушунтириш.

Агар ҳомиладор аёл тестдан ўтишни рад этса, уни келажакда унга қулай бўлган ҳар қандай вактда тестдан ўтиш ва ҳомиладор аёлни қайта маслаҳатлашишга таклиф қилиш имконияти ҳақида хабардор қилиш.

## **ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА МАНФИЙ НАТИЖА БЎЛГАНДА ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?**

ОИВ тестининг манфий натижасини олгач, ҳомиладор аёлга ҳомиладорлик даврида ОИВ инфекциясини онадан болага юқиш хавфи юқори бўлиши ва туғилмаган боланинг ўзига, унинг аҳволига ва соғлиғига нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини тушунтириши керак.

Ҳомиладорлик даврида хавфли ҳатти-ҳаракатни (инъекция орқали гиёҳванд моддаларни қабул қилиш, ҳимояланмаган жинсий алоқалар, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш) камайтиришга ундаш.

## **ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА МУСБАТ НАТИЖА БЎЛГАНДА ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?**

ОИВ тестининг мусбат натижасини ифодалашда ҳомиладор аёлни психо-эмоционал қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиш, ҳамкорликни давом эттириш ва оиласда, яқинлари ичидаги қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган манбаларини муҳокама қилиш керак.

Ҳомиладорлик, туғиши ва эмизиши вақтида ОИВни онадан болага юқиши масалаларини тушинтириш.

ОИВ инфекциясининг юқишини олдини олиш самарадорлигини (20-40% дан <2% гача юқиши хавфини камайтириш) ва ушбу тадбирларнинг мазмуни ҳақида ҳомиладор аёлнинг антиретровирус препаратларини қабул қилиши, туғиши йўлуни танлаш, эмизмаслик, янги туғилган чақалоқларга АРВ бериш ҳақида маълумот берниш.

Инфекционист ва акушер-гинекологнинг кузатув тартибини, текширувлардан ўтиш кетма-кетлигини, АРВни олиш ва қабул қилиш тартибини тушунтириш.

Ҳомиладор аёлга АРВни қабул қилишда ёрдам бериши мумкин бўлган нарсаларни муҳокама қилиш. ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича босма шаклда ахборот маълумотларини (агар мавжуд бўлса) тақдим этиш.

Жуфтини ОИВга текшириш имкониятини муҳокама қилиш ва/ёки ҳомиладор аёлни унинг жуфти билан биргалиқда маслаҳатлашиш.

Ҳомиладор аёлни узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга ундаш, кейинги учрашувлар режасини тузиш.

## **ЖУФТЛИКЛАР (ШЕРИКЛАР) БИЛАН МАСЛАҲАТ БЕРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА?**

**Мақсадли гуруҳнинг ўзига хослиги:**

**Номаълум ОИВ ҳолати бўлган жуфтликлар** (номаълум ОИВ ҳолати билан доимий жинсий шериклар, турмуш қуриш ёки фарзанд кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш мақсадида текширилади);

**Дискордант жуфтликлар** (доимий жинсий шериклар, улардан бири ОИВ билан касалланган, иккинчиси эса йўқ).

ДСТ жуфтликларнинг ҳар иккаласи маслаҳатлашув ва тест натижаларини қабул қилишга рози бўлгандгина биргалиқда амалга оширилади.

Қўшимча эҳтиёжлар маслаҳатлашув давомида ишончли муҳитини сақлаб қолиш, инфекция юқиши мумкин бўлган хавфли омилларини аниқлаш, ОИВ инфекциясини олдини олиш ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича маслаҳат беришдан иборат.

## **ЖУФТЛИКЛАРНИ ТЕСТДАН ОЛДИН МАСЛАҲАТ ОЛИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ НИМАДА?**

Маслаҳатлашувнинг биргалиқда ўтиши ва тест натижаларини олиш учун жуфтликтининг розилигини олиш зарур. Маслаҳатлашув давомида жуфтликларнинг бир-бирига бўлган ишонч даражасини баҳолаш; муҳокама қилинаётган масалалар доираси фақат улар томонидан тўлиқ белгиланишини билдириш.

Жуфтлик учун энг муҳим репродуктив саломатлик масалаларини аниқлаш, ОИВ тести бўйича қабул қилинган қарорнинг мотивациясини аниқлаштириш.

Шахсий хавфларни баҳолаш ва ҳар бир шерикнинг потенциал инфекция юқиши мумкин бўлган (жуфтлик жинсий алоқаларида №2 (сақланиш) маҳсулотларини ишлатиш, тасодифий шериклар билан ҳимояланмаган жинсий алоқалар мавжудлиги ёки мукофот эвазига жинсий алоқа қилиш, инъекция орқали гиёхванд моддаларни қабул қилиш) манбаларини аниқлаш.

Жуфтлик ўртасида ва четда иккала жуфт учун хавфсиз жинсий ҳатти-ҳаракатлар имкониятларини мұхокама қилиш; рол үйнаш үйинлари (агар керак бўлса): №2 маҳсулотини қандай ишлатиш кераклигини айтиш.

## ЖУФТЛИКЛАРДАН БИРИДА (ДИСКОРДАНТ ЖУФТЛИК) МУСБАТ НАТИЖА БЎЛГАНДА БИРГАЛИКДА ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИ ОЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ НИМАДА

Натижаларни эшитишдан олдин, тест натижаларини биргалиқда олиш учун жуфтликнинг оғзаки розилигини олиш.

ОИВ билан касалланган жуфтини психо-эмоционал қўллаб-қувватлашнинг муҳимлигини уларга тушунириш зарур. Оиласида ва яқинлари ичида қўллаб-қувватлашнинг мумкин бўлган манбаларини аниқлаш.

ОИВ инфекцияли bemорга инфекциянинг юқиш манбасини мұхокама қилиш (жуфтлик/шерикларнинг розилиги бўлса).

Жуфтликни химояланмаган жинсий алоқалар вақтида иккинчи жуфтига инфекция юқиши хавфи тўғрисида(йилига тахминан 12%) хабардор қилиш ва №2 маҳсулотдан доимий фойдаланиш зарурлигини мұхокама қилиш;

Бошқа ЖЙЮК юқишини олдини олиш учун хавфсиз жинсий ҳатти-ҳаракатларнинг аҳамиятини тушунириш ва ишонтириш.

Иккинчи шерикни инфекция юқтирумасдан фарзандни дунёга келтириш концепциясини мұхокама қилишда сунъий инсеминация (агар эркак инфекцияланмаган бўлса ва аёл инфекцияланган бўлса), манийни тозалаш ((агар аёл инфекцияланмаган бўлса ва эркак инфекцияланган бўлса); амалга ошириш тартиби ҳақида маълумот бериш.

ОИВ билан касалланган аёлнинг соғлом бола туғилиши эҳтимоли ҳақида ОИВ билан касалланган аёлни хабардор қилиш. Репродуктив саломатликнинг бошқа ҳавотирли масалаларини мұхокама қилиш.

ОИВ мусбат жуфтликлар ўзаро ёрдам гуруҳига ташриф буюришини таклиф қилиш зарур.

## ИККАЛА ҲАМКОРНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИ БИЛАН ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАҲАТНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Дастлаб, тест натижаларини биргалиқда олиш учун жуфтликнинг оғзаки розилигини олиш.

Оилада ва яқинлари ичида қўллаб-қувватлашнинг мумкин бўлган манбаларини аниқлаш.

Бошқа ЖЙБЮИ (жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар) ни олдини олиш учун хавфсиз жинсий ҳатти-ҳаракатларнинг аҳамиятини мұхокама қилиш.

ОИВ билан касалланган аёлнинг соғлом бола туғиши эҳтимоли ҳақида ОИВ билан касалланган аёлни хабардор қилиш.

Репродуктив саломатликнинг бошқа ҳавотирли масалаларини мұхокама қилиш.

ОИВ мусбат жуфтликларни ўзаро ёрдам гуруҳига ташриф буюришни таклиф қилиш.

## ТЕКШИРИЛАЁТГАН БОЛАНИНГ ОТА-ОНАСИ ЁКИ ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАРИ

### **Мақсадли ғурухнинг хусусиятлари:**

Ота-оналар кўпинча ўз фарзандлари учун инфекциянинг манбалари (масалан, онадан болага ОИВнинг вертикал юқиши ёки ИОГМҚҚ оиласида яшаганда кундалик ҳаётда болага инфекция юқиши) ҳисобанади.

Ота-оналар кўпинча ўз ташхисларини қабул қилиш ва болада инфекция мавжуд деган тахминий ташхисини олиши билан психологик муаммоларга дуч келишади.

Боланинг қонуний вакиллар (ота-онаси бўлмаса) ОИВ инфекцияси масаласида кам маълумотга эга бўлишлари (ёки бу билан дуч келмаган бўлишлари) мумкин. Яқинларнинг боланинг ташхисини тасодифан ошкор қилиб қўйишлари эҳтимоли ва унинг бола улғайиб боргач унинг ОИВ ҳолатини ошкор қилиш зарурати билан боғлиқлар каби қўрқувлар билан ишлаш.

### **Қўшимча эҳтиёжлар:**

Ота-оналарга ўз ташхисларини қабул қилишда, бола учун масъулият туйғусини шакллантиришда ва шу асосда конструктив муносабатларни куришда ёрдам бериш.

Боланинг диспансер кузатувининг ўзига хос хусусиятлари (жумладан, лаборатория текширувлари, бисептолапрофилактика ва эмлаш масалалари) ва болалардаги ОИВ инфекциясининг хусусиятлари (у аниқланганда) ҳақида маълумот бериш, шунингдек, репродуктив саломатлик масалалари бўйича ота-оналарга маслаҳат бериш зарур.

## ОИВ МУСБАТ ОНАЛАРДАН ТУФИЛГАН БОЛАЛАРНИ ТЕКШИРИШДА ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАҲАТ ХУСУСИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Маслаҳатлашув бошланишидан олдин боланинг отаси онанинг ОИВ ҳолатидан хабардор эканини билиш ва уларга биргаликда маслаҳат беришни таклиф қилиш.

Махфийликка риоя қилишнинг тафсилотларидан хабардор қилиш.

ОИВ инфекциясини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, болага инфекция юқиши хавфи тўғрисидаги хабардорликни баҳолаш. Ушбу муайян вазиятда мавжуд бўлган юқиши хавфи ҳақида маълумотни умумлаштириш (табиий оқимдаги 20-40% дан ОИВнинг ППМ тадбирларида <2% гача ўзгариб туради).

Боланинг ОИВ инфекциясига оид текширувларини ўтказиш учун диспансер назорати зарурлигини муҳокама қилиш, «ОИВ билан касалланиш эҳтимоллиги» атамасини тушунтириш. ОИВ билан касалланиш эҳтимоллиги бор болада ОИВ инфекциясини аниқлаш учун текширув алгоритми ҳақида гапириш.

ОИВ инфекциясининг ташхисини тасдиқлаш ёки рад этиш одатда бола туғилгандан кейин ҳаётининг биринчи ярмида (ОИВ ДНКни аниқлаш натижалари асосида) амалга оширилади, аммо ҳатто ОИВ инфекциясининг ташхиси рад этилганда ҳам, боланинг диспансер кузатуви 18 ойгача давом этади (ОИВ антителалари йўқолишидан олдин).

Туғриқдан кейинги инфекция юқиши хавфини бартараф этиш учун онанинг эмизишни тўлиқ рад этиши зарурлигини таъкидлаш. Сунъий озиқлантириш учун мўлжалланган сут аралашмасини олиш имкониятларини тушунтириш.

Ҳаётнинг биринчи ярмида болаларда ОИВ инфекциясидан ўлишни асосий сабабларини самарали олдини олиш сифатида ОИВ билан касалланган болада пневмоцитли пневмониянинг бисептолапрофилактикасини ўтказиш зарурлигини муҳокама қилиш.

ОИВ билан касалланган болани инфекциялардан ҳимоя қилишни самарали усули сифатида назорат остида эмлаш зарурлигини тушунтириш.

Келажакда оилани режалаштириш ва репродуктив саломатлик масалаларини муҳокама қилиш.

## ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАРНИ ТЕКШИРИШДА ТЕСТДАН ОЛДИНГИ МАСЛАХАТ ХУСУСИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ?

Маслаҳатлашув бошланишидан олдин ота-она ёки қонуний вакил билан маслаҳатлашиб, улар бола билан биргалиқда маслаҳатлашишни хоҳлайдиларми ёки алоҳида-алоҳида маслаҳат олишними, ўрганиш.

Ота-оналар ёки боланинг қонуний вакиллари билан ОИВ тестиning мақсади ҳақида сұхбатлашиш:

- клиник күрсатмаларга асосан;
- эпидемиологик күрсатмаларга асосан;
- маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишга асосан (масалан, фарзандликка олиш учун рўйхатдан ўтиш, боланинг уйларига ва болалар уйларига, бир қатор мамлакатларга виза олиш учун ариза беришда);

Тестнинг ихтиёрийлиги тамойилини тушунтириш.

Ота-оналарнинг ОИВ ҳолатини аниқлаб олиш ва болага инфекция юқиш хавф омиллари бор йўқлигини муҳокама қилиш керак.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ ТАШХИСЛАШДА ТЕСТДАН КЕЙИНГИ МАСЛАХАТ ХУСУСИЯТИ НИМАДАН ИБОРАТ?

- Психо-эмоционал қўллаб-қувватлаш ва ҳамкорликни давом эттиришга ишонч ҳосил қилиш.
- Болалардаги ОИВ инфекциясининг кечиши ҳақида маълумот бериш.
- ОИВ билан касалланган болани диспансер кузатуви алгоритмини эълон қилиш, боланинг ривожланишини баҳолаш, лаборатория текширувларини ўтказиш зарурлигини таъкидлаш. Боланинг қаерда ва ким томонидан кузатилишини хабардор қилиш. Эмлаш масалаларини ва агар керак бўлса, антиретровирус терапиясини тушунтириш.
- Ота-оналарнинг соғлиғини сақлаш, шу жумладан, ота-оналарда ОИВ инфекцияси бор йўқлигини кузатиш ва даволаш муҳимлигини таъкидлаш.
- Болага ОИВ ҳолатини ошкор қилиш жараёнини муҳокама қилиш: болага берилган маълумот миқдорини ёшига қараб бериш, статусини ошкор қилиш масаласида ёрдам бериш учун ишонтириш.
- Психосоциал ва бошқа турдаги ёрдам олиш имкониятлари ҳақида маълумот бериш, ўзаро ёрдам гурухлари ҳақида маълумот бериш.

## ТАВСИЯ ЕТИЛГАН ОИВ ТЕСТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҚАНДАЙ?

Экспресс-тестлардан фойдаланишнинг афзалликлари: экспресс-тестлардан фойдаланиш соғлиқни сақлаш ходимлари ташаббуси билан маслаҳатлашув ўтказилгандан сўнг ўтказилади, лаборатория шароитлари ва маҳсус жиҳозларни талаб қилмайди, тестлар бирламчи тиббий ёрдам муассасаларида ҳам амалга оширилиши мумкин. Текширишда сон жиҳатдан устун ва рҳийатга олишда юз берадиган хатоликлардан холи.

**ИФА, ELISA** тестларини қўллаш, бир вақтнинг ўзида кўплаб тестларни ўтказиш зарур бўлган ҳолатларда ва натижаларни дарҳол қабул қилиш (масалан, стационар bemорлар учун) ёки лаборатория референти шароитида жуда муҳим аҳамиятга ега бўлмаган ҳолларда афзалдир. Шу билан бирга, ушбу тест текширувларини ўтказиш маҳсус лаборатория ускуналари ва малакали ходимларнинг мавжудлигини талаб қиласди.

Вирусли тестлар, мураккаб ва қимматроқ бўлса-да, 18 ойдан кичик болаларда ОИВ инфекциясини аниқлаш учун тавсия этилади.

## ТАВСИЯ ЕТИЛГАН ТЕСТ ЧАСТОТАСИ НИМА?

Тест даврийлиги бўйича тавсиялар bemorning kasallikni yokiresh xavf darajasiiga, inson resurslari va moliajvij rесурсларнинг mavjudligiga, shuningdek, malum bir xududda yoki aholi guruhida yanji OIB infekciasining paydo bўlish tezligiga bo‘lib.

OIB infekciasiga yokireshiga kўproq xavfda bўlgan shaxslar har 6-12 oida qayta tekshiruvdan yutkazili kерак.

OIB manfiy aёllarga xomiladorlik boşlanганда (xomiladorlikning birinchi trimestrida 12 xaftagacha) imkon qadar tezroq tekshiruvdan ytiш tавсия этилади.

Umumiy OIB epidemiasi mavjud bўlgan sharoitiда OIB manfiy aёllarga xomiladorlikning keyingi bosqichlariда ham qayta Testdan ytiш tавсия этилади.

# РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИКНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

**Репродуктив саломатлик** инсон репродуктив тизимининг фаолияти ва унга боғлиқ бўлган жараёнларнинг бутун ҳаёти давомидаги ҳолатини акс эттиради. Демак, инсон тўлақонли ва хавфсиз жинсий ҳаёт кечириши билан бирга, фарзанд орттириши ҳамда зурриёдини дунёга келтириш ёки келтирмаслиги, ёки қачон ва неча нафар фарзандни дунёга келтиришини мустақил ҳал қилиши мумкин.

**Жинсий ва репродуктив саломатлик** – синонимлар эмас, лекин маъноси бир-бирига яқин бўлган тушунчалар. Жинсий саломатлик – бу “фақатгина туғиш ва ЖИЮК бўйича маслаҳат ва ёрдам беришдан иборат бўлиб қолмай, ҳаёт ва шахсларо муносабатларни соғломлаштириш”ни ҳам ўз ичига олади. Сексуал саломатлик ҳукмронлик тизимидағи мажбурлаш, зўравонлик ва дискриминация каби муаммоларни ҳам қамраб олади.

Жинсий ва репродуктив саломатликка эришиш ва уни сақлаш учун инсон ўзининг жинсий фаолияти ва зурриёт қолдириш қобилиятини ўзи назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши ҳамда тегишли тиббий хизматларни олишга имконияти бўлиши зарур.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯЛИ ШАХСЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ

Аҳолининг махсус гурухлари вакилларига ОИВ инфекцияси ва ЖИЮКдан заарранишнинг олдини олиш учун шахсий ҳимоя воситаларидан тўғри ва мунтазам фойдаланишни тавсия қилиш лозим.

Репродуктив саломатлик муҳофазаси билан шуғулланувчи маслаҳатчилар, бор имкониятлардан фойдаланган ҳолда мижозларини ўз ихтиёри билан ОИВга текширтиришига рағбатлантиришлари ҳамда ОИВ профилактикаси бўйича маслаҳат беришлари керак. Ўз навбатида, маслаҳатчилар ОБЯШларнинг репродуктив ҳуқуқлари ва бу борадаги танлов имкониятлари ҳақида маълумотга эга бўлган ҳолда уларни малакали ёрдам олиши учун репродуктив саломатликни муҳофaza қилиш хизматига йўналтиришлари зарур.

## ОБЯШ РЕПРОДУКТИВ ВА ЖИНСИЙ САЛОМАТЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

### *Умумий тамойиллар*

- Репродуктив саломатлик муҳофазаси бўйича хизматлар таклиф этилганида инсоннинг асосий ҳуқуқлари сақланиши керак: дискриминация қилмаслик, мустақил қарор чиқариш ва масъулиятни ўз зиммасига олиш ҳуқуқларининг сақланиши.
- Таклиф этилаётган тиббий ёрдам ҳар томонлама мижозга йўналтирилган бўлиши, яъни унинг бутун ҳаёти давомидаги эҳтиёжларига мутаносиб бўлиши керак.
- ОБЯШлар уларнинг ҳулқ-атвори туфайли юзага келадиган хавфли омиллардан қатъи назар дискриминацияга дуч келмасликари керак.
- Аёл кишини ОИВ билан зааррлангани туфайли ҳомиладорликни тўхтатишга мажбур қилиниши мумкин эмас.
- ОБЯШга кўрсатилдиган хизматлар, жумладан, сексуал ва репродуктив саломатликни муҳофaza қилиш бўйича хизматларнинг асосий тамойили – конфиденциалликдир.

## **ОБЯШЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ҚҮЙИДА САНАБ ЎТИЛГАН ТАМОЙИЛЛАРНИНГ АСОСИНІ ТАШКИЛ ЭТАДЫ:**

- Ўзининг жинсий ва репродуктив саломатлик ҳолати ва уни сақлаб турисида тўлиқ ва аниқ маълумотга эга бўлиши;
- Фарзанд орттириш ёки орттирмаслик ҳақида қарор қабул қила олиш;
- Жинсий ва репродуктив саломатлик муҳофазаси хизматларидан ОИВ билан заарарланмаган инсонлар оладигандек тўла ҳажмда фойдалана олиш;
- Тиббий ёрдамдан фойдаланганида стигматизация ва дискриминацияга дуч келмаслик;
- Тиббий ходимлар томонидан конфиденциалликка ва хуқуқларини ҳурмат қилинишига ишонч бўлиши.

### **Инсон хуқуқлари.**

ОИВ билан яшовчи аёлларнинг қадр-қимматини сақлаган ҳолда уларнинг фаровонлигига эришиш учун инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ва соғлиғининг муҳофазасига комплекс ёндашув зарур. Хусусан, соғликнинг эришиш мумкин бўлган энг юқори даражасидан фойдаланиш хуқуқи, ўз ҳаётига ва жисмоний ҳолатига даҳлсизлик хуқуқи, зўравонлиқдан ҳоли ҳаёт кечириш хуқуқи, тенглик хуқуқи, қийноқлар, зулм ёки таҳқирланишдан ҳоли ҳаёт хуқуқи шулар жумласидандир.

### **Гендер тенглик.**

Гендер тенгликни таъминлаш – барча аёлларнинг, айниқса ОИВ билан яшовчи аёлларнинг сексуал ва репродуктив саломатлигини сақлаш ҳамда уларнинг ҳар турдаги хуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги асосий элементdir. Асосий мақсадга эришиштан олиш керакки, аёлларнингтиббий хизматлар олишининг имкониятлари ва бу имкониятлардан фойдаланишда тажрибасизлигида гендер тенгсизликнинг салбий таъсиirlарини кузатиш мумкин. Аёлларнинг шахсий (интим) муносабатларда тенгсизлиги ва бу муносабатларда нормаларидан ташқарига чиқилиши, уларнинг назорат қила олиш имконияти йўқлиги ана шундай салбий таъсиirlар жумласидандир.

ОИВ билан яшовчи аёлларнинг соғлиғини максимал даражада яхшилаш ва хуқуқларини амалга ошириш мақсадида, ЖССТ аёлларнинг сексуал ва репродуктив саломатликини муҳофаза қилиш ва тегишли хуқуқларига риоя қилиш соҳасида аёлларнинг имкониятларини кучайтириш ва самарали иштирок этишига йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни тавсия қилади.

## **ОИВ ИНФЕКЦИЯ: ТЕКШИРУВ ВА МАСЛАҲАТ БЕРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

Қўйидаги ҳолларда мижозлар ва уларнинг жинсий жуфтларига ОИВга текширув ва маслаҳат таклиф қилиниши зарур:

- Репродуктив тизимнинг ЖЙЮК ва бошқа инфекцияларини ташҳисоти ва даволашга зарурат туғилганида;
- Контрацепция масалалари бўйича маслаҳат зарур бўлганида (контрацепция усули танланганида ОИВ статусини билиш зарурлигига урғу бериш лозим);
- Келгуси ҳомиладорликни режалаштиришда (онадан болага ОИВ юқиш хавфини энг кам даражагача пасайтириш учун);
- Ҳомиладорликдан аввалги кузатув вақтида (ҳомиладорлик ва туғуруқни тўғри назорат қилиниши ва ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш учун);
- Янги туғилган чақалоқнинг кузатуви (онанинг ОИВ статуси ноаниқ бўлса, озиқлантиришнинг хавфсиз йўлини танлаш учун);
- Ихтиёрдан ташқари ҳомиладорлик юзасидан маслаҳат зарур бўлганида;
- Бачадон бўйинининг саратонига ялпи текшируv вақтида;

## **ОБЯШГА МАСЛАҲАТ БЕРИШ**

Жинсий ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш хизматига мурожаат қилган ҳар бир ОБЯШ қўйидаги муаммолар бўйича маслаҳат олиши зарур:

- жинсий ҳаётда хавфни камайтириш ва жинсий шерик билан биргаликда (ОИВ билан заарланган ёки заарланмаган) хавфсиз жинсий ҳаёт тўғрисида мулоҳаза юритиш;
- оилани режалаштириш ва контрацепция масалалари;
- бачадон бўйининг саратонига ялпи текширув;
- ЖЙЮК;
- В вирусли гепатит ва папилломавирусга эмланиш масалалари;
- гиёхванд моддаларни истеъмол қилиш;
- РВҚД ва бошқа дориларнинг ўзаро таъсири;
- РВҚД ва контрацептив воситаларнинг ўзаро таъсири.

Руҳий кўмак бериш ҳамда керакли хизматни давом эттириш учун бошқа муассасаларга юбориш – маслаҳатнинг муҳим қисмлариdir.

Контрацептив воситалар ва қўшимча хизматлар, жумладан, маълумот ва маслаҳат олиш учун учинчи томоннинг, яъни ОИВ билан яшовчи аёлнинг турмуш ўртоғининг рухсатини олиш талабидан воз кечиш тавсия этилади.

## **ОИВ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШНИНГ ЮҚОРИ ХАВФИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ОИВ БИЛАН ЯШАЙДИГАН АЁЛЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНАДИГАН ГОРМОНАЛ КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИ**

Контрацепция усуllibарни аёлларнинг ва уларнинг фарзандларининг соғлиғини сақлашга ёрдам беради ҳамда ҳаётининг репродуктив даврини бошқаришга имкон беради. Гормонал контрацепция усуllibарига КОК, КИК, аралаш контрацептив пластирлар ва ҳалқалар, соф прогестиндан таркиб топган инъекцион воситалар ва таблеткалар, ЛНГ ва ЭТГ сақловчи имплантлар ҳамда ЛНГ-БИС кабилар киради. Бу усуllibарнинг барчаси ихтиёрдан ташқари ҳомиладорликни олдини олишда юқори самара берувчи усуllibар ҳисобланади. Улар ОИВ билан яшовчи ва ҳомиладорликнинг олдини олишни истаган аёлларда ҳомиладорликка оид ўлим ва касалланиш даражаларини камайтиради, ОИВ инфекциясининг вертикал йўл билан юқиши ҳолатларини камайиши ҳамда чақалоқлар ва гўдаклар соғлиғининг яхшиланишига олиб келади. ОИВ билан заарланиш хавфи юқори бўлган, ОИВ билан яшовчи ёки профилактик мақсадларда РВҚД ичиб юрган аёлларда гормонал контрацепцияни қўллаш ва ОИВга боғлиқ бўлган хавфларнинг ўзаро боғлиқлигини кўриб чиқиш лозим. Бундан ташқари ОИВ билан заарланиш хавфи юқори бўлган ёки ОИВ билан яшовчи аёлларга ОИВни олдини олиш тадбирлари ҳамда шу тадбирлардан фойдаланиш имкониятлари ҳақида маълумот керак бўлиши мумкин. Номи тилга олинган тадбирлар қаторига, шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш, эркакларни хатна қилдирилиши, ОИВ инфекциясига ихтиёрий маслаҳат ва текширув, ОИВ дискордант жуфтликлардаги ОИВ мусбат жуфтларга РВҚД берилиши каби чора-тадбирлар киради.

Контрацепция усули танланганида тиббий кўрсатмалардан ташқари мижозларнинг ижтимоий, маданий ва аҳлоқий хусусиятлари ҳисобга олиниши шарт. Контрацепция бўйича тавсиялар индивидуал тарзда белгиланиб, ҳар бир аёл ёки жуфтликнинг талабларига мос келиши керак, шунингдек, ОИВ инфекциясининг босқичини, жуфтликларнинг ҳаёт тарзини ёки шахсий истакларини ҳисобга олиши керак. Таклиф этилган усулининг афзалликлари ёки камчиликлари фақатгина истеъмолчи аёлгина энг мақбул баҳони бера олади. Контрацепциянинг турини танлашда мижознинг ўзи якуний қарор чиқариши лозим. Унинг қарор қабул қилиши учун қўйидаги маълумотлар зарур:

- Танланган усулнинг ҳомиладорликни олдини олишда самарадорлиги;
- Контрацепцияни тўғри қўллаш йўли;
- Афзалликлари ва камчиликлари;
- Кўп учрайдиган ножўя таъсирлари;
- Шифокорга мурожаат қилишни талаб этадиган симптомлар ва аломатлар;
- Нархи ва қулайлиги;
- ЖЙЮК, шунингдек, ОИВ инфекцияси билан заарланишнинг олдини олишдаги самарадорлиги.

Сексуал ва репродуктив саломатлик бўйича маслаҳат бериш ОИВ билан яшовчи аёлларга фарзанд орттиришга оид қарорни қабул қилишда ёрдам беради. Демак, уларга қуидаги маълумотлар тақдим этилиши зарур:

- Контрацепция усулларини ҳомиладорликнинг ва ЖЙЮК юқишининг олдини олишда самарадорлиги;
- ОИВ инфекциясининг авж олишини соғлиққа таъсири;
- РВҚДни олиш имкониятлари ва самарадорлиги;
- РВҚД тақдим этадиган муассасаларнинг мавжудлиги;
- РВҚД ва контрацептив воситаларнинг ўзаро таъсирлашиши;
- Уруғланиш жараёнида ОИВ инфекциясини соғлом жинсий шеригига юқтириш хавфи мавжудлиги;
- ОИВ инфекциясини ҳомиладорликнинг кечишига таъсири, жумладан нохуш оқибатларнинг эҳтимоли;
- ОИВни онадан болага юқиш хавфининг мавжудлиги ва бу хавфни камайтириш учун РВҚД, кесарча кесиш ва сунъий овқатлантиришларни ўз ичига олган стратегиядан фойдаланиш, унинг афзалликлари ва камчиликлари.

Кўпчилик контрацепция усуллари аёлларда ОИВ инфекциясининг симптомсиз кечишида ҳам, ОИВ/ОИТСнинг клиник кўринишлари юзага чиққанида ҳам самарали ва хавфсизdir. Аммо оилани режалаштириш бўйича маслаҳат берилганида ОИВ ва бошқа ЖЙЮК қўзғатувчиларининг юқишини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, чунки, касаллик юқишини олдини олиш масаласи ҳомиладорликни олдини олиш каби бирдек мухим. Шахсий ҳимоя воситалари (презервативлар) ОИВ/ЖЙЮКни юқишини олдини оладиган ягона контрацепция воситаси эканлиги исботланган, шунинг учун оилани режалаштириш хизматларининг ходимлари ўз мижозларига ушбу усулни қўллашни қатъий тавсия қилишлари ҳамда мижозларнинг ушбу воситаларни тўғри қўллашларига кўмак беришлари лозим.

ОИВ билан яшовчи туғиши ёшидаги аёлларга контрацепция бўйича маслаҳат таклиф қилиниши керак. Агар гормонал контрацептив воситалари афзал деб топилса, ЕFV қўллашдан бош тортиш керак, чунки бу препаратнинг қўлланиши контрацепциянинг самарасини камайтириши мумкин.

ОИВ билан заарланиш хавфи юкори бўлган ёки ОИВ билан яшовчи аёлларга ЖССТ тавсиялари:

- АРАЛАШ гормонал контрацепция усулларини чекловларсиз қўллаш (комбинацияланган орал контрацептив воситалар, комбинацияланган контрацептив пластирлар, комбинацияланган орал контрацептив вагинал ҳалқалар ёки комбинацияланган инъекцион контрацептив воситалар); (МКП, категория 1)
- Соғ прогестин таблеткалар ва инъекцион воситаларни (ДМПА ва НЭТ-ЭН) ва левоногестрел (ЛНГ) ва этоногестрел (ЭТГ) сақлайдиган субдермал (тери ости) контрацептив имплантатларни чекловларсиз қўллаш; (МКП, категория 1)

- ОИВни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган аёллар левоноргестрел сақлайдиган бачадон ичи воситани (ЛНГ-ВМС) чекловларсиз қўллашлари мумкин; (МКП, категория 1)
- ОИВ билан яшовчи аёллар ОИВнинг белгиларсиз ёки мўътадил кечувчи босқичида (ЖССТ таснифига асосан, 1чи ёки 2-босқич) одатда ЛНГ-ВМС қўллашлари мумкин; (МКП, категория 1)
- ОИВ билан яшовчи аёллар ОИВнинг оғир ёки авж олувчи клиник кечишида (ЖССТ таснифига асосан, 3чи ёки 4-босқич) аҳволлари яхшиланмагунича ва белгиларсиз ёки мўътадил кечувчи босқичига ўтмагунича ЛНГ-ВМС қўллашлари мумкин эмас; (МКП, қўллашни бошлаш учун категория 3)

Шу билан бирга, ЛНГ-ВМС қўллашни бошлаган ва ОИВнинг оғир ёки авж олувчи клиник кечишига ўтган аёлларга ЛНГ-ВМСни олиб ташлаш талаб этилмайди.(МКП, категория 2)

- ОИВ инфекциясининг оғир ёки авж олувчи клиник даврларидағи ЛНГ-ВМС қўйдирган аёлларда кичик тос соҳасининг инфекциялари юзага келиш ёки келмаганини яхшилаб кузатиб борилиши керак. (МКП, категория 2)
- Умуман олганда, РВҚД қабул қилаётган аёллар гормонал контрацепциянинг барча турларидан фойдаланишлари мумкин, аммо айрим турдаги гормонал контрацепцияни РВҚД схемалари билан қўшиб қўлланганида (айниқса эфавиренц ёки невирапин ҳамда айрим протеаза ингбиторлари сақлаган РВҚД) аёлларга алоҳида эътибор бериш лозим: комбинацияли гормонал контрацепция, соф прогестинли таблеткалар, левоноргестрел (ЛНГ) ва этоногестрел (ЭТГ) сақлайдиган субдермал контрацептив имплантатлар. (МКП, категория 2)

## **МКПГА МУВОФИҚ РАВИШДА КОНТРАЦЕПЦИЯ УСУЛЛАРИНИНГ МАҚБУЛЛИК КАТЕГОРИЯЛАРИНИНГ ТАСНИФИ**

Ўзига хос ҳолатлари ёки характеристикаси мавжуд бўлган беморлар учун контрацепциянинг маълум усуларини мақбуллигини кўрсатиш учун МКП 4 категориядан иборат бўлган шкаладан фойдаланади.

### **МКП Категорияси**

#### **Контрацептивларни қўллашнинг мақбуллиги кўрсаткичлари**

5. Контрацепциянинг танланган усулини қўллашни чекламайдиган тиббий ҳолатлар ва шахсий хусусиятлар;
6. 2. Контрацепциянинг танланган усулини қўллашдан кутилаётган натижадан остида қўлланиши мумкин;
7. 3. Яхшилаб клиник текширув ўтказишини ва клиник хизматлардан фойдаланишга имконият яратишни талаб қилувчи ҳолатлар. Бундай ҳолатларда касалликнинг оғирлик даражаси, аль тернатив усууларнинг мавжудлиги, амалга ошириш ва қабул қилиш имкониятлари ҳисобга олиниши керак. 3-категорияга тегишли ҳолатда бошқа мақбул ва қулайроқ усуулар мавжуд бўлса, кўрсатилган контрацепция усули тавсия қилинмайди.
8. 4. Танланган контрацепция усули соғлиққа зарар келтиргани, яъни бу усулга қарши кўрсатмалар бўлгани сабабли қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар.

## ОИВ ИНФЕКЦИЯСИНИ ЮҚТИРИБ ОЛИШ ХАВФИ ЮҚОРИ БҮЛГАН АЁЛЛАРГА ГОРМОНАЛ КОНТРАЦЕПЦИЯНИ ҚҰЛЛАШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

- ОИВ инфекциясими юқтириб олиш хавфи юқори бүлган аёллар контрацепциянинг қуидаги турларини чекловларсиз құллашлари мумкин: комбинациядаги орал контрацептив воситалар (КОК), комбинациядаги инъекцион контрацептивлар (КИК), комбинацидаги контрацептив пластирлар (КП), комбинациядаги вагинал ҳалқалар (ВХ), соф прогестинли контрацептив таблеткалар СПТ), соф прогестинли инъекцион воситалар (ДМПА ва НЭТ-ЭН), левоноргестрел (ЛНГ) ва этоногестрел (ЭТГ) сақловчи имплантатлар (МКП, категория 1)
- ОИВ инфекциясими юқтириб олиш хавфи юқори бүлган ва соф прогестинли инъекцион воситаларни құллайдыган аёлларга прогестинли инъекцион воситаларнинг ОИВ инфекцияси билан заарланишга тъсирини үрганиш натижаларининг түғри ва түлиқ тавсифлашни имкони йүқлиги тушунтирилиши лозим. Шунинг учун ОИВ инфекциясими юқтириб олиш хавфи юқори бүлган аёлларга соф прогестинли инъекцион воситалар ОИВни юқтириб олиш хавфини ошириши ёки умуман таъсир этмаслиги ҳақида маълумот берилиши керак. Шунинг учун бу аёллар ёки жуфтликлар ОИВни олдини олиш чораларини күришлари кераклиги түғрисида огохлантирилишлари керак.
- ОИВ инфекциясими юқтириб олиш хавфи юқори бүлган аёллар бачадон ичи рилизинг тизимларини құллашлари мумкин (ЛНГ-ВМС) (МКП, категория 2).
- ОИВ инфекциясими юқтириб олиш хавфи юқори бүлган аёллар ва жуфтликлар контрацепциянинг қайси усулини танлашларидан қатын назар, ОИВ инфекцияси ва бошқа ЖЙЮК тарқалиши хавфини камайтириш ва бошқа профилактик чоралар ҳақида маълумот олишлари жуда муҳимдир.
- Гормонал контрацептив воситалар, жумладан, КОК, КИК, СПТ, соф прогестинли инъекцион воситалар, левоноргестрел (ЛНГ) ва этоногестрел (ЭТГ) сақловчи имплантатлар ҳамда ЛНГ-ВМС ОИВ/ЖЙЮКдан сақлай олмаслигини яши билишлари зарур.
- ОИВ билан яшовчи аёллар учун касалликнинг белгиларсиз ёки мұтадил кечувчи босқичида (ЖССТ таснифига асосан, 1чи ёки 2-босқич) гормонал контрацепцияни құллаш бүйича тавсиялар
- ОИВ инфекциясимиң белгиларсиз ёки мұтадил кечувчи (ЖССТ таснифига асосан, 1чи ёки 2-босқич) босқичида аёллар гормонал контрацепциянинг қуидаги турларини чекловларсиз құллашлари мумкин: КОК, комбинацияда контрацептив пластирлар ва ҳалқалар, соф прогестинли таблеткалар, соф прогестинли инъекцион воситалар (ДМПА и НЭТ-ЭН) ва левоноргестрел (ЛНГ) ва этоногестрел (ЭТГ) сақловчи имплантатлар (МКП, категория 1);
- ОИВ инфекциясимиң белгиларсиз ёки мұтадил кечувчи (ЖССТ таснифига асосан, 1чи ёки 2-босқич) босқичида аёллар ЛНГ-ВМС құллашлари мумкин (МКП, категория 2);
- айрим турдаги гормонал контрацепция ва баъзи РВҚД үзаро таъсир этиши эхтимоли бүлгани сабабли, дори-дармонларнинг үзаро таъсирлари ҳисобга олиниши лозим.
- ОИВ билан яшовчи аёллар учун касалликнинг оғир ёки авж олувчи клиник кечишида (ЖССТ таснифига асосан, 3чи ёки 4-босқич) гормонал контрацепцияни құллаш бүйича тавсиялар:
- ОИВнинг оғир ёки авж олувчи клиник кечишида (ЖССТ таснифига асосан, 3чи ёки 4-босқич) аёллар гормонал контрацепциянинг қуидаги турларини чекловларсиз құллашлари мумкин: КОК, комбинациядаги инъекцион контрацептивлар, комбинацияда контрацептив пластирлар ва ҳалқалар, соф прогестинли таблеткалар, соф прогестинли инъекцион воситалар (ДМПА и НЭТ-ЭН) ва левоноргестрел (ЛНГ) ва этоногестрел (ЭТГ) сақловчи имплантатлар (МКП, категория 1);

- ОИВнинг оғир ёки авж оловчи клиник кечишида (ЖССТ таснифига асосан, Зчи ёки 4-босқич) аёллар ахволлари яхшиланмагунича ва белгиларсиз ёки мўтадил кечувчи босқичига ўтмагунича ЛНГ-ВМС қўллашлари мумкин эмас; (МКП, қўллашни бошлаш учун категория 3). Аммо ЛНГ-ВМС қўллашни бошлагандан кейин ОИВ оғир ёки авж оловчи клиник кечишига ўтган аёлларга ЛНГ-ВМСни олиб ташлаш талаб этилмайди. (МКП, категория 2 давом эттириш учун);
- ОИВ инфекциясининг оғир ёки авж оловчи клиник даврларидағи ЛНГ-ВМС қўйдирган аёлларда кичик тос соҳасининг инфекциялари юзага келиш ёки келмаганини яхшилаб кузатиб борилиши керак. (МКП, категория 2)
- ОИВ билан яшовчи аёлларнинг ихтиёрдан ташқари ҳомиладорликнинг олдини олиш истагида контрацепциядан ўз истаги билан фойдаланиши, уларнинг репродуктив хукуқларини тан олиш борасида жуда катта аҳамиятга эга ҳамда ОИВни вртикал йўл билан юқиши ҳолатларини камайтиришнинг муҳим стратегияси бўлиб қолади.

## **РВҚД ҚАБУЛ ҚИЛАЁТГАН ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ АЁЛЛАРГА ТАВСИЯЛАР**

- ҚТНИ ичиб юрган аёллар гормонал контрацепциянинг қўйидаги турларини чекловларсиз қўллашлари мумкин: КОК, комбинациядаги инъекцион контрацептивлар, комбинацияда контрацептив пластирлар ва ҳалқалар, соф прогестинли таблеткалар, соф прогестинли инъекцион воситалар (ДМПА и НЭТ-ЭН) валевоноргестрел (ЛНГ) ваэтоногестрел (ЭТГ) сақловчи имплантатлар (МКП, категория 1);
- Таркибида эфавиренц ёки невирапин сақлаган РВҚД схемасини қабул қилаётган аёллар одатда КОК, пластирлар, ҳалқалар, комбинациядаги инъекцион контрацептивлар, соф прогестинли таблеткалар, НЭТ-ЭН ва имплантатларни қўллашларитинли таблеткалар, НЭТ-ЭН ва имплантатларн, эфавиренц ёки невирапин ичиб юрган аёллар ДМПАни чекловларсиз қўллашлари мумкин (МКП, категория 1);
- Янги турдаги ҚТННИ (этравирин ёки рилпивирин) қабул қилаётган аёллар барча турдаги гормонал контрацептивларни чекловларсиз қўллашлари мумкин (МКП, категория 1);
- ПИ (масалан, ритонавир ёки ритонавир билан кучайтирилган РВҚД) қабул қилаётган аёллар одатда КОК, пластирлар, ҳалқалар, комбинациядаги инъекцион контрацептивлар, соф прогестинли таблеткалар, НЭТ-ЭН ҳамда ЛНГ ва ЭТГ сақловчи имплантатларни қўллашлари мумкин (МКП, категория 2); шу билан бирга, ДМПАни чекловларсиз қўллашлари мумкин (МКП, категория 1);
- ИИ (ралтегравир, долутегравир) қабул қилаётган аёллар барча турдаги гормонал контрацептивларни чекловларсиз қўллашлари мумкин (МКП, категория 1);
- РВҚД қабул қилаётган аёллар кўп ҳолларда касаллик симптомсиз ёки мўтадил клиник босқичида (ЖССТ таснифи бўйича 1чи ёки 2-босқичда) бўлса, ЛНГ-ВМС қўллашлари мумкин (МКП, категория 2);
- ОИВнинг оғир ёки авж оловчи клиник кечишида (ЖССТ таснифига асосан, Зчи ёки 4-босқич) аёллар ахволлари яхшиланмагунича ва белгиларсиз ёки мўтадил кечувчи босқичига ўтмагунича ЛНГ-ВМС қўллашлари мумкин эмас; (МКП, қўллашни бошлаш учун категория 3). Аммо ЛНГ-ВМС қўллашни бошлагандан кейин ОИВ оғир ёки авж оловчи клиник кечишига ўтган аёлларга ЛНГ-ВМСни олиб ташлаш талаб этилмайди. (МКП, категория 2 давом эттириш учун);
- ОИВ инфекциясининг оғир ёки авж оловчи клиник даврларидағи ЛНГ-ВМС қўйдирган аёлларда кичик тос соҳасининг инфекциялари юзага келиш ёки келмаганини яхшилаб кузатиб борилиши керак. (МКП, категория 2)

РВҚД қабул қилаётган ОИВ билан яшовчи аёллар айрим ретровирусга қарши дориларнинг контрацепция самарадорлигига потенциал таъсирини даволовчи шифокорлари билан муҳокама қилишлари керак.

# ОИВ ИНФЕКЦИЯСИННИГ ОНАДАН БОЛАГА ЮҚИШИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

ЖССТ ОИВнинг вертикал йўл билан юқишини олдии олиш бўйича 4 йўналишдан иборат бўлган комплекс стратегияни ташвиқ қилади:

1. ОИВнинг бирламчи профилактикаси;
2. ОИВ мусбат аёлларда ихтиёрдан ташқари ҳомиладорликнинг олдини олиш;
3. ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш;
4. ОИВ мусбат оналар ва уларнинг оила аъзоларига даволаш, парвариш қилиш ва қўллаб-куватлаш бўйича хизмат кўрсатиш.

Мазкур ҳужжат стратегиянинг учинчи компоненти – ОИВни онадан болага юқишини олдини олишга алоқадор. Профилактик чоралар ўтказилмаганида ОИВнинг вертикал йўл билан юқиши хавфи 15% дан 45%гача оралиқда бўлади. Бундан 15-30% вируснинг трансплацентар (йўлдош орқали) ўтишига, 50-75% туғуруқ жараёнида юқишига, 10-20% кўкрак сути орқали юқишига тегишилдири. Ҳозирги замонда РВҚДни қўллаш услублари ва кўкрак билан эмизишдан воз кечиш натижасида чақалоқнинг зарарланиш эҳтимолини анча камайтириш мумкин (30-45% дан 2%дан кам ҳолатгача).

ОИВни онадан ҳомилага ва болага юқишининг эҳтимолига таъсир қилувчи энг муҳим омил, бу онанинг қонида ҳомиладорлик ва туғуруқ вақтидаги вирус концентрацияси – вирус юкламасидир. Шунинг учун ҳомиладорлик вақтида РВҚД ёрдамида ВЮнинг аниқлаб бўлмайдиган даражасига иложи борича эртароқ эришиш жуда муҳим. Яна бир муҳим вазифалардан бири – она ва боланинг соғлиғини сақлаб қолишдан иборат.

РВҚД ҳар қандай ҳолда инсон ҳуқуқларини сақлаш асосида тайинланиши керак. Бу туғишига қодир бўлган, ҳомиладор ёки фарзандини эмизаётган аёлларнинг ҳаммаси РВҚДинг фойдаси, хавфли томонлари ҳақида маълумотни ва ўзларининг вазиятларига хос тиббий тавсияларни олиши, шунингдек, имкон қадар даволаниш учун дори-дармонларни танлашда, даволашни давом эттириш, даволанишга содиқликни сақлаш ва тиббий ёрдам тизимида давомли ёрдамга эга бўлишда кўмак олишлари лозимлигини англаради.

Тиббий ходимлар аёлларни ҳамда уларнинг фарзандларини эҳтиёжларига яраша тиббий ёрдам билан таъминлашлари лозим.

## ТУҒИШ ЁШИДАГИ АЁЛЛАРНИНГ ҲАММАСИ БИЛАН УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАВОМИДА МУНТАЗАМ РАВИШДА РЕПРОДУКТИВ РЕЖАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛИБ ТУРИШ КЕРАК.

Режадан ташқари ҳомиладорлик юзага келишининг эҳтимолини камайтириш учун контрацепциянинг самарали ва қулай усуслари ҳақида ахборот бериб бориш керак.

Алкогол, тамаки маҳсулотлари ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишдан воз кечишга рағбатлантириш жуда муҳим; бунинг имкони бўлмаса, маҳсус даволаш усулини таклиф қилиш ёки хавфли омилларни назорат қилиш бўйича маслаҳат бериш (масалан, шприц айирбошлаш дастуридан фойдаланиш) лозим.

ОИВ билан яшовчи аёллар жинсий шеригига ОИВни юқтирумаслиги ва бўлажак фарзандига ОИВни перинатал йўл билан ўтиш хавфини камайтириш учун уруғланиш олдидан ВЮни максимал даражада пасайтиришга эришишлари лозим.

ОИВ билан яшовчи туғиши ёшидаги аёлларга РВКДни танлаш ва баҳолаш вақтида танланыётган схеманинг самарадорлиги, ёндош касалликларнинг мавжудлиги (масалан В ёки С вирусли гепатит коинфекцияси), схемадаги дориларнинг потенциал тератоген таъсири ҳамда она ва ҳомила учун нохуш оқибатларнинг эҳтимоли ҳисобга олиниши керак.

ОИВ инфекцияси билан заарланиш бирорта контрацепция усулига монелик қилмайди. Шунга қарамай, РВКД ва гормонал контрацепция воситалари орасидаги ўзаро таъсиротлар ҳисобга олиниши лозим.

Барча дискордант жуфтликлар ОИВ инфекциясини онадан болага юқишини олдини олиш бўйича маслаҳат олишлари зарур.

Уруғланишдан аввал жинсий шериларнинг иккиси ҳам жинсий йўл билан юқадиган касалликларга текширилиб, даволанишлари лозим.

ОИВ билан заарлган шерилар ўз соғлиғини максимал даражада яхшилаш, ОИВни шеригига жинсий йўл билан юқишини олдини олиш ва ҳомилага ОИВ ўтиш хавфини минимал даражага етказиш учун ҳомила пайдо бўлишидан олдин ВЮни турғун пасайтиришга эришишлари лозим.

Дискордант жуфтликларда ОИВ билан заарлган жуфтининг РВКД қабул қилиши ва унда турғун равиша вируснинг супрессиясига эришиш орқали, ОИВни юқтириш хавфидан холи бўлган ҳолда уруғланишни амалга ошириш мумкин.

## ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРНИ ОИВГА ТЕКШИРИШ ВА МАСЛАҲАТ БЕРИШ

Ҳомиладорлик юзасидан биринчи бор мурожаат қилган ҳамма аёлларга ОИВга текширувни таклиф қилиш лозим. Текширув жараёни ихтиёрий текширув ва маслаҳатнинг асосий қоидалари асосида амалга оширилади. ОИВга текширув соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи звено ДПМларида имкон қадар эртароқ, ҳомиладорликнинг 12-ҳафтасигача ўтказилиши керак. Шунингдек, ҳомиладор аёлларни жинсий шеригининг ОИВ ҳолати номаълум бўлса, уни ҳам ОИВга текшириш лозим. Бунда қатъиян конфиденциалликка риоя қилиниши лозим, аёлнинг ОИВ ҳолати ҳақидаги маълумотлар эса унинг қариндошлари ва бошқа шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Конфиденциалликка риоя қилиш учун аёлнинг қариндошлари антенатал кўрикларда ёки туғуруқ жараёнида иштирок этган ҳолларда ҳам, уларнинг аёлни мақомини билишлари назарда тутилмаслиги керак.

Аёл ОИВни юқтириб олишнинг хавфи юқори бўлган гуруҳга мансуб бўлса, ҳомиладорликнинг учинчи триместри – 20-30 ҳафталик муддатда ОИВга қайтадан текширилади.

Қайта текширув ҳақидаги маълумот, текширувга кўрсатмалар ва таҳлил натижаси билан бирга ҳомиладор аёлнинг кузатуви хужжатларида қайд этилади. Туғуруқ муассасасига тақдим этиладиган алмашинув картасида иккала текширувнинг якуний натижалари кўрсатилади. Ҳомиладор аёл текширилганида ОИВ аниқланса, ва у диспансер назоратига олинса, унинг ташҳиси халқаро касалликлар таснифи 10-таҳририга (ХКТ-10) асосан код орқали қайд этилади. Тиббий хужжатларни юритиш жараёнида ва аёлга тиббий муассасадан жавоб берилганида, тиббий муассасалар орасида ёки тиббий ходимлар орасида хужжатлар “қўлдан қўлга” берилганида ва шу каби ҳолатларда конфиденциаллик ва мақомни ошкор этмасликка риоя қилиш мухим.

Ҳомиладор аёл туғуруқ хизматига шошилинч равища мурожаат қилса, ҳамда унинг шахсини тасдиқловчи хужжатлари ёки ОИВ инфекциясига текширилгани тўғрисидаги хужжати бўлмаса, ёки унинг аниқ турар жойи бўлмаса, аёл туғуруқхонада шошилинч равища экспресс-тест орқали текширилади.

Экспресс-тест таҳлил мұолажаси туғуруқхоналарда ҳар куни 24 соат давомида ўтказишга тайёр бўлиши керак, ОИВга таҳлил натижалари эса, текширувдан кейин 1 соат ичидан тақдим қилиниши лозим. Экспресс-тест орқали мусбат натижә олинган ҳолда, аёлга кечиктирмасдан ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш бўйича барча тадбирлар ўтказилиши керак. ОИВни онадан болага юқишини олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўз ичига онага РВҚД қисқа тезкор курсини ўтказиш, чақалоққа қисқа РВҚД курсини бериш ва чақалоқни сунъий озиқлантириши ўз ичига олади. Экспресс-тестнинг натижаси қандай бўлишидан қатъи назар, юқорида кўрсатилган шароитда мурожаат қилган ҳомиладор аёллар ўрнатилган тартибда одатдаги ОИВга текшируларидан ўтишлари керак.

## ОИВ БИЛАН ЯШОВЧИ АЁЛЛАРНИ ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВОМИДА КУЗАТУВИ

ОИВ билан яшовчи аёлларнинг ҳомиладорлик давридаги кузатуви амалдаги директив ҳужжатлар асосида бирламчи звено шифокорлари томонидан ва худудий ОИТСга қарши курашиш марказларининг мутхассислари билан биргалиқда ҳамда уларнинг назорати остида амалга оширилади. Бирламчи звено шифокори кузатув режасини тузади ва унинг бир нусхасини аёлга беради. Худудий ОИТСга қарши курашиш марказларининг мутхассислари режа асосида аёлнинг кузатувини назорат қилиб борадилар ҳамда зарурат туғилганида режани коррекция қиладилар. Ҳомиладор аёлнинг ташрифлари муддати ва мунтазамлиги унинг ўтмишда РВҚДга содиқлиги ҳамда вирусологик супрессия давомийлигига боғлиқ. Худудий ОИТСга қарши курашиш маркази шифокори ҳомиладор аёлга ҳар ойда ёки икки бир ойда бир марта маслаҳат беради, туғуруқнинг тахминий санасига яқин қолганида эса, имкони борича тез-тез кўриқдан ўтказиб туради. ОИВ ВЮ ни ҳомиладорликнинг 36-ҳафтаси ўтгунча икки ойда бир марта текшириб туриш лозим.

## КЎҚРАК СУТИ БИЛАН ОЗИҚЛАНТИРИЛАДИГАН ГЎДАКЛАРДА ОИВ ДИАГНОСТИКАСИ

ОИВ ни кўқрак сути билан озиқлантириш орқали онадан болага юқтириш хавфи 16% дан 30% гача ва ундан кўпdir, шунинг учун ОИВ инфекцияли аёлларга болаларини эмизмаслик, шунингдек, соғилган она сути билан боқиш тавсия этилмайди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, кўқрак сути билан озиқлантириш орқали юқтириш эҳтимоли охирги эмизилишигача давом этади.

Агар чақалоқларни сунъий озиқлантириш имконияти мавжуд бўлмаса, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) имкониятлари чекланган шароитда, ОИВ инфекцияли оналар ўз болаларини эмизиши кераклиги тўғрисида қарор қабул қилиши учун одатда, чақалоқнинг кўқрак сути билан озиқлантириш орқали ОИВ юқтириш хавфини тўйиб овқатланмаслик, диарея ва пневмониядан ўлимнинг юқори хавфи билан таққослашни тавсия қиласди.

**Сунъий озиқлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш учун МАФБХ мезонлари (мақбуллиги, амалга оширилганлик, фойдаланиш имконияти, барқарорлик ва хавфсизлик) қўлланилади:**

**Мақбуллик.** Маданий урф-одатлар, ижтимоий шароитлар, стигма ёки дискриминация қўрқуви туфайли онанинг сунъий озиқлантиришга тўсиқлари йўқ.

**Амалга ошириш имконияти.** Онада (ва унинг оиласида) сут аралашмасини тайёрлаш ва болани кунига 12 марта гача овқатлантириш учун етарли вақт, билим, амалий кўникма ва бошқа шароитлар мавжудлиги.

**Фойдаланиш имконияти.** Она (ва унинг оиласи) оилани соғлиғи ва овқатланишига зарар етказмасдан сунъий озиқлантириш харажатларини тўлашга қодир ёки сунъий озиқлантириш соғлиқни сақлаш тизими кўмаги ёрдами тақдим этилади. Имконият тушунчаси болада диарея туфайли тиббий ёрдамнинг мавжудлиги (зарур бўлганда) ва бундай даволаниш учун пул маблағлари мавжудлигини таърифлаш учун ҳам қўлланилади.

**Барқарорлик.** Боланинг эҳтиёжига кўра сунъий озиқлантириш учун зарур бўлган барча ингредиентлар ва маҳсулотларни доимий ва узлуксиз таъминоти ва тақсимлашнинг ишончли тизими.

**Хавфсизлик.** Сунъий озиқлантириш аралашмаси гигиена стандартларига мувофик равишда тўғри тайёрланади ва тўғри сақланади; бола уни гигиена талабларига риоя қилган ҳолда етарли миқдорда қабул қиласди.

## ПАЛЛИАТИВ ЁРДАМ

### УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Паллиатив ёрдамга муҳтож бўлган ва ёрдам олишни ҳохлаган ҳамма беморлар бундай ёрдам билан таъминланиши керак. Паллиатив ёрдам Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган стандартлар асосида ва беморнинг эҳтиёжларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бундай турдаги ёрдамнинг энг асосий қисмлари – беморларнинг жисмоний, руҳий, ижтимоий азобларини енгиллатишга қаратилган муолажалардан иборат. Шунингдек, бу хизмат паллиатив ёрдам оловчи шахсларнинг фаолияти давомида юзага келадиган ҳиссиётларни ва кечинмаларни юмшатиш учун шароит яратиш ва уларни қўллаб-кувватлашдан иборат.

Паллиатив ёрдам хизматининг асосий вазифалари:

- паллиатив ёрдам яхши самара бериши мумкин бўлган беморларни аниқлаш;
- беморларнинг жисмоний, ҳиссий, ижтимоий, маънавий азобларини бирламчи ва қайта баҳолаш; уларнинг оила аъзоларининг ҳиссий, ижтимоий, маънавий азобларини қайта баҳолаш;
- азоб берувчи оғриқ ва жисмоний симптомларни енгиллаштириш;
- маънавий, руҳий ва ижтимоий эҳтиёжларга мутаносиб бўлиши;
- беморнинг қадриятларини аниқлаш ва ушбу қадриятларни ҳисобга олган ҳолда кўрсатиладиган ёрдамни белгилаш.

### Бирламчи паллиатив ёрдам кўрсатишнинг асосий усуслари

<p><i>Беморни аниқлаш, ҳолатини баҳолаш, ташҳис қўйиш ва қуидаги ҳолларда қатъий чораларни кўриш:</i></p>	<p><i>Беморни аниқлаш, ҳолатини баҳолаш, қўллаб-кувватлаш, қатъий чораларни кўриш ҳамда қуидаги ҳолларда зарурат бўлса, мутахассис маслаҳатига юбориши:</i></p>
<b>Жисмоний ёрдамга эҳтиёж бўлиши</b>	
<p>Оғриқ (ҳамма турдаги)</p> <p>Респиратор муаммолар (нафас қисиши, йўтал)</p> <p>Ошқозон-ичак тизимидағи муаммолар (қабзият, кўнгил айнаши, қайт қилиш, оғиз қуриши, оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг жароҳатланиши, ич кетиши)</p> <p>Алаҳлаш</p> <p>Терида яра-чақалар, тошма ва жароҳатлар</p> <p>Үйқу бузилиши</p>	<p>Тез чарчаш</p> <p>Иштаҳа йўқолиши</p> <p>Камқонлик</p> <p>Уйқучанлик ва ланжлик</p> <p>Кўп терлаш</p>

<b>Руҳий/ҳиссий/маънавий ёрдамга эҳтиёж бўлиши</b>	
Руҳиятнинг издан чиқиши Хавотирлик ҳолати Беморнинг оила аъзолари ёки уларни парвариш қилувчи шахсларнинг азобланиши	Маънавий эҳтиёжлар ва “ҳаёт-мамот” муаммолари Тушкунлик Беморнининг оила аъзолари ёки парвариш қилган шахсларни, уни йўқотганларидан кейин қўллаб қувватлаш
<b>Kўриб чиқиб, ташкил қилиш</b>	
<b>Ёрдамни режалаштириш ва мувофиқлаштириш</b>	
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Мавжуд қўллаб-қувватлаш турлари ва имкониятларни аниқлаштириш;</li> <li>2. Беморнинг эҳтиёжларига асосланган ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;</li> <li>3. Бемор ҳаётининг охирги ҳафта/кунларида парваришни таъминлаб бериш;</li> <li>4. Дори-дармонлар заҳирасини ва уларни олиш учун имкониятни таъминлаш;</li> <li>5. Ёрдам кўрсатувчи мутахассисларнинг руҳий ижтимоий/маънавий эҳтиёжларини аниқлаш.</li> </ol>	
<b>Мулоқот масалалари</b>	
<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ташҳисот, даволаш, касаллик оқибатларининг башорати, касаллик белгилари ва уларни даволаш бўйича, шунингдек, bemorning охирги кунлари/ҳафталарида парвариш қилиш масалалари бўйича bemor, uning оила аъзолари ва парвариш қилаётган шахслар билан мулоқотни таъминлаш;</li> <li>2. Бемор ва uning оила аъзолари/парвариш қилувчи шахслар билан биргаликда бирламчи масалаларни аниқлаштириш ва белгилаш;</li> <li>3. Мавжуд имкониятларга мувофиқ ҳолда bemorga ва уни парвариш қилувчи шахсларга маълумот ҳамда тавсиялар тақдим этиш.</li> </ol>	

## ПАЛЛИАТИВ ЁРДАМ УЧУН ҚЎЛЛАНАДИГАН РУҲИЙ ВА МАЪНАВИЙ УСУЛЛАР:

- мусиқа
- йога
- зарар келтирмайдиган фойдали халқона анъанавий амалиётлар;
- руҳий-ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва маслаҳат бериш (қўллаб қувватлаш гурухлари, мультидисциплинар жамоа аъзоларининг ёрдами, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий ходимлари)
- релаксацион терапия
- дикқатни ҷалғитиш, масалан, радио эшлиши
- жамоатчилик кўмагидан фойдаланиш
- медитация
- қизиқарли ва оммабоп маълумотларни бериш
- болаларга ғамхўрлик қилиш

## **ЖИНСИЙ ЙҮЛ БИЛАН ЮҚУВЧИ КАСАЛЛИКЛАР. АСОСИЙ МАЪЛУМОТЛАР ВА ПРОФИЛАКТИКА УСУЛЛАРИ**

**УШБУ БҮЛİMДА ҚУЙИДАГИЛАР ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

- ЖЙЮК касаликлар ва улар тоифасига кирадиган касалликлар түғрисида
- ЖЙЮК дунё миқесида тарқалиши түғрисида
- ЖЙЮК юқтириш хавфи гуруҳига киравчи шахслар түғрисида
- ЖЙЮКнинг инсон соғлиғига етказадиган заарлари түғрисида
- ЖЙЮК юқиш йўллари түғрисида
- ЖЙЮК намоён бўлиши түғрисида
- ЖЙЮК юқишини олдини олиш усуллари түғрисида

### **АСОСИЙ ФАКТЛАР:**

- Дунё бўйлаб ҳар куни 1 миллиондан ортиқ жинсий йўл билан юқадиган инфекцияланиш рўй беради ва уларнинг аксарияти асимптомик (белгиларсиз) кечади.
- Тахминларга кўра, йилига ЖЙЮКнинг тўртта туридан (хламидия, гонорея, сифилис ёки трихомониазм) бирига тўғри келувчи 374 млн инфекцияланиш рўй беради.
- Генитал герпес (пуфакли лишай) инфекцияси билан касалланган 15-49 ёш оралиғидаги одамларнинг сони 500 млдан ортиқни ташкил қиласди.
- 2018 йилда, ОПВ инфекцияси оқибатида 570 000 бачадан бўйни саратони билан касалланиш ҳолати рўй берди, ундан 311 000дан ортиғи ўлим билан якун топди.
- 2016 йилда, деярли 1 млнга яқин ҳомиладор аёлларда сифилис(захм) инфекцияси кузатилди, натижада улардан 350 минги туғурикдаги нохуш натижаларга, 200 минги ўлик бола туғилиши ва янги туғилган чақалоқнинг нобуд бўлишига олиб келди.
- ЖЙЮК жинсий ва репродуктив саломатликка бевосита таъсир қиласди, стигматизация, бепуштлик, онкологик касалликлар, ҳомиладорлик давридаги нохушликларни келтириб чиқаради ва ОИВ инфекцияси хавфини оширади.
- ЖЙЮКнинг глобал юкини камайтиришга ҳалал берувчи асосий тўсиқлардан бири бу инфекцияларнинг, айниқса гонореянинг дори воситаларига чидамлилигидир.

### **ЖИНСИЙ ЙЎЛ БИЛАН ЮҚАДИГАН ИНФЕКЦИЯЛАР**

“Жинсий йўл билан юқадиган касалликлар” ёки “Жинсий йул билан юқадиган инфекциялар” атамалари остида жинсий йўл билан юқадиган юқумли касалликлар тушунилади. Махаллий тиббиётда фақат жинсий йўл билан юқадиган касалликлар одатда венерик касалликлар гуруҳига (сифилис, гонорея, хламидия ва трихомониаз, ВПЧ, генитал герпес, юмшоқ шанкр) ажратилади. Бошқа ЖЙЮК парентрал юқиш йўли (Гепатит В, С, ОИВ), тўғридан-тўғри мулоқотда (қичима), вертикал юқиш йўли билан (хиламидоз) юқади.

### **ТАСНИФЛАШ**

Жинсий йўл билан юқадиган касалликларга қуийдагилар киради:

- Бактериал инфекциялар: шанкр сифилис, венерик лимфогранулома, хламидия, микоплазмоз, гонорея.

- Вирусли инфекциялар: ОИВ, генитал герпес, инсон папилломавируси келтириб чиқарувчи гепатит В, цитомегаловирус, Капоши саркомаси;
- Протозой инфекциялар: трихомониаз;
- Замбуруғли инфекциялар: кандидоз;
- Паразитли касалликлар: фтириоз, қичима.

## ЮҚИШ ЙҮЛЛАРИ

ЖЙЮКнинг асосий хусусиятларидан бири қўзғатувчининг (патогенларнинг) атроф-муҳит шароитларига нисбатан сезувчанлиги бўлиб, бу қўзғатувчининг инфекциялаш учун тўғридан-тўғри алоқага муҳтожлигини билдиради.

Венерик ЖЙЮК гурухи ҳимояланмаган жинсий алоқа (шу ўриндан, орал-генетал шаклда ҳам) орқали юқади.

Кенг маънода олиб қараганда ЖЙЮК юқишиниг бошқа турлари ҳам мавжуд. Қин трихомонадаси нам муҳитда хўл сочиқларда ,силлик юзаларда) ўзининг юқумлилигини узоқ вақт сайлаб қолади. Шу сабабли, одам папиллома вирусини юқтиришда кундалик хаётдаги яқинликлар, тана яқинлиги ҳам етарли бўлиши мумкин.

Қичима ва бошқа қинустি касалликлари кундалик хаётда уй-рўзғор буюмлар орқали ўтиши мумкин.

## МУАММОНИНГ КЎЛАМИ

ЖЙЮКлар бутун дунё бўйлаб жинсий ва репродуктив садоматликка чуқур салбий таъсир кўрсатади.

Кунига 1млндан ортиқ ЖЙЮК юқтириш ҳолатари содир бўлади. ЖССТ берган маълумотга кўра, 2016 йилда жинсий йўл билан юқадиган тўрт хил касалликлардан бири – хламидия (128 млн), гонорея(87 млн), сифилис (6,3 млн) ёки трихоминиаз (156 млн) билан касалланишнинг 376 млн ҳолати қайд этилган. 500 миллиондан ортиқ одам генитал герпес инфекцияси билан яшайди ва 300 миллионга яқин аёллар бачадон бўйни саратонига олиб келувчи ОИВ билан касалланган. Дунё бўйлаб тахминан 240 млн одам сурункали гепатит В билан яшайди. ОИВ ва гепатит В ни келтириб чиқарувчи инфекцияларни эмлаш орқали олдини олиш мумкин.

ЖЙЮК организм заарланишида инфекциянинг бевосита таъсиридан ташқари бошқа қатор жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- Герпес вас сифилис каби жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ОИВ билан касалланишни уч ёки ундан кўп марта ошириши мумкин.
- ЖЙЮК нинг онадан болага юқиши неонатал ўлим (боланинг ўлик туғилиши)га , туғилганда ҳажм етишмаслиги ёки чала туғилиш, сепсис, пневмония, неонатал конюктивит ва туғма ногиронликларга олиб келади.
- Статистикага кўра, 1 млнга яқин ҳомиладор аёлларда сифилис(захм) инфекцияси кузатилган, натижада улардан 350 минги туғуриқдаги нохуш натижаларга, 200 минги ўлик бола туғилиши ва янги туғилган чақалоқнинг нобуд бўлишига олиб келди.
- ОПВ инфекцияси оқибатида 570 000 бачадан бўйни саратони билан касалланиш ҳолати рўй берди, ундан 311 000дан ортиғи ўлим билан якун топди.
- Гонорея ва хламидия каби ЖЙЮКлар аёлларда тос аъзоларининг яллиғланиши ва бепуштликнинг асосий сабоблари ҳисобланади.

## МАСЛАҲАТ БЕРИШ ВА ХУЛҚ-АТВОРНИ ЎЗГАРТИШГА АСОСЛАНГАН УСУЛЛАР

ЖЙЮК ва исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олишда бирламчи бўлган восита хулқ-атворни ўзгартариш бўйича маслаҳат ва чора-тадбирлар кўришдир.

Улар хусусан:

- Тестдан олдин ва кейин жинсий алоқа, ОИВ ва ЖЙЮК турлари ҳақида атрофлича муҳокамалар ва маслаҳатлар бериш.
- Хавфсиз жинсий алоқа мақсадида контрацептив воситалардан фойдаланишиш
- Ўсмирлар, гиёхванд моддаларини қабул қилувчи шахслар, мукофот учун жинсий алоқа қилувчи шахслар каби заиф гурухларга қаратилган чора-тадбирлар.
- Ўсмирларнинг эҳтиёжларига қаратилган таълим ва маслаҳатлар.

Бундан ташқари маслаҳат ва тушунириш ишлари одамларнинг жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар аломатларини ўз вақтида аниқлай олишлари ва тиббий ёрдамга мурожаат қилишни ўз жинсий шерикларига маслаҳат беришлари имкониятини оширади. Афсуски, аҳолининг етарлича маълумотга эга эмаслиги, соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассисларининг тўлиқ тайёргарликка эка эмаслиги ва бу мавзу ҳақида кенг тарқалган стереотиплар ОИВ ва ЖЙЮК ларга қарши кенг ва самарали курашишда ҳалал бермоқда.

## БУГУНГИ КУНДА ЖЙЮК НИНГ ҲАММА ТУРЛАРИГА ДАВО БОРМИ?

Бугунги кунда ОИВ инфекцияси ёки репродуктив аъзоларининг герпеси каби инфекциялардан тўлиқ тузалишнинг иложи йўқ.

Бактериал хусусиятга эга бўлган ёки протозо ва паразитлар (гонорея, сифилис, трихомониаз, қичима) туркумидаги ЖЙЮК турларини эса шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиш орқали муваффақиятли даволаш мумкин.

## ЖЙЮКНИ ЮҚТИРИБ ОЛИШ НИМАЛАРГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

ЖЙЮКнинг инсон организмига бўлган салбий таъсири репродуктив органларнинг шикастланиши ва ноқулайликларни келтириб чиқарибгина қолмай, ташхиснинг ўз вақтида қўйилмагани ёки нотўғри даволаниш (ўз-ўзини даволаш) ЖЙЮКнинг сурункали касаллик сифатида ривожланишига ва кейинчалик турли асоратларни келтириб чиқаришига (масалан, беспуштликни) олиб келади. Қолаверса, бошқа орган ва системаларнинг заарланиши (таносил аъзоларидан ташқари, виссерал сифилис, нейросифилис, хламадиоз), онкологик касалликлар (папилломавируслар билан касалланганида бачадан бўйни саратони) келиб чиқиши ва натижада ўлимга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари кеч ташхис қўйилиши ва даволаниш жинсий шерикнинг ҳам касалланишига ва касалликнинг тарқалиб боришига олиб келади.

Репродуктив йошдаги аёлларда ЖЙЮК билан касалланиш репродуктив соҳадаги турли хил касалликларга, масалан, беспуштлик, бачадондан ташқари ҳомиладорликка; ҳомила тушиши, вақтидан аввал туғиб қўйиш, ҳомиланинг чала ёки ногирон туғилиши, ҳомиланинг ОИВ ёки ЖЙЮК билан инфекцияланишига олиб келади.

Эркакларда ҳам ЖЙЮК билан инфекцияланганда, беспуштлик ва репродуктив тизимнинг заарланиши каби ҳолатлар кузатилади.

Бундан ташқари юқорида санаб ўтилган барча ҳолатлар касалликни ташхислаш, уни даволаш ва организмни қайта тиклашга бўлган имконитларни яратиш учун катта харажатларга олиб келади.

## **ҮЗНГИЗДА ЖЙЮК БОРЛИГИГА ШУБХА ПАЙДО БҮЛСА, БИРИНЧИ НАВБАТДА НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?**

Бундай ҳолларда албатта зудлик билан шифокорга ёрдам сұраб мурожаат қилиш керак.

## **ЖЙЮК ҚАНДАЙ ЮҚАДИ? ЖИНСИЙ АЛОҚА ЙҰЛИДАН ТАШҚАРИ ЮҚИШНИНГ ЯНА ҚАНДАЙ ЙҰЛЛАРИ МАВЖУД?**

ЖЙЮКнинг инфекция ташиш асосий йүли бу соғлом күринса-да үзида шу инфекция мавжуд бўлган инсондир. Фақатгина жинсий яқинлик орқали ЖЙЮКни юқтириб олиш мумкин.

Лекин шуни ёдда тутиш керакки, сифилис, қичима, контагион моллюск каби қатор касалликлар кундалик ҳаётдаги үзаро жисмоний яқинликларда ҳам юқиши мумкин (бир ётқода ётиш, бир сочиқдан фойдаланиш).

ОИВ ва вирусли гепатитларнинг юқишида эса жинсий алоқадан ташқари инъекция орқали ўтиши каби ҳолатлар айниқса гиёхвандлар орасида кўп кузатилади

## **ЖЙЮКНИНГ УМУМИЙ БЕЛГИЛАР БОРМИ?**

ЖЙЮКнинг турлари кўп бўлишига қарамай, уларда қуйидаги умумий хусусиятлар кузатилади:

- Касаллик беморда ҳеч қандай белгиларсиз ва сезиларсиз равишда кечади(айниқса аёлларда).
- Даволанилмаса, касаллик сурункали тарзга айланади ва репродуктив тизимни заарarlантиради.
- Ушбу касал билан касалланганлар ва уни юқтириб олганлар ўз атрофларида гиларини ҳум заарлашлари мумкин, шунинг учун, уларнинг жинсий жуфтлари ҳам текширувдан ўтказиш ва даволанишлари керак.
- ЖЙЮК юқишини аниқлай олса бўладиган алоҳида үзига хос хусусиятнинг йўқлиги. Бу эса фақатгина лабаратория тестлари орқали ташхисни тасдиқлашни талаб қиласди.
- Касаллик пайдо бўлган илк босқичларда аниқлай олишдаги қийинчилликлар.
- Турли хил турдаги ЖЙЮКнинг бир-бирига ўхшаб кетиши.

## **ЖЙЮКНИНГ ҚАНДАЙ ҮЗИГА ХОС БЕЛГИЛАР МАВЖУД?**

Эркакларда ЖЙЮКнинг энг кўп тез-тез сийдик чиқариш, қичишиш, ачишиш ва сийиш пайтида оғриклар, репродуктив органларда тошмалар (яралар, қаваришлар), чов соҳасидаги лимфа тугунларининг катталишиши, мояклардаги оғриклар билан намоён бўлади.

Аёлларда, кўпинча симптомсиз ўтади, баъзи ҳолларда, қинда (кўп, кўпикли, ёқимсиз хид билан сузмасимон ажратма) қичима, ачишиш, жинсий органларда безовталиқ, сийиш пайтида ва жинсий алоқа пайтида оғриқ, қорин пастида оғриқ, ғайритабиий оқинди пайдо бўлиши, репродуктив органлар яраси, пуфакчалари, човда лимфа тугунларининг катталashiши, ҳайз циклининг бузилиши мумкин.

Баъзи ҳолларда эркакларда ҳам, аёлларда ҳам танада, кафтларда, оёқ тагида тошмалар тошиши, соч тўкилиши, шиш ва кўзнинг шикастланиши, оғизда тошмалар пайдо бўлиши мумкин.

## **МАХСУС ЛАБОРАТОРИЯ ТЕКШИРУВИСИЗ ҮЗИДА ЁКИ БОШҚА ШАХСДА ЖЙЮК МАВЖУДЛИГИНИ АНИҚЛАШ МУМКИНМИ?**

ЖЙЮКни тасдиқлаш ёки рад этиш фақат лаборатория тестлари ва шифокор хулосалари асосида амалга оширилиши мумкин. Бирок, улар жинсий алоқадан кейин дарҳол намоён бўлмайди, балки инфекция юққандандан бир неча вақт ўтибигина касаллик борлиги аниқланади. Ҳар бир ҳудудда ЖЙЮКни текшириш учун мўлжалланган талайгина муассасалар мавжуд.

## ЖЙЮКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ ҚАЙСИЛАР?

ЖЙЮКни олдини олишнинг асосий усуллари инфекция юқиш хавфини бартараф этиш ёки камайтиришдир. Мижозларга тушунтириш ишларини ўтказиш, уларга ЖЙЮК (ОИВ инфекциясини ўз ичига олган) ва ҳомиладорликдан бир вақтнинг ўзида (икки тарафлама ҳимоя) ҳимоя қилиниш бўйича тавсиялар бериш мумкин.

## ЖЙЮКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ ЭНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ ҚАЙСИЛАР?

ЖЙЮКни олдини олишда эҳтиёткорлик энг самарали йўл бўлиб, бу қуидагиларни ўз ичига олади:

- жинсий ҳаётнинг эрта бошланишидан воз кечиш;
- ишонадчли ягона жуфтликни танлаш;
- тасодифий жинсий алоқаларидан воз кечиш;
- ЖЙЮКни олдини олиш шахсий воситаларидан фойдаланиш;
- ЖЙЮК шубҳа қилинган тақдирда, шубҳали жуфт билан тасодифий жинсий алоқа бўлганда, дарҳол тиббий муассасага мурожаат қилиш.

Шуни эсда тутиш керакки, биринчи навбатда, ЖЙЮКнинг олдини олиш ички ахлоқий муносабатларга боғлиқ (жинсий ҳаётнинг кечроқ бошланишига, никоҳдан олдин жинсий муносабатлардан воз кечишга қаратилган).

Жинсий ҳаётни бошлашда жуфтнинг босими, уни йўқотишдан қўрқиши, уни мамнун қилиш ва муносабатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш учун билан эмас, балки ўзининг онги ва истага билан қарор қабул қилиш керак. Бундай ҳолатларда жинсий муносабатларнинг барча томонларини аниқ муҳокама қилиш керак ва бу шерик билан жинсий ҳаётни бошлашни истамайдиган ҳолатларда рад этиш билан жавоб бериш керак.

Шундай қилиб, ЖЙЮКлар жуда кенг тарқалган бўлишига қарамасдан, энг оддий тавсияларни бажариш (жинсий ҳаётнинг эрта бошланишидан воз кечиш, доимий жинсий жуфтлик, маҳсулот №2 дан фойдаланиш) жинсий ҳаётнинг хавфсизлигини ва соғлиқни сақлашни кафолатлади.

## ЖЙЮКЛАР ФОНИДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИННИНГ ЮҚИШ ХАВФИ ОШАДИМИ?

Ҳа, албатта. Ҳусусан, ташқи репродуктив органларда (масалан, юмшоқ шанкр ва сифилис) яралар пайдо бўлишига олиб келадиган инфекциялар мавжудлиги ОИВ инфекцияси юқиш хавфини оширади. Бошқа ЖЙЮКлар ҳам ОИВ билан касалланиш хавфини ошириши мумкин.

## ЖЙЮКГА ЧАЛИНИШ ХАВФИ КИМДА ЮҚОРИРОҚ – ЭРКАКЛАРДАМИ ЁКИ АЁЛЛАРДА?

Агар бундай хавф мавжуд бўлса, албатта, ўзининг биологик тузилишининг ўзига хослиги жиҳатидан аёллар, эркакларга нисбатан кўпроқ касаллик юқтириш хавфига мойил бўладилар.

Аёлларда ЖЙЮК қўзғатувчиларининг организмга кириши учун потенциал юзаси эркакларникуга қараганда анча катта (бачадон ва вагина). Бундан ташқари, жинсий алоқа пайтида вагинал тўқималарнинг микро ёрилишлари мавжуд бўлгани сабабли, патоген микроорганизмлар кириб бориши учун осон йўл ҳосил бўлади.

## БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

УШБУ БҮЛИМДА ҚҮЙИДАГИЛАР ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

- ◊ Бачадон бүйни саратонининг аёллар саломатлигига таҳдида ҳақида
- ◊ Бачадон бүйни саратони нима ва нима сабаб пайдо бўлиши ҳақида
- ◊ Аёлларда саратон ва бошқа касалликларнинг ривожланишида инсон папилломавирусининг аҳамияти ҳақида
- ◊ Бачадон бүйни саратони ривожланишида ким хавф остида эканлиги ҳақида
- ◊ Касалликнинг турли босқичларида бачадон бүйни саратонининг белгилари ва кўринишлари ҳақида
- ◊ Бачадон бүйни саратони скрининг усуллари ҳақида
- ◊ Турли тоифадаги аёлларни текшириш вақти ва частотаси ҳақида
- ◊ Пап суртмаси ва колпоскопия нима экани ҳақида
- ◊ Прекансероз касалликларни даволашнинг турли усуллари ҳақида
- ◊ Бачадон бүйни саратонининг олдини олиш усуллари ҳақида

**БУТУН ДУНЁДАГИ АЁЛЛАР САЛОМАТЛИГИ УЧУН БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ ХАВФИ ҚАНДАЙ?**

Бачадон бүйни саратони аёллар ҳаётининг енг жиддий таҳдидларидан биридир. Бугунги кунда дунёда бир миллиондан ортиқ бачадон бүйни саратони билан касалланган беморлар мавжуд. Уларнинг аксариятига ўз вақтида ташхис қўйилмаган, улар учун даволанишга ёки уларнинг ҳаётини узайтира олишга мос даволаниш имконият йўқ.

Тахмин қилишича, келгуси 10 йил ичидаги бачадон бүйни саратонидан ўлимлар сони деярли 25% га ошади, деб тахмин қилинади. Бачадон бүйни саратони дунёнинг барча мамлакатларида учрайди, аммо Марказий ва Жанубий Америка, Шарқий Африка, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё ва Фарбий тинч океанида энг юқори кўрсаткич кузатилади.

**БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ НИМА?**

Саратон – хавфли ўсимта бўлиб, организмда муайян ҳужайраларнинг назоратсиз кўпайиши туфайли пайдо бўлади.

Доимий мавжуд бўлган ОПВ (ОПВ – Одамнинг папиллома вируси) кўп ҳолларда бачадон бүйни саратонининг келиб чиқишига сабаб бўлади. Микроскоп остида кўрилса, ёки маҳсус гистологик таҳлил ўтказилса ОПВни иккита асосий турга ажратиш мумкин. Аденокарсинома ва текисхужайрали рак. 90% ҳолларда бачадон бўйнидан ташқари юзада жойлашган текисхужайрали карсинома ривожланади. Қолганатиш эса ҳолатларда бачадон каналининг ҳужайраларидан келиб чиқсан адено-карсиномага тўғри келади.

Бачадон бүйни саратони қизларни одам папиллома вирусига қарши эмлаш билан ва аёлларда рак олди бачадон бүйни касалликларни скрининг қилиш ва даволаш орқали олдини олиш мумкин, чунки бу касалликлар кўп йиллар давомида инвазив саратон ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари, эрта аниқлаш билан бачадон бүйни саратонини даволаш мумкин.

## **БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ ҚАНДАЙ КЕЛИБ ЧИҚАДИ?**

Бачадон бүйни саратони одам папиллома вируси сабабли ёки қисқача ОПВ деб аталадиган вирусдан келиб чиқсан инфекциядир. Бу жуда кенг тарқалған ва жинсий йўл билан юқади, шунинг учун кўпчилик одамлар ҳаётининг қайсиdir бир босқичида унга тўқнаш келади. Аксарият ҳолларда бу инфекция ўз-ўзидан йўқолади. Аммо инфекция юқсан аёлларнинг айримларида вирус яшашда давом этади. Бу аёлларда вирус бачадон ҳужайраларининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Агар бу ўзгаришлар скринингтекширувида аниқланмаса ва олиб ташланмаса, улар бачадон саратонига олиб келиши мумкин.

## **САРАТОН ОЛДИ БАЧАДОН БҮЙНИ КАСАЛЛИКЛАРИ НИМА?**

Бачадон бүйни касалликлари, одам папилломавируси томонидан чақириладиган, бачадон бүйни юзасидаги ҳужайраларда муайян ўзгаришларни келтириб чиқарадиган касаллик ҳисобланади. Рак олди касалликлари босқичида бўлишига қарамай, кўпчилик хавфли ўсимталарга ташхис қўйиш ва даволаш осон эмас.

Бачадон бүйни саратони инвазив рак пайдо бўлгунча, кўп йиллар давомида ривожланади, бу эса ракни аниқлаш ва даволаш учун катта имкониятлар беради. Афсуски, олдини олиш имкониятларига қарамасдан, кўплаб аёллар ҳали ҳам бачадон бүйни саратонидан ўлишади. Бу ҳолат, профилактика ва тиббий ёрдамдан фойдаланишининг етишмаслиги туфайли юзага келади, бу эса ўз навбатида тиббий ёрдам олишни чекловчи тўсиқлар (масалан, иш соатлари, масофа, транспортнинг етишмаслиги) каби кўплаб омиллар билан боғлиқ бўлиши мумкин.

## **БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИГА ЧАЛИНИШ ХАВФИ КИМДА ЮҚОРИ?**

Деярли барча фаол жинсий ҳаёт тарзни олиб борувчи аёллар, ҳатто анъанавий жинсий муносабатлари бўлмаганлари ҳам, ОПВ билан касалланиши мумкин ва бу бачадон бүйни саратони ривожланиш хавфини оширади.

Айниқса, ҳеч қачон скрининг доирасида текширувдан ўтмаган аёлларда хавф юқори. ОИВ инфекцияси билан касалланган беморларда бачадон бүйни саратони ривожланиш хавфи бирмунча юқори бўлиб, у асосан ёшлик даврга тўғри келади. Аксарият аёлларнинг организми мустақил равишда ОПВдан ҳолос бўлади ва уларда бачадон бүйни саратони ҳеч қачон ривожланмайди. Бирок, рак ривожланганини билишнинг ягона йўли скрининг ҳисобланади. Бачадон бүйни саратони 40-60 ёшгача аёлларда учрайди, шунинг учун 30-49 ешларида бачадон касалликлари скринингни амалга ошириш зарур.

## **БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИНИ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ МУМКИН?**

Бачадон бүйни саратонини олдини олишнинг энг самарали усувлари қизлар учун жинсий ҳаёт бошланишидан олдин уларни эмлаш ва 30-49 ёшдаги аёлларни скринингдан ўtkазиш ҳисобланади. Скрининг доирасидаги текширув натижаси ижобий бўлса, аёлни шошилинч равишда даволаш керак. Бу унинг ҳаётини саклаб қолиши мумкин. Натижа манфий бўлса, миллий тавсияларга мувофиқ тақорор текширувдан ўтиш керак. Агар қизингиз бўлса, ОПВ вакцинасининг барча тавсия этилган дозаларини олишига даъват этинг. Бундан ташқари унга, эрта даволанишининг аҳамияти ҳақида айтиб беринг. Жинсий ҳаёт кечирадиган барча одамлар жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг олдини олиш чораларини билишлари керак (масалан, жинсий ҳаётнинг бошланиши, презервативлардан фойдаланиш ва шерилар сонини чеклаш). Чекиш ОПВ билан касалланган аёлларда бачадон бүйни саратони хавфини ошириши мумкин.

## ЭРТА БОСҚИЧДА БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ БЕЛГИЛАРИ ҚАНДАЙ?

Эрта босқичларда бачадон бүйни саратони белгилари қуидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- вагинал суртма, баъзан ёмон ҳидли;
- 35 ва ундан юқори ёшдаги аёлларда қонли суртма;
- ҳар қандай ёшдаги аёлларда жинсий алоқадан кейин қонли суртма келиши.

## КЕЧКИ БОСҚИЧЛАРДА БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ БЕЛГИЛАРИ ҚАНДАЙ?

Кечги босқичларда бачадон бүйни саратонида қўшимча равишда, қуидаги белгилар кузатилади:

- тез-тез ёки қийин сийиш, сийдик чиқариш учун мажбурий уриниш;
- қиндан сийдик ёки нажасни чиқариш;
- қаттиқ бел ёки пастки қорин оғриғи;
- битта ёки иккала оёқнинг шишиши.

## ҚАЙСИ АЁЛЛАР ГУРУХЛАРИ БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ РИВОЖЛАНИШИГА КЎПРОҚ МОЙИЛ БЎЛАДИ?

Энг юқори хавфга эга бўлган шахслар энг кам ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Ёрдамни ташкил қилиб, хавфли гурухлардаги қизлар ва аёллар унга мурожаат қилишларини кутиш етарли эмас.

Энг хавфга мойил гурухларни жалб қилиш учун маҳсус ҳаракатлар қилиш лозим.

Ушбу гурухларга қуидагилар киради:

- қизлар (айниқса, расмий ўқимаган қизлар);
- тиббий ёрдам жойларидан узоқ ва иқтисодий тамонлама етишмовчилиги мавжуд аёллар;
- муҳожирлар, қочқинлар ва бошқа алоҳида гурухлар;
- ОИВ инфекцияси ёки бошқа иммунитет танқислиги бўлган аёллар ва қизлар.

## БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ ВА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ҲАҚИДА НИМА ДЕЙИШ МУМКИН?

Бачадон бүйни саратони – ОИВ инфекцияга чалингнларда орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг диагностик мезонидир.

ОИВ инфекцияси ва бошқа иммунитет танқислиги юқори бўлган аёлларда, организмда узоқ бўлувчи ОПВ чақирган инфекция ва бир нечта онкоген ОПВ турларидан келиб чиқсан инфекция частотасини (инфекциянинг юқиш хавфи иммунитет танқислиги кучайиб бориши билан ортади) оширади.

ОПВ чақирган инфекцияга мойиллик ортиб боради:

- ёшларда рак олди касалликлар ва бачадон бүйни саратони пайдо бўлиш хавфи иммунитет танқислигининг кучайиб бориши билан ортади;
- ОИВ билан касалланмаган аёлларга қараганда бачадон бүйни саратонининг ривожланиш хавфини оширади (10 йилгача);
- хавфли ўсимталар кўпроқ аниқланади.

## **БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ СКРИНИНГИ НИМА?**

Бачадон бүйни саратони скрининги – бу барча бачадон бүйни саратони пайдо бўлиш хавфи юқори бўлган аёлларни рак олди касалликларини аниқлаш учун амалга ошириладиган текширув. Агар бачадон бүйни рак олди касалликлари аниқланса, аммо даволаш амалга оширилмаса, инвазив саратон 10 йил ёки ундан кўпроқ вақт ичидаги ривожланиши мумкин. Скрининг учун ишлатилиши мумкин бўлган жуда самарали усуllар мавжуд. Бироқ, яшаш жойига ва мавжудлигига қараб, улардан фақат уларнинг бир туридан фойдаланиш мумкин.

### **БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ СКРИНИНГ УСУЛЛАРИ**

- Молекуляр скрининг
- Визуал скрининг

## **БАЧАДОН БҮЙНИ САРАТОНИ СКРИНИНГИ ДОИРАСИДА КИМ ТЕКШИРИЛИШИ КЕРАК?**

Рак олди касалликлар деб аталадиган бачадон бүйнидаги эрта ўзгаришларни аниқлаш учун скрининг доирасида 30-49 ёшдаги аёлларни текшириш керак.

Рак олди касалликлар ва бачадон бүйни саратони скрининг текшируви доирасида ОИВ инфекцияси аниқланган барча жинсий ҳаёт кечираётган аёллар ва қизлар ёшидан қатъий назар текширувдан ўтказилиши кўрсатилган.

ОИВ билан касалланган қиз ва аёлларни қайта текшириш рак олди бачадон бүйни касалликларини даволаш бошлангандан сўнг 12 ойдан кейин ва скрининг доирасида ўтказилган текширувнинг манфий натижасидан уч йил ўтгач амалга оширилади.

## **ҲЕЧ ҚАНДАЙ ШИКОЯТ БЎЛМАСА, ТЕКШИРИШ КЕРАКМИ?**

Касаллик чақирмасдан олдин ОПВ кўп йиллар давомида аёлнинг танасида мавжуд бўлади. Кўп йиллар ўтгач, у рак олди касалликлар деб аталадиган бачадон ҳужайраларининг ўзгаришига олиб келади. Бачадон бүйни рак олди касалликлари бўлган bemorlarning кўпчилигига инвазив саратон ривожланишидан олдин ҳеч қандай шикоятлар бўлмайди. Рак олди касалликлари ҳеч қандай белгисиз, 10-15 йил давомида, саратон ривожланишига олиб келгунига қадар мавжуд бўлиши мумкин. Пастки қорин оғриғи ёки ёқимсиз ҳид каби аломатлар одатда даволаш қийин бўлган кечки босқичлардаги бачадон бүйни саратони натижасидир. Унинг ривожланишини олдини олиш учун аёллар камида бир марта 30-49 ёши оралиғида скрининг текширувларидан ўтиши ва касалликнинг белгилари мавжуд бўлса, даволанишлари керак. Бачадон бүйни саратонини даволаш оддий ва жуда самарали.

## **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ МАНФИЙ БЎЛСА, БУ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?**

Агар тадқиқот натижаси манфий бўлса, бу сизда бачадон бүйни саратони ривожланишига олиб келиши мумкин бўлган ўзгаришлар йўқлигини англатади. Бундай ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш учун ҳар 5-10 йилда скрининг текшируви доирасида текширишдан ўтиш муҳимдир.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ МУСБАТ БҮЛСА, БУ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Скрининг мусбат натижа берса, күп ҳолларда бачадон рак олди касаллиги мавжуд бўлса-да, уни осонлик билан амбулатория шароитида даволаш мумкин. Баъзи ҳолларда, соғлиқни сақлаш ходимлари, бачадон бўйни саратони эмас, балки рак олди касаллиги борлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча текширув ўтказишлари мумкин. Бунинг учун у сизни бошқа тиббий-профилактика муассасасига – бирламчи тиббий ёрдам марказига ёки шифохонага юбориши мумкин. Соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари агар тадқиқот натижалари аниқ бўлмаса, ёки керакли даволанишни амалга оширишни иложи бўлмаса, сизни касалхонага юборишлари мумкин.

## ОПВ ВА ОИВ ЎХШАШМИ?

ОПВ (инсон папилломавируси) ва ОИВ (инсон иммунитет танқислиги вируси) – иккита вирус бир-биридан жуда катта фарқ қиласиди.

ОПВ туфайли келиб чиқсан инфекция ОИВ инфекциясига қараганда анча кенг тарқалган: жинсий ҳаёт кечирадиган деярли ҳар бир шахс умри давомида ОПВ билан касалланади. Ушбу вирус терида мавжуд бўлиб, у инфекцияланган тери билан мулоқат қилганда юқади.

ОИВ биологик суюқликларда (сперма ва қон) мавжуд ва улар билан мулоқатда юқади, бу эса жинсий муносабатларда ОИВ инфекциясининг олдини олишда шахсий ҳимоя воситаларининг юқори самарадорлигини билдиради. Ушбу инфекцияни олдини олишнинг энг яхши усули эмлашдир. Ҳозирги кунда ОИВга қарши эмлаш мавжуд эмас.

## ОПВ ГА ҚАРШИ ҚАНАҚА ВАКЦИНАЛАР БОР?

Ҳозирги пайтда дунёда ОПВга қарши 2 та вакцина мавжуд: Церварикс®(GlaxoSmithKline) ва Гардасил® ёки Силгард® (Merck).

## КИМНИ ЭМЛАШ КЕРАК?

ЖССТ 9-13 ёшдаги қизларни эмлашни тавсия қиласиди. 9 ёшдан кичик қизларни эмлаш тавсия этилмайди

## ОИВ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҚИЗЛАР ЭМЛANIШИ МУМКИНМИ?

Тадқиқот натижаларига кўра, ОИВ билан касалланган қизларда ОПВГА қарши эмлаш хавфли эмас. Бошқа барча қизлар сингари, ОИВ билан касалланган қизларга ҳам жинсий ҳаёт бошланишидан олдин эмлаш тавсия этилади. Бироқ, ОИВ билан касалланган қизлар 15 ёшга етганни ёки йўқми, нима бўлишидан қатъи назар, учта эмлаш дозасини олишлари керак.

## НИМА УЧУН ЎФИЛ БОЛАЛАР ЭМЛАНМАЙДИ?

ОПВ вакциналари ўғил болаларга зарар бермайди, аммо ҳозир биз уларни эмлашни тавсия этмаймиз, чунки вакциналар жуда қиммат ва кейинчалик мавжуд бўлган вакциналардан бачадон бўйни саратони хавфи мавжуд бўлган қизларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиш афзалдир.

## **ОИВ ИНФЕКЦИЯ БИЛАН ЯШОВЧИ ШАХСЛАР УЧУН РЕПРОДУКТИВ ТАНЛОВ ВАРИАНТЛАРИ.**

**УШБУ БҮЛИМДА ҚҰЙИДАГИЛАР ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:**

- ◆ Дискордант жуфтликлар учун репродуктив танловга нисбатан мавжуд бўлган асосий қоидалар ҳақида
- ◆ Дискордант жуфтликлар учун мавжуд бўлган фарзандлик бўлишнинг хавфсиз йўллари ҳақида
- ◆ Дискордант жуфтликларга тавсия етилиши мумкин бўлган ёрдамчи репродуктив технологик усуллари ҳақида
- ◆ «Унумдорлик ойнаси» нима еканлиги ҳақида
- ◆ Унумдорлик ойнасини аниқлашнинг қандай усулларини тавсия этиш ва улардан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида
- ◆ Уруғлантириш имкониятларини ошириш усуллари ва қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

**ДИСКОРДАНТ ЖУФТЛИКЛАР РЕПРОДУКТИВ ТАНЛОВ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?**

1. Одатда, дискордант жуфтликлар жинсий алоқалар вақтида №2 маҳсулот ёрдамида ҳимояланган бўлиши керак.
2. ОИВ манфий шерик учун ҳимояланмаган жинсий алоқа ОИВ инфекцияси юқиш хавфи ҳисобланади.
3. ОИВни юқтириш хавфи кўплаб омилларга, жумладан, шерикнинг қонида, спермасида ёки қин суюклигидаги вирус (вирусли юқ) микдорига боғлиқ. Қон текшируви натижаларига кўра, вирус юкламасининг паст даражаси сперма ва қин ажратмаларида ҳам паст бўлади дегани эмас ва инфекция юқиш хавфи сақланиб қолади.
4. Репродуктив тизимнинг яллиғаниш касалликлари ва жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар мавжудлиги шерикка инфекция юқиш хавфини оширади.
5. Дискордант жуфтликда режалаштирилган ҳомиладорликда соғлом соғлом фарзанд кўриш эҳтимоли юқори.
6. Ҳомиладорлик режалаштирилган бўлиши керак (инфекцион шифокор, акушер-гинеколог, эпидемиолог билан маслаҳатлашганидан кейин).
7. Агар аёlda ОИВ инфекцияси ҳомиладорлик пайтида мавжуд бўлса, ОИВни онадан болага юқиш хавфи сезиларли даражада ошади.
8. Уруғлантиришнинг сунъий усуллари (ИВФ, ИКСИ) мавжуд бўлиб, улар инфекция юқиш хавфини сезиларли даражада камайтиради, аммо уни бутунлай йўққа чиқармайди.

## **БИТТА ШАХС ОИВ МУСБАТ БҮЛСА, СоғЛОМ ЖИНСИЙ ШЕРИГИ ИНФЕКЦИЯ ЮҚТИРМАСДАН ҲОМИЛАДОР БҮЛИШИ МУМКИНМИ?**

Битта шахс ОИВ билан касалланган ва бошқаси соғлом күплаб жуфтликлар фарзанд күришни хоҳлашади. Эҳтиёткорлик билан режалаштириш орқали ОИВси манфий шерикга (ёки болага) ОИВ инфекциясини юқтирумасдан хавфсиз ва муваффақиятли ҳомиладорликка эга бўлиш мумкин.

Аёл ҳомиладор бўлишга қарор қилишдан олдин, шифокор билан истак ва ниятларини муҳокама қилиши жуда муҳимдир. Сизнинг шифокорингиз (акушер-гинеколог, юқумли касалликлар шифокори ёки эпидемиолог) қандай қилиб хавфсиз тарзда ҳомиладор бўлиш имкониятлари ҳақида қарор қабул қилишда ёрдам беради.

## **ҲОМИЛАДОРЛИК ҲОЛАТИДА АЁЛ НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК?**

ОИВ инфекцияли ҳомиладор аёл онадан болага ОИВ инфекциясини юқишини олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш учун дарҳол мутахассисларга мурожаат қилиши керак.

## ИЖТИМОЙ-ХУҚУҚИЙ БҮЛИМ.

УШБУ БҮЛИМДА ҚҰЙИДАГИЛАР ҲАҚИДА БИЛИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН:

- ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ НИМА?
- ИШ БЕРУВЧИ БҮЛАЖАК ОНАНИНГ ИШГА ЁЛЛАНИШИНИ РАД ЭТИШИ ВА ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР УЧУН СИНОВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНИШИ МУМКИНМИ
- ҲОМИЛАДОР АЁЛГА НИСБАТАН ИШ БЕРУВЧИННИГ ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАРИ ТАҚИҚЛАНГАН?
- ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА ТУНГИ ВАҚТДА ИШЛАШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИМИ
- ҲОМИЛАДОР ОНАГА ЙИЛЛИК ПУЛЛИК ТАЪТИЛ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?
- ҚАЙСИ ИШЛАРДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЧЕКЛАНГАН
- ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ ТАЪТИЛИНИ ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ КЕРАК
- БОЛА ПАРВАРИШИ ТАЪТИЛИ ДАВРИДА НАФАҚА ТҮЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ ҚАНДАЙ
- АГАР ОТА-ОНАЛАР БИР ЁКИ БИР НЕЧТА МАНЗИЛДА РҮЙХАТДАН ЎТГАН БҮЛСА, БОЛАНИ РҮЙХАТГА ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК БҮЛАДИ
- БОЛА ТУФИЛГАНДАН КЕЙИН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ КЕРАК
- БОЛАНИНГ ТУФИЛИШИДА БИР МАРТАЛИК НАФАҚА ОЛИШ ТАРТИБИ

### ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ НИМА?

БМТнинг изоҳига кўра, инсон хуқуқлари ҳар қандай белгидан қатъи назар, ҳар бир инсоннинг ажралмас хуқуқидир: ёши, миллати, дини, молиявий ҳолати, жинси ва бошқалар. Одамлар ўз ҳаётларининг асосини ташкил этадиган нарсаларни талаб қилиш хуқуқига эга.

Инсон хуқуқлари Конституция билан ҳимояланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Ўзбекистон Республикасининг олий норматив-хуқуқий ҳужжати, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ва ўша куниёқ кучга кирган.

Инсон хуқуқларига риоя қилиш, бошқа шахслар ва одамлар гурухлари билан боғлиқ инсон хуқуқларини хурмат қилиш мажбуриятини ўз ичига олади.

Инсон хуқуқлари инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

### ИШ БЕРУВЧИ БҮЛАЖАК ОНАНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН БОШ ТОРТИШИ МУМКИНМИ?

**224-модда. Ҳомиладор аёлларни ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар**

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

## ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАР УЧУН СИНОВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНГАНМИ?

### 84-модда. Ишга қабул қилишда дастлабки синов

Меҳнат шартномаси қуидаги мақсадда дастлабки синов шарти билан тузилиши мүмкін:

- ҳодимнинг топширилаётган ишга лаёқатлиигини текшириб кўриш;
- ҳодим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги хақида бир қарорга келиши.

Дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ҳодим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар, ўрта маҳсус, қасб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юртларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан уч йил ичидаги биринчи бор ишга кираётган битирувчилари ишга қабул қилинганда, шунингдек, ҳодимлар билан олти ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилиб, ишга қабул қилинганда дастлабки синов белгиланмайди.

## ҲОМИЛАДОР АЁЛГА НИСБАТАН ИШ БЕРУВЧИННИНГ ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАРИ ТАҚИҚЛАНГАН ВА ҚАЙСИ ИШЛАРДА АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЧЕКЛАНГАН?

### 224-модда. Ҳомиладор аёлларни ва боласи бор аёлларни ишга қабул қилишдаги кафолатлар

Ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилишни рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мүмкін.

АГАР ҲОМИЛАДОР АЁЛ ЎЗ ХОХИШИ БИЛАН ИШДАН БЎШАСА, УНГА ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУФИШ УЧУН НАФАҚА ОЛИШ ҲУҚУҚИ БОРМИ?

Ҳомиладорлик ва туғиши нафақаси меҳнатга лаёқатсизлик варагаси асосида берилади. Агар ҳомиладор аёл ўз хохиши билан истеъфога чиқса, у ҳомиладорлик ва туғиши нафақасини олиш ҳуқуқидан фойдалана олмайди.

## ИШ БЕРУВЧИ ҲОМИЛАДОР АЁЛНИНГ ИЛТИМОСИГА БИНОАН ТЎЛИҚ БЎЛМАГАН ИШ КУНИ/ҲАФТАСИНИ БЕЛГИЛАШГА МАЖБУРМИ?

Ҳомиладор аёлнинг сўровига мувофиқ, шунингдек, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бўлган, шу жумладан унинг қарамоғида шахс бўлган, ёки оиланинг касал аъзоси парваришида бўлган шашслар тиббий хulosасини тақдим этган ҳолдаларида иш берувчи тўлиқ бўлмаган иш куни/ҳафтасини белгилаши шарт.

## ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРГА ТУНГИ ВАҚТДА ИШЛАШГА РУХСАТ БЕРИЛАДИМИ?

- 14 ёшгача бўлган фарзанди бор аёлларни тунги вақтда ишга жалб этишга йўл қўйилмайди
- Ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ногирон болалари – ўн олти ёшга тўлмаган) бўлган аёлларга, ҳомиладор аёлларга тунги ишлар, иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунларида ишлашга ва иш сафарига юборишга уларнинг розилигисиз йўл қўйилмайди.

- Ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни онанинг ва боланинг саломатлигига таҳдид солмаслигини тасдиқловчи тиббий хулоса мавжуд бўлганда, тунги ишларга жалб этишга йўл қўйилади.

## **БЎЛАЖАК ОНАГА ЙИЛЛИК ПУЛЛИК ТАЪТИЛ БЕРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

- Ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга ҳар йили камида уч иш куни давом этадиган қўшимча ҳақ тўланадиган таътил берилади.
- Ўн икки ёшга тўлмаган икки ёки ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга уларнинг хоҳишига кўра ҳар йили камида ўн тўрт календар кун давом этган, иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Ушбу таътил иш берувчи билан келишилган ҳолда белгиланган даврда йиллик таътилга қўшилиши ёки алоҳида (тўлиқ ёки қисман) ишлатилиши мумкин.

## **ҲОМИЛАДОРАЁЛ ИШ ҲАҚИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ БИЛАН УНГА САЛБИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ БАРТАРАФ ЭТАДИГАН БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИЛИШИ МУМКИНМИ?**

### **226-модда. Ҳомиладор аёлларни енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказиш**

Тиббий хуносага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд нокулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки нокулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртacha ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

## **ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШТАЪТИЛИНИ ОЛИШУЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ КЕРАК?**

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, аёл туғруқдан кейинги 70 (етмиш) календар кун ва 56 (эллик олти) (туғруқ мураккаб бўлганда, ёки икки ёки ундан ортиқ бола туғилганда – туғриқдан кейин 70 (етмиш) календар кун) ҳомиладорлик ва туғиши таътилини олиши мумкин.

Ҳомиладорлик ва туғиши таътилини олишдан олдин, аёл шифокорга мурожаат қиласи, шифокор унга ишга лаёқатсизлик варақасини ва аризасини беради. Ишга лаёқатсизлик варақаси 31-ҳомиладорлик ҳафтасидан бошлаб рўйхатга олинган оиласи поликлиникада ҳисобда турадиган ҳомиладор аёлга берилади. Ишга лаёқатсизлик корхона кадрлар бўлимига, бундай бўлим бўлмаса, кейин корхона бухгалтерия бўлимига топширилиши керак. Аёл туғруқ таътилига чиқиш учун иш берувчини олдиндан огоҳлантириши керак.

## **БОЛАГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ КЕРАК ВА УНИНГ ДАВОМИЙЛИГИ НИМА?**

Ҳомиладорлик ва туғруқ таътиллари тугаганидан сўнг, ходим икки ёшга тўлгунга қадар унга нафақа тўлаш билан болани парвариш қилиш учун таътил бериш тўғрисида ариза ёзиши мумкин.

Бунинг учун ариза ва боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасининг нусхаси тақдим этилиши керак.

## **БОЛАНИ ПАРВАРИШЛАШ ТАЪТИЛИ ДАВРИДА НАФАҚА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ ҚАНДАЙ?**

Ҳомиладорлик ва туғиши таътилиниң охирида аёлларга 3 ёшга тўлгунга қадар болага ғамхўрлик қилиш учун рухсат берилади.

Бунда 2020-йил 1-январдан бошлаб мазкур таътилни бериш даври Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009-йил 5-декабрдаги 971-сонли қарори билан тасдиқланган «ягона миллий меҳнат тизими» Идоралараро аппарат-дастурий тизимида “Меҳнат шартномаларини рўйхатга олиш, электрон меҳнат дафтарчаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида” ги низомнинг 6-бобига мувофиқ ягона миллий меҳнат тизими «Идоралараро аппарат-дастурий тизими”да рўйхатга олиниши лозим.

## **БОЛА ПАРВАРИШЛАШ ТАЪТИЛИДАН БОШҚА ОИЛА АЪЗОЛАРИ ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИНМИ?**

Болага ғамхўрлик қилиш учун таътиллар боланинг отаси, бувиси, бобоси ёки болани парвариш қиласидан бошқа қариндоши томонидан тўлиқ ёки қисман ишлатилиши мумкин.

## **БОЛА ПАРВАРИШИ ТАЪТИЛИ МЕҲНАТ СТАЖИНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИМИ?**

### **34-модда. Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришлаш учун бериладиган таътиллар**

Ҳомиладорлик ва туғиши таътили тугаганидан кейин аёлнинг хоҳишига кўра, унга боласи икки ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун таътил берилиб, бу даврда қонун хужжатларида белгиланган тартибда нафақа тўланади.

Аёлга, унинг хоҳишига кўра, боласи уч ёшга тўлгунга қадар болани парваришлаш учун иш ҳақи сақланмайдиган қўшимча таътил ҳам берилади.

Болани парваришлаш учун бериладиган таътиллардан боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлаётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин.

Аёл ёки ушбу модданинг учун қисмида кўрсатилган шахслар ўз хоҳишларига кўра, болани парваришлаш таътили даврида тўлиқ бўлмаган иш вақти режимида ёки иш берувчи билан келишиб, уйда ишлашлари мумкин. Бунда уларнинг нафақа олиш ҳуқуқлари (ушбу модданинг биринчи қисми) сақланиб қолади.

Болани парваришлаш таътиллари даврида аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланади. Бу таътиллар меҳнат стажига лекин ҳаммасини жамлагандан кўпи билан уч йил, шу жумладан мутахассислиги бўйича иш стажига ҳам қўшилади.

Болани парваришлаш таътилларининг вақти, башарти жамоа шартномасида, корхонанинг бошқа локал ҳужжатида ёхуд меҳнат шартномасида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшилмайди..

## **БОЛАНИНГ ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМАСИНИ ҚАЧОН РАСМИЙЛАШТИРИШ КЕРАК?**

Боланинг туғилиши рўйхатга олиш органларида туғилган жойида ёки доимий яшаш жойида ёки отонанинг ёки улардан бирининг вақтинчалик яшаш жойида мажбурий рўйхатга олиниши керак.

Ота-оналарнинг илтимосига биноан рўйхатга олиш органи боланинг туғилишини тантанали равишда рўйхатдан ўтказиши мумкин.

Туғилганлик ҳақидаги ариза боланинг туғилган кунидан бошлаб бир ой ичida оғзаки ёки ёзма равишда амалга оширилиши керак.

Боланинг туғилиши тұғрисидаги ариза унинг ота-онаси ёки ота-онасидан, алохіда ҳолларда эса қариндошлари, құшнилари ёки ота-онаси ёки ота-онасидан бири томонидан ваколат берилган бошқа шахслар, шунингдек, тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг мансабдор шахслари томонидан берилиши мүмкін.

Белгиланған муддатни үтказиб юбориш туғилишни рўйхатга олиш учун тўсиқ эмас.

## БОЛАНИНГ ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГИГУВОҲНОМАСИ НИРАСМИЙЛАШТИРИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ КЕРАК?

Туғилишни рўйхатга олиш учун боланинг туғилиши, ота-онанинг паспортлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар, никоҳ тұғрисидаги герб гувоҳномаси ёки оталикни белгилаш тұғрисидаги ариза ёки турмушга чиқмаган онанинг аризаси тақдим етилади.

Боланинг туғилғанлик ҳақидаги тиббий маълумотномасида кўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, туғилған санаси, миллати, фуқаролиги, оиласи аҳволи, она тили;
- вақт, сана ва туғилған жойи, жинси, вазни, боланинг баландлиги;
- туғилған вақтдаги ҳомиладорлик даврида;
- яшаш мезонлари (нафас олиш, юрак уриши, киндик ичакчасидаги пулсация, мушакларнинг мажбурий қисқариши);
- бериш вақти, тиббий маълумотноманинг серия рақами ва тиббиёт муассасасининг номи.
- боланинг туғилғанлиги тұғрисидаги тиббий маълумотнома тиббиёт муассасасининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва герб мухри билан мухланади.
- туғруқхонадан ташқарида ва тиббий ёрдамисиз туғилған боланинг туғилишини рўйхатга олиш туман шифокори (фелдшер ёки акушер) томонидан берилған тиббий маълумотнома асосида амалга оширилади.

## БОЛАНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Янги туғилған чақалоқнинг ота-онаси ўз манзилида рўйхатдан үтади. Агар ота-оналар турли манзилларда яшаш жойига ега бўлсалар, бола улардан бирида рўйхатдан ўтиши мүмкін.

Янги туғилған чақалоқларни рўйхатга олиш муддатларига келсак, хуқуқий нормаларнинг ноаниклиги мавжуд. Шунинг учун, янги туғилған чақалоқни рўйхатдан үтказиш туғилғанлик ҳақидаги гувоҳномани олганидан сўнг 7 кун ичидаги тавсия этилади.

Ота-оналардан бирининг паспорт бўлимига мурожаат қилиш керак.

## ОТА-ОНАЛАР ТУРЛИ МАНЗИЛЛАРДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН БЎЛСА, БОЛАНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК БЎЛАДИ?

- ариза шакли
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти
- уй-жой учун асл ҳужжатлар (нусхалар олиб, асл нусхалар қайтарилади);
- уй-жой мулқдорлари (эгаларининг) яшаш жойини тақдим этиш тұғрисидаги аризаси (розилиги) ёки шахсий топшириш имкони бўлмаган тақдирда нотариал тасдиқланган ариза (розилик);
- никоҳ ёки болалар туғилғанлиги тұғрисидаги гувоҳнома, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалар олинади, асл нусхалар қайтарилади);

- доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтиш учун давлат божини тўлаш тўғрисидаги патта/ Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда/.

## **ОТА-ОНАЛАР БИР ХИЛ МАНЗИЛДА РЎЙХАТДАН ЎТГАН БЎЛСА, БОЛАНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ УЧУН ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК БЎЛАДИ?**

- ариза шакли
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти
- уй-жой учун асл ҳужжатлар (нусхалар олинади, асл нусхалар қайтарилади);
- уй-жой мулқорлари (эгаларининг) яшаш жойини тақдим этиш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёки шахсий топшириш имкони бўлмаган тақдирда нотариал тасдиқланган ариза (розилик);
- никоҳ ёки болалар туғилганини тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалар олинади, асл нусхалар қайтарилади);
- доимий яшаш жойида рўйхатдан ўтиш учун давлат божини тўлаш тўғрисидаги патта/Ўзбекистон Республикасининг «давлат божи тўғрисида»ги Қонунида белгиланган миқдорда/.

## **БОЛА ТУФИЛГАНДАН КЕЙИН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛИШИ КЕРАК?**

- Икки ёшга тўлгунга қадар болани парвариш қилиш учун нафақа ишлайдиган оналарга ўз иш жойида тўланади.
- Давлат буджетидан молиялаштириладиган давлат ташкилотлари ходимларига мазкур қўлланма фуқароларнинг яшаш жойидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг алоҳида шартлари асосида берилади.
- Ойлик нафақа миқдори календар йил бошида амалда бўлган асосий ҳисоб-китоб қийматининг (энг кам иш ҳаки) икки баравари миқдорида тайинланади ва тўланади.
- Келгуси йил бошидан бошлаб ушбу нафақасининг миқдори янги тарифга мувофиқ ўзгаради.

## **ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУФИШ НАФАҚАСИНИ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

Ўзбекистонда оналик нафақасини тайинлаш ва тўлаш учун асос сифатида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси қўлланилмоқда. Нафақа меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланиши керак.

Ушбу қоида, шунингдек, ҳомила тушиш ҳолатларида ҳам қўлланилади.

Иш жойида меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва ариза берилади.

## **БОЛАНИНГ ТУФИЛИШИДА БИР МАРТАЛИК НАФАҚА ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?**

Ҳукуматнинг 2021 йил 23 майдаги Қарори билан тасдиқланган «бала туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тайинлаш бўйича Давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти га мувофиқ, нафақа олиш учун ҳар қандай давлат хизматлари марказида ёки порталда сўровномани тўлдириш мумкин туту.gov.uz.

Сўровномада қўйидагилар кўрсатилган:

- Аризачининг фамилияси ва исми, туғилган санаси, паспорт серияси ва рақами,
- ЖСШИР, нафақа бериш вазифаси юкланган ташкилот,
- Электрон почта манзили,
- Боланинг туғилган куни, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами,
- Аризани рўйхатдан ўтказиш рақами,
- Боланинг мансублиги (ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар), телефон рақами. Шундай қилиб, паспорт ва туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки уларнинг нусхалари талаб қилинади.
- Маълумот учун, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг 70,3 фоизини ташкил этади.
- Ушбу сумма “Халқ банки”нинг жойлардаги филиалларида тўланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Всемирная организация здравоохранения, Johns Hopkins Bloomberg School of Public Health. Center for Communication Programs & United States. Agency for International Development. (2008). Планирование семьи: Универсальное руководство для поставщиков услуг по планированию семьи.
2. Всемирная организация здравоохранения. Комплект учебно-методических материалов для общего курса по профилактике передачи ВИЧ от матери ребенку. Карманный справочник. 2004г.
3. Всемирная организация здравоохранения Комплексная борьба с раком шейки матки: Руководство по основам практики. Второе издание 2018
4. Всемирная организация здравоохранения. Рекомендации ВОЗ по уходу в интранатальный период для формирования положительного опыта родов: улучшение здоровья и благополучия матерей и новорожденных 2018
5. Всемирная организация здравоохранения Сводное руководство по охране сексуального и репродуктивного здоровья и защите прав женщин, живущих с ВИЧ 2017
6. Онлайн-справочник «ВИЧ+» НРОО «Гуманитарный проект» <https://play.google.com/store/apps/details?id=org.prometheusstudio.android.hivhandbook&hl=ru>
7. ССВнинг 2021 йил 19 авгуstdаги «ОИВ бўйича миллий шароитга мослаштирилган клиник баённомаларни тадқиқ этиш” тўғрисидаги бўйруғи.
8. Равное консультирование в онкологии – проект программы «Женское здоровье» 100 ВОПРОСОВ про этику консультанта. <https://rk-onco.ru/materials/100-voprosov-pro-etiku-konsultanta/osnovy-raboty-ravnogo-konsultanta/>
9. РУКОВОДСТВО КОНСУЛЬТАНТА ПО ПРИНЦИПУ «РАВНЫЙ - РАВНОМУ» Для людей, живущих с ВИЧ, и ключевых уязвимых групп <https://goo.gl/REGCUs>
10. Руководство по вопросам ВИЧ-тестирования и консультирования по инициативе медицинских работников в лечебно-профилактических учреждениях Всемирная Организация Здравоохранения, 2007 г
11. Валерия Фадеева: Беременность и роды в вопросах и ответах Издательство «Мир и образование» 2021
12. 2015 progress report on the global plan towards the elimination of new HIV infections among children and keeping their mothers alive UNAIDS 2015
13. ACOG COMMITTEE OPINION Number 751 Labor and Delivery Management of Women With Human Immunodeficiency Virus Infection
14. ACOG COMMITTEE OPINION Number 752 Labor and Delivery Management of Women With Human Immunodeficiency Virus Infection
15. BHIVA guidelines for the management of HIV in pregnancy and postpartum 2018 (2020 third interim update)
16. Dehne KL, Dallabetta G, Wilson D, Garnett GP, Laga M, Benomar E, et al. HIV Prevention 2020:a framework for delivery and a call for action. Lancet HIV. 2016;3:e323–e332.
17. Guidance note: HIV and social protection. Geneva: Joint United Nations Programme on HIV/AIDS; 2014.
18. HIV and social protection guidance note. Geneva: Joint United Nations Programme on HIV/AIDS; 2011.
19. Kennedy, Caitlin E.a; Yeh, Ping T.a; Pandey, Shristia; Betran, Ana P.b; Narasimhan, Manjulaab Elective cesarean section for women living with HIV, AIDS: July 17, 2017 - Volume 31-Issue 11 - p 1579-1591 doi: 10.1097/QAD.00000000000001535

20. Male involvement in the prevention of mother-to-child transmission of HIV World Health Organization, Department of Reproductive Health and Research 2012
21. On the Fast-Track to end AIDS: UNAIDS 2016–2021 strategy. Geneva: Joint United Nations Programme on HIV/AIDS; 2015.
22. WHO recommendation: Elective C-section should not be routinely recommended to women living with HIV Policy brief World Health Organization 2018
23. World Health Organization. (2016). Consolidated guidelines on the use of antiretroviral drugs for treating and preventing HIV infection: recommendations for a public health approach, 2nd ed. World Health Organization.
24. World Health Organization. (2017). WHO technical brief: preventing HIV during pregnancy and breastfeeding in the context of PrEP. World Health Organization.
25. ВИЧ-ИНФЕКЦИЯ ЭТИОЛОГИЯ, ПАТОГЕНЕЗ, ЛАБОРАТОРНАЯ ДИАГНОСТИКА Учебное пособие для студентов, обучающихся по специальностям: лечебное дело, педиатрия, медико-профилактическое дело, стоматология, фармация Челябинск, 2015
26. Проблематика заболеваемости ВИЧ-инфекцией. © 2021 Мининский Университет.  
Электронная почта: mininuniver@mininuniver.ru. Министерство просвещения Российской Федерации <https://mininuniver.ru/about>
27. Рекомендации по лечению табачной зависимости. © 2018 European Network for Smoking and Tobacco Prevention aisbl (ENSP) Chaussée d'Ixelles 144 B-1050 Brussels, Belgium Тел.: +32 2 2306515 Факс: +32 2 2307507 E-mail: info@ensp.org Internet: [www.ensp.org](http://www.ensp.org) © МОРИОН, 2017 E-learning platform: <http://elearning-ensp.eu/> ISBN: 978-618-83869-0-72018
28. Планирование семьи Универсальное Руководство для поставщиков Услуг по планированию семьи. Всемирная организация здравоохранения Отдел охраны репродуктивного здоровья и научных исследований, Институт здравоохранения им. Джонса Хопкинса Блюмберга Центр информационных программ, Агентство США по международному развитию Бюро международного здравоохранения Отдел по вопросам народонаселения и охраны репродуктивного здоровья 2008





